Бизнинг фикримизча, таълим – бу фуқароларнинг манфаатини таъминлаш мақсадига йўналтирилган бўлиб, таълим олувчиларнинг давлат таълим стандартлари ва талаблари билан белгиланган натижаларга, ютуқларга эришишини таъминлашга қаратилган жараёндир. Таълим жараёнини ташкил этишда ҳар бир фуқаронинг туғилганидан бошлаб унга тегишли бўлган табиий ҳуқуқларидан бири ҳисобланган билим олиш ҳуқуқи олий қадрият сифатида давлат томонидан кафолатланади.

Бундан ташқари, россиялик тадқиқотчиси И.В. Тьяпкина Россия Федерациясининг амалдаги таълим қонунчилигида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва механизмлар белгиланмаганлигини қайд этади [4, 33-бет].

Дарҳақиқат, жамият ўзгариб борар экан, таълим жараёнини тартибга солувчи қонунчилик ҳам, ўз навбатида, ўзгаришни талаб этади. Шунинг учун мамлакатимиз мавжуд таълим қонунчилигини таҳлил қилиш ва халқ манфаатини таъминлашга қаратилган қоидалар билан тўлдириш нуқтаи назардан такомиллаштириш юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар билдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, мустақиллик йилларида таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Дастлабки қонунлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (аввалги таҳрирдаги) 1992 йил 2 июлда қабул қилинди.

Мазкур қонунга кўра таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири эканлиги, таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданий ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизиши, таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олиши, у республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлаганлиги белгилаб қўйилди.

Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ишлари бошлаб юборилди. Абитириентларни тест усуллари асосида танлаш, ўқувчиларнинг билимини рейтинг тизимида баҳолаш ва янги ўқув режалари жорий қилинди. Янги типдаги таълим турлари ва касб-ҳунар муассасалари ташкил этилди.

Кейинчалик таълим соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар ва тажрибалар шуни кўрсатдики, таълим тизимини қайта ислоҳ қилиш зарурати туғилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан янги ўзимизга хос ва мос бўлган миллий таълим тизимини яратиш ғояси илгари сурилди.

Қадрлар тайёрлашнинг миллий дастури лойиҳасини яратиш устида ишлар бошланиб,

мамлакат парламенти томонидан 1997 йил 29 августда янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни [6] ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури [7] қабул қилинди. Мазкур қонун ҳужжатлари узлуксиз таълим тизими, таълим соҳасидаги муносабатлар, турли даражадаги юқори малакали ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш тизими, маънавий бой, эркин ижодий шахсни шакллантиришга оид муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмини белгилаб берди.

Ислохотларни амалга ошириш жараёнида таълим тизимини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида илғор тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасида муайян ютуқларга эришилди, десак муболаға бўлмайди. Аммо шу билан бир қаторда, сўнги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар каби таълим соҳасида ҳам амалга оширилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда мавжуд таълим тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда: “бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий якунига етказишимиз зарур” [8, 13-бет]. Демак шундай экан, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, таълим қонунчилигини тубдан қайта кўриб чиқиш, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, уларнинг турлари кўрсатилмаган. Шу сабабли мазкур моддани “Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми ва турлари” деб номлаган ҳолда “Таълим муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд: мактабгача таълим муассасалари; умумий ўрта таълим муассасалари; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари; олий таълим муассасалари; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари; мактабдан ташқари таълим муассасалари” жумласини қўшиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, қонуннинг 14-моддасида олий таълимга оид нормалар назарда тутилган бўлиб, айни пайтда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, мазкур моддага бакалаврият олий таълим йўналишлари ўқиш муддатини камида уч йил ҳамда магистратурани эса камида бир йил давом этадиган олий таълим босқичлари сифатида тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим. Бундан ташқари, ушбу моддага олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликлари ва бакалаврият таълим йўналишларига талабаларни қабул қилиш давлат грантлари ва пуллик шартнома асосида амалга оширилишини қўшиш тавсия этилади.

Сабаби шундаки, мазкур қонуннинг 4-моддасида билим олиш ҳуқуқи таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш орқали таъминланиши белгиланган. Таълим қонунчилигида бепул олий таълимни фақат биринчи мартаба олий таълимни олувчи фуқаролар олиши мумкинлиги назарда тутилади. Мазкур моддада фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланган бўлиб, олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичида ўқитиш пулли ёки бепул эканлиги кўрсатилмаган. Бу

эса, ўз навбатида, аниқлик киритилишини тақозо этади. Чунки, шартнома асосида ўқиш фақат иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олишга тааллуқли бўлиб қолмоқда.

Қонуннинг 20-моддасида таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари мустаҳкамланган. Бироқ таълим муассасасининг фаолияти тугатилган ёки қайта ташкил этилган ёхуд фаолият йўналиши ўзгарган вақтда таълим олувчининг ўз йўналишига мос бўлган таълим муассасасига ўқишини кўчириш кафолатлари ҳеч қайси қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Сўнги йиллардаги тажрибалар шуни кўрсатдики, таълим олувчиларнинг хоҳиш-истаги инobatта олинмасдан уларнинг ўқишини кўчириш ҳолатлари кузатилди. Шунинг учун ушбу моддага “Қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим муассасасининг фаолияти тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда ёхуд фаолият йўналиши ўзгарганда таълим муассасасида таълим олувчиларни уларнинг хоҳишига кўра, бошқа мувофиқ бўлган таълим муассасасига ўрнатилган тартибда ўтказилиши кафолатланади” деган жумла қўшилса, аттестация ва аккредитация натижалари ёки бошқа сабабларга кўра таълим муассасасининг фаолияти тугатилган ёки қайта ташкил этилган ёхуд фаолият йўналиши ўзгарган тақдирда таълим олувчилар ҳуқуқлари кафолатланиши таъминланади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси белгиланган. Демак, мазкур органлар деб Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини тушуниш мумкин. Аммо, қонунда таълимни бошқариш бўйича умумий ваколат берилган давлат органларини ҳам назарда тутиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунинг боиси шундаки, амалда кўпгина таълим муассасалари мазкур вазирликлардан ташқари бошқа вазирлик ва идораларга бўйгинади. Масалан, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент фармацевтика институти ва бошқа тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент давлат юридик университети Адлия вазирлиги тасарруфида ҳисобланади ва ҳ.к.

Фикримизча, таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасалари педагог ходимлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва уларни рағбатлантириш бўйича чоралар кўриш, ваколати доирасида таълим муассасалари раҳбар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш каби ваколатларни умумий ваколат берилган давлат органларининг ваколатлари сифатида белгилаш масаласини кўриб чиқиш зарур.

Бундан ташқари қонун ҳужжатларида таълим иштирокчилари, шу жумладан, бевосита таълим фаолияти билан шуғулланадиган субъектларнинг ҳуқуқий муносабатлари, ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек жавобгарлик масалаларини акс эттириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада хорижий давлатларнинг таълим қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, Россия Федерацияси “Таълим тўғрисида”ги қонуни [9] 47-моддасида педагог ходимларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва

эркинликларига оид нормалар белгиланган бўлиб, мамлакатимизнинг “Таълим тўғрисида”ги қонунида эса педагог ходимларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи алоҳида нормалар кўзда тутилмаган.

Шу нуқтаи назардан хорижий тажрибаларни инобатга олиб, таълим қонунчилигига педагог ходимларнинг ҳуқуқий мақомига оид қоидаларни киритиш тавсия этилади. Ушбу қоидаларда давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган мажбуриятлар ва жавобгарликлар йиғиндиси сифатида педагог ходимларнинг ҳуқуқий мақомига алоҳида таъриф бериш, уларнинг обрў-эътибори улуғланиши, фаолият кўрсатишлари учун барча зарур шароитлар яратилишини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби масалалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, хорижий тажрибалар асосида бойитилган ва тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши барча таълим соҳаси иштирокчиларининг таълим жараёнидаги муносабатларини янада мустақамланишига ва ҳуқуқий тартибга солинишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир” мавзусидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. 2016.
2. Смелзер Н.Дж. Социология. – Москва: Феникс, 1994. – 688 с.
3. Майбуров И.А. Соотношение понятий “Образование” и “Образовательные услуги” // Право и образование. – Москва: Современный гуманитарный университет, 2003. – № 5. – 34 с.
4. Тяпкина И.В. Право на образование в средних и высших профессиональных учебных заведениях и система конституционных гарантий его обеспечения и реализации в России // Право и образование. – Москва: Современный гуманитарный университет, 2007. – № 3. – 33 с.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (эски таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – № 6, – 268-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9. – 225-модда.
7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9, – 223-модда.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. – 2016. – 13 б.
9. Интернет маълумотлари: <http://zakon-ob-obrazovani.ru>

Б.А.Норматов,

ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада муаллиф кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми, ушбу субъектларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектларининг турлари ва уларга солиқ солиш тартибини таҳлил қилиб ёритган.

Калит сўзлар: кичик тадбиркорлик субъекти, яқка тартибдаги тадбиркор, микрофирма, кичик корхона, солиқлар, бошқа мажбрий тўловлар.

Аннотация: автор анализирует правовой статус субъектов малого предпринимательства, роль и значение этих субъектов в экономике, а также типы и процедуры налогообложения малого бизнеса.

Ключевые слова: субъект малого предпринимательства, индивидуальный предприниматель, микрофирма, малое предприятие, налоги, другие обязательные платежи.

Annotation: the author analyzes the legal status of small business entities, the role and importance of these subjects in the economy, as well as the types and procedures for taxing small businesses.

Key words: small business entity, individual entrepreneur, microfirm, small enterprise, taxes, other mandatory payments.

Ўзбекистон Республикасида давлат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли даромадлари ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қўлай ишбилармонлик муҳити, авваламбор, қулай солиқ-тадбиркорлик қонунчилиги тизими яратилганлиги ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати юритилиши билан ўзвий боғлиқдир. Ушбу соҳада мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони [1] билан “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланди. Унга кўра солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги 5308-сон [2] Фармонига кўра солиқ юкини камайтириш ва содалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, кичик корхоналарни тез суръатларда ривожланиб, ишчилар сонини кўпайтириши ҳамда йирик корхоналар тоифасига ўтишни рағбатлантирувчи тизим жорий этиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан “Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур. Ўз эҳтиёжи учун объектлар қураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солиқ тўловини маълум муддатга кечиктириш ҳуқуқини бериш даркор. Шунингдек, кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш шарт [3]” деб таъкидлаб ўтилди.

Жаҳон молия фондининг ҳисоботида кўра бугунги кунда дунёда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар бутун дунёнинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда [4]. Жаҳон мамлакатлари миллий иқтисодий диверсификациялаш жараёнида кичик тадбиркорлик субъектларининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан, сўнги йилларда Японияда иқтисодий фаол аҳолининг 70 фоизи, Хитойда 80 фоизи, АҚШда 50 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлиб, АҚШда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 52 фоизи, Японияда 67 фоизи, АҚШда фаолият юритаётган корхоналарнинг 97,6 фоизи, Японияда 99,2 фоизи, Германияда 99,3 фоизи айнан мазкур субъектлар улушига тўғри келмоқда [5]. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб, кичик тадбиркорликнинг улуши ЯИМда 56,7 фоизни, саноатда 31,7 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,4 фоизни, аҳоли бандлигида 77 фоиздан ортиғини ташкил қилмоқда [6]. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш объекти сифатида намоён бўлишининг асосий сабабларидан бири – унинг жамият ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда жуда катта салоҳиятга эга эканлиги [7]. Шу нуқтаи назардан, кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва улар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан биридир.

Тадбиркорлик субъекти сифатида кичик тадбиркорлик субъектларининг гуруҳи. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 328-сон [8] Қонунининг 5-моддасига кўра кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар; 2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш

киши бўлган микрофирмалар; 3) қуйидаги тармоқлардаги: қонун ҳужжатларида назарда тутилган энгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши; металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши; машинасозлик, металлургия, ёнилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Демак, қонунчилигимизда *кичик тадбиркорлик субъектларининг турлари сифатида*: ЯТТ, микрофирма, кичик корхона; *кичик тадбиркорлик фаолият турлари сифатида*: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо; *ходимларнинг ўртача йиллик сони эса*: 1 – 200 гача белгилаб қўйилган экан.

Кичик тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [9] 13-моддасига кўра солиқ тўловчи ҳисобланиб, зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари ҳисобланади. Шунингдек, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига кўра тадбиркорлик субъектларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурият сифатида белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [10] 40-моддасига кўра кичик тадбиркорлик субъектлари фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган тижоратчи ташкилот ҳисобланадилар. Демак, фуқаролар ва юридик шахслар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун яъни тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир тури билан шуғулланиб, фойда олиш мақсадида давлат рўйхатидан ўтганларидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 34-моддасига кўра уларда солиқ мажбурияти юзага келар экан.

Кичик тадбиркорлик субъекти сифатида ЯТТга солиқ солиш тартиби. Якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) – жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир. Кичик тадбиркорлик субъекти сифатида ЯТТ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 370-моддасига кўра қатъий белгиланган солиқларни тўловчи ҳисобланади. ЯТТ томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқларнинг ставкалари ҳар йилги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида қарори билан белгиланадиган ставкалардан келиб чиқиб белгиланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон

Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сон[11] қарорининг 11-иловасига кўра ҳар ойга энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 бараваридан 7 бараварига миқдорида (172,240÷2=86,120 сўмдан 172,240*7=1205680 сўмгача) ҳудудийлик принципи ва фаолият тури бўйича белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг[12] 373-моддасига кўра якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайди:

1) божхона тўловлари; 2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар; 3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда; 4) акциз солиғи – акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда; 5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари; 6) давлат божи; 7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Бундан ташқари, агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва ер участкасига эга бўлса, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 48 ва 50-бобларида назарда тутилган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [13] 374-моддасига кўра ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни қуйидагича тўлайди, яъни якка тартибдаги тадбиркор зиммасига унинг ҳар бир ходими учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга ошириладиган фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг 30 фоизи, I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар бўйича эса энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг [14] 311-моддасига кўра суғурта бадаллари солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, мажбурий тартибда қуйидагича тўланади: 1) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ойга энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда; 2) якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан – ойга энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Демак, ЯТТ кичик тадбиркорлик субъекти сифатида қатъий белгиланган солиқ (агар ходим ёлласса – ўзи тўлайдиган қатъий белгиланган солиғининг 30 фоизи миқдорида қўшимча солиқ); агар ижарага ер участкаси олмаган бўлса, ер солиғи; агар ижарага мол-мулк олмаган бўлса, мол-мулк солиғи; агар ер қаъридан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланаётган бўлса, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар; агар сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланаётган бўлса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; агар акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, акциз солиғи тўлайди.

Шунингдек, ЯТТ кичик тадбиркорлик субъекти сифатида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига

суғурта бадаллари (ўзи ҳамда ёллаган ходими учун); давлат божи(давлат рўйхатидан ўтканлиги ва юридик ҳаракатлар учун истеъмолчи бўлганда); автотранспорт воситаларини олганлик ёки вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим каби бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар.

Кичик тадбиркорлик субъекти сифатида Микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 350-моддасига кўра Микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловчилар ҳисобланади. Микрофирма ва кичик корхоналарнинг кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида таснифлаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 275-сон қарори билан белгиланади [15].

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 2017 йил 17 январдаги қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги [16] низомда назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 351-моддасига кўра Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 348-моддасига кўра солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилади ва ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутайди. Шунингдек, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасида назарда тутилган жами умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўрнига тўланади, аммо Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 349-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар мустасно ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш механизмини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш тизими соддалаштириш ва замон талабларидан келиб чиқиб либераллаштириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ солиш бўйича қонунчилик нормалари аниқ ифодаланмаган, бу эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 7-моддасида белгиланган солиқ солишнинг аниқлиги яъни солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва

бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак принципига зид келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, солиқ тўловчилар, солиқ тизимини ўрганувчилар ва солиқ қонунчилиги бўйича ҳуқуқни қўлловчи субъектларга қийинчилик тўғдиришмоқда. Шу сабабли, кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш нормаларини соддалаштириш лозим.

Иккинчидан, кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби ва умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби ўртасидаги имтиёзли чегаралар солиқ қонунчилигида аниқ ифодаланмаган ва бу кичик тадбиркорлик субъектларининг солиқ имтиёзлари ва преференциялардан унумли фойдаланишларига тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўшимча норма, яъни *Солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш принципини* киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу принципда солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ қонунчилигида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга (давлат солиқ органлари, давлат божхона органлари, давлат статистика органлари, давлат молия органлари, банкларга ва бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатларсиз қўлланилишини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларини кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида таснифлаш учун улардаги ходимлар сонидан эмас, балки улар фаолиятидаги пул-маблағлари айланмасининг ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси // 2017. 22 декабрь – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.40.
4. www.imf.org сайти маълумотлари
5. www.mspbank.ru, www.giac.ru, www.m-ecopomy.ru сайтлари маълумотлари.
6. Санақулов Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Докторлик диссертацияси автореферати. –Т. 2016. – Б. 5.
7. Гафуров Убайдулло Вахабович. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т, 2017, –Б.15.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 1-сон, 1-модда.
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.
10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 г., № 07/18/3696/1165.

12. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

14. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, № 09/17/785/0059; 16.02.2018 г.

16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. №7., 104-модда.

Қ.У.Умидуллаев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти

ХУДУДЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЖРИБАСИ: КЇСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАХЛИЛ

Аннотация: ушбу мақолада асосий эътибор Россия Федерациясида ҳудудлар самарадолигини баҳолашнинг қонуний асосларини ва методологиясини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, мақолада бу борада Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ишлар ва тизимнинг афзалликлари ёритилган.

Калит сўзлар: самарадорлик, маҳаллий ижроия ҳокимияти, баҳолаш мезонлари, баҳолаш усуллари, ҳудудлар, ҳоким, вилоят, туман, шаҳар, губернатор.

Аннотация: в этой статье основное внимание уделяется анализу правовой базы и методологии оценки эффективности регионов в Российской Федерации. Также в статье изложены преимущества системы в Узбекистане.

Ключевые слова: эффективность, исполнительные органы государственной власти, оценка эффективности, методы оценки эффективности, субъекты, хакам, область, район, город, губернатор.

Annotation: the article focuses on the effectiveness of public administration in the Russian Federations in the aspects of law and its methodology. Moreover, the article reveals affairs of Republic of Uzbekistan in this sphere and its advantages.

Key words: effectiveness, public administration authorities, evaluation of effectiveness, local government, region, district, city, governor.

Ҳозирда жаҳоннинг кўпгина давлатларида “Самарали давлат бошқаруви”, “Янги давлат бошқаруви” методлари асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Россия Федерациясида ҳудудлар самарадолигини баҳолаш 2007 – 2015 йиллар давомида тўпланган тажрибалар асосида такомиллаштиб борди. Маҳаллий ижроия органлари иши самарадорлигини баҳолаш предмети сифатида иқтисодиёт ва инвестицияларнинг жозибдорлиги, соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой қурилиши каби соҳалар белгилаб олинди.

Баҳолаш натижалари маҳаллий ижроия органларидан эътибор талаб қиладиган соҳаларни аниқлаб олиш, ҳудудий ижро органлари томонидан самарадорликни ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек аҳоли ҳаётини яхшилаш, кўрсатилаётган давлат хизматлари сифати ва ҳажмини ошириш учун ички ресурсларни (молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа) аниқлаш имконини беради. Шу сабабли Россия Федерациясида бугунги кунда давлат ҳокимиятининг барча даражалари фаолияти самарадорлигини ошириш давлатнинг устивор вазифасига айланди [1].

Россия Федерациясида маҳаллий ижро органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг норматив-ҳуқуқий асослари бўйича асосий ишлар 2007 – 2012 йилларда амалга оширилди. 2011 йилда А.К.Бочарова томонидан маҳаллий ижро органлари фаолияти

самарадорлигини ҳам даража ва динамика (ўсиш суръати) асосида баҳолаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бу янги тизим ҳокимият вакиллари ҳамда экспертлар гуруҳи томонидан кўплаб танқидларга ҳам учради.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йилдаги Федерал мажлисга қилган мурожаатида барча даражадаги давлат механизмлари ва ҳокимиятининг иш даражасини ўлчовчи очиқ ва тушунарли бўлган давлат бошқарувининг янги самарадор моделини ташкил этиш талаб қилди.

Ҳудудлар самарадорлигини мезонлар асосида баҳолаш тизими кўп томонлама қулай бўлсада, камчиликлардан ҳам холи эмаслиги айтиб ўтилди. Уларнинг фикрига кўра самарадорликни мезонлар асосида баҳолашнинг энг катта камчилиги асосий ва қўшимча кўрсаткичларнинг сонидадир. Улар кўп ҳолларда бир-бирини такрорлайди, ҳисоблашнинг аниқ механизми мавжуд эмас, соҳалар бўйича аниқ ҳолатни акс эттирмайди, уларнинг кўпи ҳудудларда самарадорликни объектив баҳолаш имконини бермайди. Шу сабабли тизимни такомиллаштириш бўйича экспертлар томонидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилган.

– ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида натижага асосланган бошқарувни тўлиқ амалга ошириш;

– режалаштирилган самарани бермаётган назорат механизмларига тегишли тузатишлар киритиш;

– федерал ва ҳудудий ижро органлари фаолияти муҳим йўналишларининг ҳисоблаш кўрсаткичлари мавжуд эмаслиги;

– маълумот тўплаш ва қайта ишлаш тизимининг йўқлиги, ишлар самарадолигини аниқлаш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш;

– давлат хизматчиларида натижали бошқарув соҳаси бўйича етарли билим, шунингдек, иш фаолиятини баҳолаш мотивациясининг йўқлиги: [2, Б.28-47].

Маҳаллий ижроия органларида самарадорликни баҳолаш бўйича Россия Федерацияси тажрибаси, биринчи навбатда, иқтисодий ёндашув бўлиб, бунда яқунда молиявий имкониятларнинг ортгани билан баҳоланади. Яъни самарасиз харажатларни камайтириш ва самарадорликка эришишга қаратилади.

Ижтимоий самарадорликни баҳолашда аҳоли фикри ҳам соҳани ривожланишида муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида танқидчилар, экспертлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикр мулоҳазалар, ҳар чорак якуни билан қилинган хулосалар натижасида олинган маълумотлар асосида тизимни такомиллаштириш борасида Россия Федерацияси Президенти ва Ҳукуматининг бир қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан, самарадорликни баҳолаш институту ҳуқуқий жиҳатдан Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2009 йил 15 апрелдаги 322-сонли “Россия Федерацияси Президентининг 2007 йил 28 июлдаги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори билан амалга оширилди.

Ижро этувчи ҳокимият органлари самарадорлиги баҳолаш мезонлари Россия Федерацияси Президентининг 2007 йил 28 июндаги 825-сонли фармони билан 43 та асосий ва 39 та қўшимча кўрсаткичлар рўйхати тасдиқланган. Шунингдек, Россия Федерацияси ижро этувчи ҳокимият

органларнинг ваколатлари, ҳисоботларининг методологияси ва шакли тасдиқланди.

Россия Федерацияси ҳукуматининг ҳисоботлари даврида ва ҳудудлар раҳбарлари, шунингдек аҳоли томонидан билдирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, баҳолаш мезонлари, методикаси, самарадорликни баҳолаш усулларини такомиллаштириш борасида тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиб борилди.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 7 майдаги 601-сонли “Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони билан Давлат ҳокимияти органлари ходимлари фаолияти самарадорлигига баҳо беришда фуқаролар иштироки ҳам инobatга олинadиган бўлди.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 21 августдаги 1199-сонли “Россия Федерациясининг ижроия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги” Фармони бу борада туб ўзгаришларни амалга оширишга асос бўлди. Мазкур Фармон билан Россия Федерацияси ҳудудий ижроия органлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари кескин 48 тадан 12 тага қисқартирилиб, 3 та асосий соҳага: ижтимоий соҳа, иқтисодий соҳа ҳамда аҳоли сўровини амалга ошириш белгилаб олинган.

Самарадорликни баҳолаш бўйича Россия тажрибасидан баҳолаш мезонларнинг кўп бўлиши ҳисоблашда чалкашликлар ва мураккабликлар юзага келиши билан бирга умумдавлат миқёсида самарадорликка кам эришиш ҳолати кузатилганини муҳимиз мумкин. Баҳолаш мезонларининг энг муҳимлари қолдирилиб, шу билан бир вақтда имкон қадар барча соҳани қамраб олингани сабабли барча соҳаларда ўсиш кузатилганига гувоҳ бўламиз.

Маҳаллий ижроия органларида самарадорлигини янги методика асосида баҳолаш айрим ҳудудларда кескин ўзгаришларга сабаб бўлган. Мисол учун, Каленинград вилояти мисолида 2011 йилни 2012 йил билан таққослаганда кескин ўсиш кўзатилган. Вилоят 2011 йилда эски кўп мезонли баҳолаш тизими асосида баҳоланганда 12 ўринда қайд этилган бўлса, 2012 йилда баҳолаш мезонлари янада аниқлаштирилиб, мезонлар сони қисқартирилгандан сўнг 63 поғонадан пастлаб, 75 ўринга тушиб кетган.

Шунингдек, баҳолаш мезонлари 2012 йилда қисқартирилгандан сўнг 2013 ва 2014 йилларда таққосланганда иқтисодий соҳада ҳам, ижтимоий соҳада ҳам ўсиш кузатилган. Бундан кўриниб турибдики, баҳолаш мезонларининг қанчалик аниқ ва тўғри танлаб олингани ва баҳолашнинг содда ва самарали усулидан фойдаланилгани ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни аниқлаш билан бирга очиқ ва шаффофликни ҳам таъминлаган. Шунингдек, 2013 – 2014 йиллардан аҳоли сўрови натижалари бўйича баҳолашда қатор ижобий натижаларга эришилган.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 21 августдаги 1199-сонли “Россия Федерациясининг ижроия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида”ги Фармони билан маҳаллий ижроия органлари самарадорлиги баҳолаш тизими тубдан ўзгаририлди ва улар қуйидагилар иборат қилиб белгиланди:

а) Россия Федерацияси ҳудудий ижро органлари фаолиятини комплекс баҳолаш;

б) Россия Федерацияси ҳудудий ижро органлари фаолиятини свод индекс кўрсаткичларини аниқлаш;

в) Россия Федерацияси ҳудудий ижро органлари фаолиятининг йиллик ўртача ўсиш кўрсаткичини аниқлаш;

г) Россия Федерацияси ҳудудий ижро органлари фаолиятининг йиллик ўртача ўсиш миқдорини аниқлаш;

д) Россия Федерацияси ҳудудий ижро органлари ишлаш кўрсаткичларининг ўртача ўсиш кўрсаткичи суръатини аниқлаш;

е) Россия Федерацияси ҳудудий ижро органларининг ишлаш кўрсаткичлари ўртача ҳажмини белгилаш;

2014 йилдан бошлаб, Россия Федерацияси ижро органлари фаолияти самарадорлиги юқорида санаб ўтилган меъёрлар асосда баҳолана бошлади.

Шу билан бирга маҳаллий ижро органлари самарадорлигини баҳолаш бўйича тизимни такомиллаштириш ишлари давом эттирилди. Бу борадаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар такомиллаштирилди. Россия Федерацияси Президентининг 2014 йил 2 май кундаги №294-сонли Фармонинг 9-бандига “Талаб этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари сонига нисбатан, битираётган ўқувилар улуши” деган қўшимча киритилган.

Ҳудудлар учун бошланғич шартларни тенглаштириш учун ушбу кўрсаткичларнинг энг катта ва энг кичик қадриятлари белгиланган бўлсада, ҳудудлар турли хил ўсиш салоҳиятига эга бўлган. Россия Федерацияси ҳукуматининг 2014 йил 30 июлдаги 722-сонли қарорида ўртача ўсиш суръати (динамика) индекси ва янги киритилган мезонларнинг ўртача миқдори (даражаси) индексининг тенг ҳажми белгиланган.

Россия Федерациясида ҳудудлар самарадорлигини баҳолашнинг умумдавлат миқёсида амал қиладиган баҳолаш мезонларидан ташқари ҳар бир ҳудудда идоралараро экспертлар гуруҳи томонидан ҳудуднинг ўзига ҳос бўлган жиҳатларини мавжуд талаблардан келиб чиққан ҳолда 2 та индивидуал кўрсаткичлар ҳам тасдиқланади.

2014 йилда экспертлар гуруҳи томонидан танланган 166 та индивидуал кўрсаткичларнинг 130 тасида ўсиш кузатилган. Экспертлар томонидан тақлиф этилган кўрсаткичлар асосида жами 78 та субъектларнинг 52 тасида ўсиш кузатилган. 2014 йилнинг якуний ҳисоботларида 43 та ҳудудларда аҳвол яхшиланган, 37 та ҳудудларда аҳвол ёмонлашган, 3 та ҳудудларда аҳвол ўзгармагани кўрсатилган.

2012 – 2014 йиллар ҳудудларда самарадорлиги баҳоланганда Чукотка автоном округи, Тюмен вилояти, Чеченистон Республикаси энг юқори натижаларга эришган [3].

2016 – 2017 йилларда ҳам ҳудудларда баҳолаш мезонлари натижасида олинган маълумотлардан турли хил, лекин асосан ўсиш суръатини кўришимиз мумкин.

Россия Федерациясида ҳудудлар самарадорликни баҳолаш бўйича статистик маълумотлар, баҳолаш мезонларида аҳолининг фикр мулоҳазалари инobatга олингани ҳудудларни ҳар томонлама ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшгани эътироф этилмоқда.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳудудларда самарадорликни баҳолаш мезонлари сонини кўпайтирмаган ҳолда имкон қадар тўлиқ қамраб олиш лозим бўлади. Шунингдек, давлат ва ҳар бир

худуднинг ўз ички имкониятларини ҳам инobatга олиш лозим бўлади. Чунки самарадорликни мезонлар асосида баҳолаш жорий этилган Россия Федерациясида худудларнинг иқтисодий асоси бир хил эмаслиги, баҳолаш мезонлари эса умумдавлат миқёсида бир хиллиги, ҳар бир худуд учун алоҳида мезонлар ишлаб чиқиш ва унинг ҳисоблаш тизимини жорий этишнинг имконияти йўқлиги энг кўп танқидларга сабаб бўлган.

Уйлаймизки, бу тизимни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш кўпроқ самара беради. Чунки бизда Россия Федерациясичалик субъектлар сони кўп ва хилма-хил эмас.

Самарадорликни мезонлар асосида баҳолаш натижалари бўйича ўтган йилларни қиёсий таҳлил қилиш орқали ҳар бир худуд раҳбарига ҳам баҳо бериш имконияти юзага келади. Бу ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида кадрлар билан ишлаш тизимини ривожланишига имкон яратади. Россия Федерациясида худуд губернаторлари вазифага номзодлар орасидан сайлаш йўли орқали амалга оширилади. Кейинги йилларда губернаторларни вазифаси бўйича ўстириш, бошқа ишга ўтказиш, мунтазам ўсиш суръатидан пастлаб кетаётган губернаторларга тегишли чора кўриш, кадрлар масаласи бўйича тегишли фаолиятни амалга оширишда уларнинг самарадорликни баҳолаш мезонлари бўйича кўрсаткичлари ҳам инobatга олинмоқда.

Юртимизда қўлланилиши режалаштрилаётган мазкур тизимни ишлаб чиқишда асосий эътибор худудларни баҳолаш кўрсаткичлари, мезонлари ва баҳолаш методологиясини пишиқ пухта ишлаб чиқишга қаратилган. Россия Федерацияси тажрибасини ўрганиб шундай хулосага келиш мумкин.

Россия Федерацияси Президенти ва ҳукумати томонидан тизимни такомиллаштириш борасида кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Қабул қилинган ҳужжатларни эътибор бериб ўрганиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда худудлар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганига гувоҳ бўламиз.

Мисол учун, Россия Федерацияси Президентининг 2007 йил 28 июндаги “Россия Федерацияси ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида”ги № 825-сонли Фармонида [4. N 27, ст. 3256.] худудларда самарадорликни баҳолаш мезонлари ва уларнинг сонига ўзгартиришлар киритилган. 2012 йил 21 августдаги 1199-сонли «Россия Федерацияси ижроия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш» тўғрисидаги 1199-сонли Фармонида [5. , N 35, ст. 4774] жойларда туман ва вилоят ҳокимлари (мэр ва губернатор) фаолиятини баҳолаш мезонлари ва уларнинг сонига аниқлик киритилган.

Россия Федерацияси ҳукуматининг 2012 йил 3 ноябрдаги 1142-сонли “Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 21 августдаги 1199-сонли “Россия Федерацияси Президентининг ижроия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги қарори [6. N 37, ст. 5002.] билан баҳолаш мезонларига янги ўзгартириш киритилган бўлиб, уна кўра ҳаёт давомийлиги, аҳоли сони, асосий капиталда инвестициянинг ҳажми, кичик корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти, кичик бизнес

томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ташматлар) айланмаси, бюджет, солиқ ва солиқдан ташқар даромадлар миқдори, ишсизлик даражаси, аҳолининг реал даромадлари, аҳолининг уй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминланганлиги, таълим сифати ва самарадорлиги, аҳоли ўлими ва унинг сабаблари, аҳолининг турмуш даражаси, ота-она қарамоғисиз қолган етим, васийлик ва ҳомийликка олинган болалар билан ишлаш каби мезонлар белгиланган.

Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2014 йил 10 апрелдаги Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги 1276-сонли Фармони билан қабул қилинган “Ижро этувчи ҳокимият органлари ва юқори лавозимдаги шахслар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, (давлат ҳокимиятининг юқори органлари раҳбарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида) Россия Федерацияси субъектларида бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш тўғрисида”ги 570-сонли фармойишида [7. N 38, ст. 5068.] худудлар раҳбарларига улар томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича яратилган қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш борасида амалга оширган ишларини баҳолаш белгиланган. Шунингдек, инвестицион муҳитни ривожлантириш бўйича худудлар рейтингини, қўзланган мақсадга эришилганлиги, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик даражасини аниқлаш белгиланган. Эришилган натижалар статистика ва иқтисодиёт вазирлиги томонидан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилиб борилади. Бу ёндашув худуд раҳбарини ўзини ҳам баҳолаш имкониятини ҳам беради.

Россия Федерацияси Президентининг 2014 йил 2 майдаги “Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 21 августдаги 1199-сонли Фармони билан тасдиқланган Россия Федерацияси ижроия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 294-сонли фармойиши [8. N 18, ст. 2134.] кўрсаткичлари ва мезонларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Буни Фармон номидан ҳам билиб олиш мумкин. Шунингдек, 2015 йил 16 январдаги Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 21 августдаги 1199-сонли Россия Федерацияси ижроия органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги Фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 15-сонли Фармони [9. N 18, ст. 2134.] чиқарилган.

Россия Федерацияси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги “Россия Федерацияси ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида”ги №548-сонли Фармони [10] чиқарилди. Мазкур Фармон билан Россия Федерацияси Президентининг юқорида санаб ўтилган Фармонларнинг деярли барчаси бекор қилиниб, шу билан бирга Фармон билан худудларда самарадорликни баҳолаш мезонлари сонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Умуман олганда худудларда самарадоликни мезонлар асосида баҳолаш бўйича қабул қилинган ҳар бир ҳужжатда асосан баҳолаш мезонларнинг сони ва тури ўзгартирилганига гувоҳ бўламиз.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи бандида Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш белгиланган бўлиб, унда Ўзбекистон

Республикасида маъмурий ислохотлар Концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаларини ҳамда янги таҳрирдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Давлат хизмати тўғрисида», «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида», «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, қабул қилиш белгиланган.

Дастурда Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мақсадида ҳар чорак якуни бўйича аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш, бу сўровлар орқали аҳолининг мазкур органлар фаолияти натижаларига, кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатига баҳо бериши ҳам назарда тутилган. Бу тартиб Россия Федерациясида мавжуд бўлиб, ҳудудлар самарадорликни баҳолаш мезонларинида аҳоли фикрини инobatга олиш ҳам белгиланган. Бунинг учун жами 100 балдан 50 балл иқтисодий соҳага, 30 балл ижтимоий соҳага, 20 балл аҳоли фикрига баҳо бериш тартиби жорий этилган.

совета в плане проведения заседаний в режиме видеоконференцсвязи и поэтапное внедрение электронного документооборота могут значительно облегчить деятельность функционирование административного совета. Отметим, что возможности видеоконференцсвязи уже используются в деятельности судебных органов проведения судебных заседаний - все необходимые системы для проведения видеоконференцсвязи установлены в экономических судах Каракалпакстана, областей и города Ташкента, данное нововведение уже решено использовать и для судов по гражданским, административным и уголовным делам [8]. В связи с положительным опытом использования телекоммуникаций в судебной системе, мы рекомендуем поэтапное введение проведения заседаний административного совета в режиме видеоконференцсвязи для сокращения сроков и процедуры рассмотрения инвестиционных заявок.

Бесспорно, что составление инвестиционного проекта, вложение денежных средств, контроль его реализации являются прерогативами инвестора и осуществляются на его счет и уже на данном этапе и вполне естественно, что как предприниматель, он хочет получать прибыль с уже вложенных средств. Однако, как показывает практика, процесс реализации инвестиционного проекта является достаточно сложным и многоаспектным явлением, требующим внимание инвестора. С учетом этого особенно важным становится соблюдение сроков рассмотрения инвестиционных заявок и реализации инвестиционных проектов. Тем не менее, в данной сфере есть определенные недостатки. Так, по состоянию на 1 июня 2017 года на территории СЭЗ «Ангрен» на 3 из 5 готовящихся на тот момент объектах были сорваны сроки их ввода в эксплуатацию. Наблюдаются опоздания в части создания коммуникационной инфраструктуры (нарушение сроков установки и подачи газоснабжения, медленное ведение строительных работ, задержка роста транспортной инфраструктуры и т.д.), из-за чего происходит неоправданная задержка проведения пусконаладочных работ на объектах. Иными словами, предприятие почти готово к работе, оборудование закуплено, прогнозы производства составлены, но предприятие простаивает из-за срыва сроков ввода в эксплуатацию. В практике функционирования СЭЗ имели место случаи, когда осуществление инвестиционного проекта затягивалось по причине несвоевременного реагирования государственных органов и неисполнения или ненадлежащего выполнения ими своих договорных обязательств. В качестве примера можно назвать случаи, когда АК «АГМК», АО «НГМК» и АО «Узбекистон темир йуллари» не выполняли своих обязательств по поставке сырья для производства продукции в рамках инвестиционного проекта.

Еще одним неотъемлемым фактором развития инвестиционных правоотношений является дальнейшая реструктуризация правовых норм, касающихся права собственности на различные объекты, как находящиеся в гражданском обороте, так и ограниченные в этом. Современные реалии таковы, что право собственности является ведущим и основным правом, интерес в котором лежит в основе абсолютно всех инвестиционных правоотношений. Так или иначе, каждый собственник (прямо или косвенно) заинтересован в приумножении своего имущества, своей собственности в самых различных законных формах, будь то денежные средства или иные объекты собственности. Это пер-

вый аспект права собственности. Второй аспект заключается в том, что гражданское право, зная такие три основных составляющих права собственности, как владение, пользование и распоряжение, соответственно присваивает по каждой из этих составляющих определенный комплекс полномочий. Наличие права владения и пользования без права распоряжения ограничивает правообладателя, т.к. самого права собственности нет без наличия распоряжения. На этапе становления нашего государства основными были пять принципов, один из которых – государство является главным реформатором, что явно указывало на необходимость обязательного нахождения целого ряда объектов собственности в исключительной собственности государства. На данный момент можно с полной уверенностью сказать, что этот этап пройден и необходима дальнейшая либерализация и развитие правового поля в сфере права собственности. Практика показывает, что передача многих объектов собственности из государственных в частные руки дает весьма мощный импульс развитию экономики, росту предпринимателей, увеличению капитала и соответственно, товарооборота, а также существенный приток доходной части государственного бюджета за счет средств, вырученных от продажи государственного имущества.

Свидетельством осуществления шагов в этом направлении является проведение первого в истории Узбекистана IPO [9, 25 с.] в АО «Кварц» и организация торгов с выставлением на продажу объектов государственного имущества (здание из более чем 100 комнат «Матбуотчилар» в центре Ташкента, оцененное в 10,8 млрд. сум). Это начальный этап перехода государственной собственности в частные руки, когда государство оказывает доверие частному бизнесу и народу, передавая им на условиях возмездности некоторые, в том числе успешно функционирующие объекты государственной собственности.

Все это говорит о том, что в данном направлении необходимо подготовить соответствующую правовую базу. Не нужно быть экспертом, чтобы понять, что в довольно скором времени встанет, причем довольно остро, вопрос о возможности передачи в частные руки такого важного природного ресурса, как земля. В Основном Законе Республики Узбекистан четко закреплено, что земля, ее недра, воды, растительный и животный мир и другие природные ресурсы являются общенациональным богатством, подлежат рациональному использованию и охраняются государством. [10] Земля – особый природный объект, важность которого очень высока. Основу экономики Узбекистана, направленной на развитие рыночных отношений, составляет собственность в ее различных формах. Государство гарантирует свободу экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритетности прав потребителя, равноправие и правовую защиту всех форм собственности. [10]

Часто земельные правоотношения могут носить административно-правовой характер в силу того, что основным собственником земли на данный момент является государство. Это также обусловлено тем, что в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан земля, ее недра, воды, растительный и животный мир и другие природные ресурсы являются общенациональным богатством, подлежат рациональному использованию и охраняются государством. Из этого понятно, что административно-контрольный характер

правоотношений необходим в силу значимости земли, как одного из важнейших природных ресурсов. Однако, передача права собственности на землю не будет влиять на уменьшение контрольных полномочий у государства. Надзор за правильным и соответствующим их назначению использованием земель государство оставит за собой, что сделает использование земли максимально продуктивным. Конкуренция на земельные участки позволит передавать их наиболее ответственным предпринимателям, которые смогут обеспечить их целевое и эффективное использование. Рассматривая этот аспект в контексте привлечения иностранных инвестиций, отметим, что это существенно повысит инвестиционную привлекательность нашей страны в глазах потенциальных инвесторов. Кроме того, инвестор будет как бы «прикреплен» к своему земельному участку, а не являться просто его временным арендатором, что придаст взаимоотношениям государства и инвестора более постоянный характер: инвестор не будет чувствовать себя как «временный предприниматель», а будет полноправным собственником, ведущим полноценную предпринимательскую деятельность.

В связи с этим, предлагается допустить передачу права собственности на землю иностранным инвесторам на территории свободных экономических зон с условием оставления контрольных полномочий по надлежащему и целевому использованию земель у государства.

Таким образом, правильное и своевременное протекание процесса воплощения инвестиционного проекта в жизнь зависит не только от инвестора и размера его вложений, но и от того, насколько слаженна работа самых различных государственных органов, прямо или косвенно связанных с инвестиционным проектом и его реализацией, а также иных правовых аспектов.

Список литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по повышению эффективности деятельности свободных экономических зон и малых промышленных зон» от 25 октября 2017 г., № ПП-3356 // Национальная база данных законодательства, 25.10.2017 г., № 07/17/3356/0179
2. Бизнес в СЭЗ не лишен проблем. Публикация «Газета.uz» от 23 января 2017 года // gazeta.uz/ru/2017/01/23/business/
3. Положение о порядке предоставления земельных участков участникам свободных экономических зон (Приложение № 3 к постановлению Кабинета Министров от 16 января 2018 года № 29) // Национальная база данных законодательства, 18.01.2018 г., № 09/18/29/0587
4. Данные Государственного комитета Республики Узбекистан по инвестициям.
5. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» от 14 февраля 2018 г., № ПП-3532 // Национальная база данных законодательства, 15.02.2018 г., № 07/18/3532/0702
6. Положение о порядке проведения отбора инвестиционных проектов для размещения на территории свободных экономических зон и регистрации участников свободных экономических зон (Приложение № 2 к постановлению Кабинета Министров от 16 января 2018 года № 29) // Национальная база данных законодательства, 18.01.2018 г., № 09/18/29/0587

7. Типовое Положение об административных советах свободных экономических зон и малых промышленных зон в Республике Каракалпакстан, областях и г. Ташкенте (Приложение № 3 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2017 года № ПП-3356), пункт 14 // Национальная база данных законодательства, 25.10.2017 г., № 07/17/3356/0179

8. Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах проведения судебных заседаний в режиме видеоконференцсвязи при рассмотрении гражданских, уголовных и административных дел» от 24 июня 2017 г., № 23 // Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан

9. Едророва В.И., Рязкова С.В. Initial Public Offering — это первичное публичное размещение компанией своих ценных бумаг, как правило обыкновенных акций // Механизм, преимущества и недостатки IPO. Журнал «Дайджест финансы» — №12, (120) — 2004.

10. Конституция Республики Узбекистан (Принята 08.12.1992 г. ВС РУз, в редакции Закона РУз от 24.04.2003 г. N 470-I // lex.uz).

Н.Имомов,

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири,
юридик фанлар доктори,

М.Курбанов,

ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада муаллифлар давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик юзасидан айрим таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, давлат харидлари тўғрисидаги шартнома, давлат харидларининг асосий принциплари, криминализация қилиш.

Аннотация: в данной статье авторами проводится анализ ответственности за правонарушения в сфере государственных закупок, а также даны некоторые предложения привлечения к ответственности за правонарушения в сфере государственных закупок.

Ключевые слова: государственные закупки, договор о государственных закупках, основные принципы государственных закупок, криминализация.

Annotation: in this article the authors conducted an analysis some characteristics of responsibility for offences in the sphere of public procurement. And as a result of analyze there had been some suggestions for responsibility for offences in the sphere of public procurement.

Key words: public procurement, the agreement on public procurement, basic principles of public procurement, criminalization.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга қаратилган хусусий тадбиркорликка асосланган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва ушбу вазифани амалга оширишда давлат жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан фаол иқтисодий муомалага киришиши лозим бўлади. Бу эса давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг энг мақбул ва бугунги бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган механизмларини ишлаб чиқиш ва самарали ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади. Ҳозирда давлат эҳтиёжлари – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, Давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган, Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлашнинг энг мақбул усули бу давлат харидлари ҳисобланади.

Давлат харидлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан аниқланадиган рўйхат бўйича бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари бўлиб, уларни ташкил этиш, амалга ошириш ва шу асосда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш, ижро этиш ҳамда ижро

этмаслик учун ҳуқуқий жавобгарлик чораларини белгилаш масалалари ушбу муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида “давлат хариди” ва “давлат харидлари тўғрисидаги шартнома” тушунчалари келтирилган бўлиб, унга кўра:

давлат хариди – товарлар (ишлар, хизматлар)ни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш;

давлат харидлари тўғрисидаги шартнома – давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида давлат буюртмачиси ва давлат харидларининг ижроси ўртасида тузиладиган битимни англатади [1].

Шунингдек, Қонунга биноан давлат харидларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- давлат буюртмачисининг касбий маҳорати;
- асосланганлик;
- молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- тортишув ва холислик;
- мутаносиблик;
- давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

Шунингдек, давлат харидларининг асосий принциплари давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши лозим.

Қайд этиш керакки, давлат харидлари соҳасидаги муносабатлардаги муаммо уни амалга оширишдаги коррупцион ҳолатлар билан боғлиқ. Ушбу муносабат иштирокчилари – буюртмачи, етказиб берувчи ва ташкилотчиларнинг суиистеъмоликларга йўл қўяётганлиги, белгиланган сифатдан паст ёки келишилган баҳога мос келмайдиган товарлар етказиб бериш, давлат харидлари бўйича зиммасига олинган мажбуриятни ўз вақтида бажармаслик ёки умуман бажармаслик ҳолатлари ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солишда унинг таомиллари: тўғридан-тўғри савдолар, электрон савдолар, электрон каталоглар, тендер савдолари, қурилиш соҳасидаги давлат харидлари, яшил харидларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, уларни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий тартибга солишда улар ўртасидаги ички зиддиятларни бартараф этиш ҳам бугунги кун нуқтаи назаридан долзарбдир.

Давлат харидлари соҳасида харидларни ташкил этиш, ўтказиш, буюртмаларни жойлаштириш, танловларда ғолибларни аниқлаш, буюртмачи ва етказиб берувчи ўртасида шартномалар тузиш ҳамда уларни бажаришда турли суиистеъмолик, қонун бузилиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари учрайди. Бу ҳолатларда ҳуқуқбузарлик содир этиш асосан коррупциявий омиллар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарори билан тасдиқланган 2017–2018 йилларга мўжалланган коррупцияга қарши кураш бўйича Давлат дастурида ҳам давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқиш назарда тутилган [2].

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар асосан давлат маблағларини кўзланган мақсадларда сарфламаслик ҳамда бошқа турдаги ғайриқонуний ҳаракатларда намоён бўлади. Шу боис кейинги пайтларда юридик

адабиётларда давлат харидларини амалга оширишда қонунчиликни бузганлик учун қўшимча жиноий жавобгарликни белгилаш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда.

Хусусан, А.Л.Карабанов ва С.К.Мельникнинг фикрича, давлат манфаатларига зид равишда шартнома тузганлик ва давлат харидларини амалга оширганлик қилмишини криминализация қилиш зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда [3, 156-бет]. Бироқ мутахассислар эса Жиноят кодексига давлат харидлари соҳасида қонунчиликни бир неча мартаба бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [4].

Шу нуқтаи назардан А.Л.Карабанов ва С.К.Мельниклар бу турдаги қилмишнинг диспозициясини “мансабдор шахс томонидан олдиндан билган ҳолда давлат учун фойда бўлмаган шартномани тузиш, шунингдек кўп миқдордаги зарарга олиб келган давлат харидини амалга оширганлик [5, 156-бет]” тарзида ифодалашни таклиф этишади.

М.Я.Евраевга кўра жиноят қонунчилигида белгиланган жиноятлар таркибига савдоларда рақобатни бартараф этиш бўйича олдиндан билган ҳолда амалга оширилган ҳаракатга оид қилмишни киритиш лозим. Масалан, мансабдор шахс тендер қатнашчисини ноқонуний четлаштиради, монополияга қарши қонунчилик талабларини бажармайди ва қонунни бузиш шартномани имзолайди [6].

Жиноят қонунчилигига мазкур ўзгартириш киритишнинг асоси сифатида М.Я.Евраев давлат харидлари соҳасидаги коррупциявий жиноятларни исботлашнинг мураккаблигини келтириб ўтади: давлат харидларига алоқадор бўлган жиноятларнинг таркиби – бу мансаб ваколатларидан четга чиқиш, фирибгарлик, пора бериш сифатида баҳоланади. Бу соҳада жиноят ишлари кам: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида қасд мавжудлигини асослашга ҳаракат қилишади, бироқ бунда тендерни ютиб олган компанияда мансабдор шахснинг қариндоши ишламаса, жиноят иши қўзғатилмасдан қолади.

Юқоридаги ҳолатлар мансабдор шахсларнинг қуйидаги хатти-ҳаракатини криминализация қилиниши заруратини кўрсатади:

- 1) олдиндан била туриб давлат учун фойдали бўлмаган контракт тузиш;
- 2) кўп миқдорда зарарга олиб келган давлат харидларини амалга оширганлик;
- 3) ким ошди савдоларида олдиндан била туриб рақобатни бартараф этиш.

Муайян қилмишни криминализация қилишнинг ўзига хос тамойиллари мавжудки, бу тамойилларнинг амал қилиши асосида криминализация амалга оширилади. Бу борада Н.Лопашенко криминализация қилишни жиноят-ҳуқуқий сиёсатни амалга ошириш усулларида бири сифатида тушунтиради [7, 23-бет]. Криминализациянинг тизимли-ҳуқуқий тамойиллари деганда, жиноят ҳуқуқи нормалари тизимининг ички мантиқийлигига қарама-қарши бўлмаган талаблар ёки моддий-процессуал ҳуқуқ нормаларига ёхуд жиноят ва бошқа соҳаларнинг (конституциявий, фуқаролик ва шу кабилар) нормалари зид бўлмаган талаблар билан белгиланадиган тамойиллари тушунилади. Муайян қилмишга нисбатан криминализациялаш тамойилларининг бутун тизимини босқичма-босқич татбиқ этишигина жиноий-ҳуқуқий нормани киритиш ёки рад этиш имконини беради. Бундай тамойиллар

жумласига қонунларда бўшлиқ бўлмаслиги ва тақиқларнинг юқори даражада бўлмаслиги (киритилиш назарда тутилаётган новелла норматив бўшлиқни юзага келтирмаслиги ёки амалдаги жиноят қонунчилиги тизимида “ўлик” норма бўлмаслиги) киради.

Давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни криминализация қилишнинг таклиф этилаётган вариантлари ушбу тамойилларга зиддир. Хусусан, мансабдор шахс томонидан олдиндан била туриб давлат учун фойдали бўлмаган шартнома тузиш йўли билан давлат харидларини амалга ошириш Жиноят кодексининг 175-моддаси нормасида назарда тутилган жиноят таркибининг объектив белгиларини ифодалайди. Шунингдек, мазкур ҳаракатлар Жиноят кодексининг 207-моддасига кўра, мансабга совуққонлик билан қараш, яъни давлат органи, давлат иштиракидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши билан ҳам характерланиши мумкин.

Шу жиҳатдан “ким ошди савдоларида рақобатни атайин бартараф этиш” билан боғлиқ қилмишларни криминализация қилиш ЖК ва МЖТҚда назарда тутилган рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят таркиби объектив томонлари белгиларига мувофиқ келади.

Шунингдек, атайин ким ошди савдоларида рақобатни бартараф этиш бўйича ҳаракат алдаш йўли билан ғолиб бўлиш, танловнинг қонуний ўтказилаётганлигини кўрсатиш мақсадида савдо ташкилотчиси томонидан аффилиланган юридик шахсларнинггина қатнашишларига йўл қўйилишини ҳам тушуниш лозим.

Рақобатни бартараф этиш мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) жиноят сифатида квалификация қилиниши ҳам мумкин. Бунда мансабдор шахс томонидан қонунни бузиб танлов ҳужжатларига олдиндан ишлаб чиқилган, бошқа етказиб берувчиларни қатнашишларига тўсқинлик қиладиган техник шартлар киритиладики, бунинг натижасида олдиндан тил бириктирилган етказиб берувчи танлов савдоларида ғолиб бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни криминализация қилишнинг таклиф этилган усуллари криминализациянинг тизимли-ҳуқуқий тамойили бўлган таъқибнинг процессуал амалга оширилиши тамойилига ҳам мос келмайди [8, 52-бет]. Ушбу тамойилнинг моҳиятига кўра муайян қилмиш учун жавобгарликни белгиловчи жиноят қонуни агар қонун нормасида назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари қоидага кўра нормал исботланадиган бўлса, амалда қўлланилиши ва етарли даражада самарали бўлиши мумкин [9, 43-бет]. Давлат эҳтиёжлари учун харидларни амалга оширишда ҳар бир босқич учун жавобгарлик турли мансабдор шахслар зиммасига юкланган. Хусусан, харидлар

тўғрисидаги эълонни босма нашрлар ва интернет тармоғига жойлаштиришга бир мансабдор масъул ҳисобланса, бошқаси танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва харид қилинаётган маҳсулотга нисбатан талабларни шакллантириш билан шуғулланади. Давлат харидлари юзасидан шартномалар тузиш эса танлов комиссиясининг қарорига кўра мансабдор шахс томонидан амалга оширилади [10, 102-бет].

Шу боис айнан қайси шахсининг ҳаракатлари натижасида “давлат учун олдиндан била туриб фойдаси бўлмаган шартнома тузилган”, “савдоларда рақобат бартараф этилган” ёки “зарар етказилишига олиб келган давлат хариди амалга оширилган”лигини исботлаш мушкул. Шу билан бирга, криминализациянинг юқорида кўрсатиб ўтилган вариантларини кенг талқин этишда зарар етказилган ёки рақобат чекланган ҳар қандай давлат харидларини ўтказишда иштирок этган мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш имконияти яратилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 03/18/472/1050-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017, №5. 62-модда; –№ 27. 608-модда; –№37. 982-модда.
3. Карабанов А.Л., Мелькин С.К. Современные проблемы противодействия коррупции: уголовно-правовой и криминологический аспекты. – М., 2010. – С. 156.
4. Ведомости. 2010. № 125(2643). 9 июля.
5. Карабанов А.Л., Мелькин С.К. Современные проблемы противодействия коррупции: уголовно-правовой и криминологический аспекты. – М., 2010. – С. 156.
6. Ведомости. – 2010. – 9 июля. – № 125(2643).
7. Уголовная политика/Н.А.Лопашенко. – М.: Волтерс Клувер, 2009. – С.23.
8. Гук Д.В. Вопросы уголовно-правовой квалификации использования «фирм-однодневок» для хищений денежных средств // Бизнес в законе. – 2013. – №1. – С. 52.
9. Гук Д.В. К вопросу о дополнительной криминализации в УК РФ нарушений законодательства при осуществлении госзакупок // Юридическая наука. 2013. № 2. – С. 43.
10. Сизов В.А. Проблемы выявления и пресечения преступлений, связанных с незаконным обналичиванием денежных средств и созданием «фирм-однодневок» // Общественные науки. Право. – 2016. – № 2 (38). – С. 102.

М.М.Камалов,
юридик фанлар номзоди, доцент,
ТДЮУ проректори

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

Аннотация: мақолада акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувида ижроия органининг тутган ўрни, уларнинг ҳуқуқий ҳолати таҳлил этилади. Муаллиф бу борадаги миллий ва хорижий қонунчиликни таҳлил этиш, миллий ва хорижий олимларнинг фикрларини ўрганиш асосида ижроия органининг ҳуқуқий ҳолатини очиқ беришга ҳаракат қилади. Мақолада амалга оширилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритишга оид таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, корпоратив бошқарув, ижроия орган, директор, жамият бошқаруви, инвестор, акциядор, мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбурият

Аннотация: статья анализируется роль исполнительного органа в корпоративном управлении акционерных обществ и их правовой статус. Автор пытается раскрыть правовой статус исполнительного органа на основе анализа национального и иностранного законодательства, изучения мнения национальных и зарубежных ученых. В результате проведенного анализа в статье предложены предложения о внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров».

Ключевые слова: акционерное общество, корпоративное управление, исполнительный орган, директор, управление обществом, инвестор, акционер, собственность, права и обязательство

Annotation: the article analyzes the role of the executive body in the corporate governance of joint-stock companies and their legal status. The author tries to disclose the legal status of the executive body on the basis of an analysis of national and foreign legislation, the study of the opinions of national and foreign scientists. As a result of the analysis, the article proposes proposals on introducing amendments and additions to the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholder Rights”

Key words: joint stock company, corporate management, executive body, director, management of the company, investor, shareholder, property, rights and obligations.

Акциядорлик жамият (АЖ)ларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва бошқарув органлари фаолиятини амалга ошириш мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин тутди. Бошқарувнинг қандай ташкил этилганлигига қараб АЖ фаолияти самарадорлигига баҳо бериш мумкин. Жамиятнинг бошқаруви фаолият олиб боришда фойдали механизмларнинг яратилганлиги, ижроия органларнинг муайян қарорлар қабул қилишдаги ваколатлари, қабул қилинган қарорларни ижро қилиш таомиллари ва тезкорлиги корпоратив бошқарувнинг мақбул тизими

яратилганлигидан далолат беради. Бунда асосий юк жамиятнинг ижроия органлари зиммасига тушади.

АЖ ижроия органлари жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш билан аҳамиятли ҳисобланади ва жамият бошқарувининг уч поғонали тизимига хос бўлган бўғин сифатида тавсифланади. Агар жамият бошқарувининг дастлабки бўғини – акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланса ва у жамият ҳаётига оид йирик ҳамда стратегик масалаларни ҳал этса, ижроия орган унинг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш ва айни пайтда АЖ бошқарувидаги иккинчи бўғин органи кузатув кенгазининг қарорлари бажарилишини ҳам таъминлайди. Шу сабабли ижроия орган АЖнинг кундалик фаолиятини ташкил этадиган, амалга оширадиган ҳамда таъминлайдиган орган ҳисобланади ва кўп жиҳатдан АЖнинг муваффақиятли иқтисодий фаолияти ижроия органнинг самарали ишлашига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда АЖ тўғрисидаги қонун)нинг 79-моддаси биринчи қисмига кўра жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган директор ёки жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади.

Жамият кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш – бошқарувнинг энг муҳим ва асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Чунки бошқарув тушунчаси юридик шахсга нисбатан бошқариладиган объектга оид фаолият учун олдиндан белгиланган мақсад ва вазифага эришиш учун мўлжал маъносини англатади [10, 72-бет]. Бу қоида АЖни бошқаришнинг моҳиятига яқин ҳисобланади.

АЖ тўғрисидаги қонунда “бошқарув” атамаси асосий бошқарув органларига нисбатан қўлланилган, бироқ ушбу тушунчанинг моҳияти қонунда ифодаланмаган. Шундай бўлсада, АЖни бошқариш – бу бошқарув органининг акциядорлар ёки қонун чиқарувчи томонидан қўйилган мақсадга эришиш учун мўлжал, йўналиш сифатида талқин этилиши мумкин. Шу жиҳатдан корпоратив бошқарув жараёни деганда, хўжалик жамиятлари органларининг аниқ бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш (тайёрлаш ва қабул қилиш), уларнинг ижро этилиши (реализация) ва бажарилишини текшириш бўйича фаолияти тушунилади. Бунда “жараён” ўзининг ички мантиқий ва тузилмавий бирлигига эга бўлган фаолият, навбатма – навбат ҳаракатлар тизим”ни англатади [12, 140-бет].

Шу жиҳатдан “АЖни бошқариш” тушунчасини АЖни даромад олиш ва қонунчилик томонидан белгиланган мажбуриятларини бажариш мақсади учун қарорлар ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва реализация қилиш тизими сифатида тавсифлаш ҳам мумкин. Бунда АЖнинг тижорат ташкилоти сифатидаги мақсади – бу фойда олиш ҳисобланади. АЖнинг мажбурияти деганда давлат олдида солиқ тўлаш, турли фондлар учун бадаллар тўлаш, иш ҳақини тўлаш, шартномалар ёки норматив ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари тушунилади.

АЖни бошқарув, бунда ижроия органларининг тутган ўрни ва уларга қўйиладиган талабларни талқин этиш ҳамда жамиятга раҳбарлик қилишга нисбатан талабларни шакллантиришда АЖни бошқарув принципларига риоя этиш салоҳияти аҳамият касб этади.

Ўз вақтида М.М.Сперанский АЖни бошқарувининг куйидаги принципларини санаб ўтган эди [18, 420-бет]:

1) ишончли ва қатъий негизлар тамойили;

2) бошқарув тизимининг замон руҳи билан уйғунлиги;

3) бошқарув объектнинг субъектга нисбатан устуворлиги;

4) ўз-ўзини бошқаришнинг мавжудлиги.

С.Д.Могилевский АЖни бошқарувининг асосий принципларига куйидагиларни киритади [11, 169-170 бетлар]:

- бошқарувнинг марказлашганлиги принципи;

- номарказлашув принципи;

- фаолиятни мувофиқлаштириш принципи;

- қонунийлик принципи;

- акциядорларнинг бошқарув органларининг ишида иштирок этиш принципи;

- корпоратив бошқарувни ахборот жиҳатидан таъминлаш принципи.

Таъкидлаш лозимки, корпоратив бошқарув тамойиллари Европа, Шимолий Америка, Осиё ва Океаниaning 30 та мамлакатини бирлаштирадиган Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (рус тилида ОЭСР) томонидан ишлаб чиқилган [15].

Бунда ОЭСР мутахассислари корпоратив бошқарув принципларига куйидагиларни киритишади:

- корпоратив бошқарувда структурасида акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- акциядорлар, кичик ва хорижий акциядорларни ҳам қамраб олган ҳолда бир хилда муносабатни таъминлаш;

- барча акциядорларга ўзларининг ҳуқуқлари бузилганда самарали ҳимояни олишда бир хилдаги имкониятлар;

- корпоратив бошқарув структурасида назарда тутилган манфаатдорлар шахсларнинг ҳуқуқларни тан олиш;

- бойлик ва иш ўринларини яратиш ҳамда корхонанинг молиявий ривожланиши барқарорлигини таъминлашда корпорация ва манфаатдор шахслар ўртасидаги фаол ҳамкорликни рағбатлантириш;

- корпорацияга алоқадор бўлган барча масалалар бўйича, молиявий ҳолати, мулкни реализация қилиш ва компанияни бошқарув фаолиятини ҳам қамраб олган ҳолда ўз вақтида ва аниқ ахборотни таъминлаш;

- корпоратив бошқарув тузилмасида компанияни стратегик бошқарувни, ҳайъат томонидан маъмурият томонидан самарали контролни, шунингдек ҳайъатнинг компания ва акциядорлар олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш [7, 98-бет].

“Бошқарув” тушунчасини тадқиқ этар экан, мутахассислар корпоратив бошқарув функцияларини ҳам ажратадилар. Хусусан, Т.В.Кашанина бошқарув функцияларига куйидагиларни киритади: режалаштириши, яъни фаолият дастурини ишлаб чиқиш, ташкилотчилик (бошқарув структурасини ишлаб чиқиш), белгиланган вазифаларни бажаришда ходимларни ҳаракатини рағбатлантириша сифатида мотивация, мувофиқлаштириш, контроль, янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ инновация функцияси, маркетинг функцияси [8, 446-бет].

Айрим тадқиқотчилар умумий ва махсус функциялардан ташқари ёрдамчи бошқарув функцияларини ҳам ажратишади [4, 246-бет].

Ушбу функциялар фақат бошқарув аппаратининг ишини таъминлашга хизмат қилади ва кўплаб АЖлари бошқарув органлари фаолияти учун хосдир. АЖ

ижроия органлари ҳам ўз фаолиятини юқорида санаб ўтилган принциплар асосан амалга ошириш ҳамда жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишда белгиланган мақсад жамиятнинг даромад кўриши ва қонунчиликда назарда тутилган вазифаларни бажаришига эришиши талаб этилади.

Хусусий ҳуқуқ фанида юридик шахс органи – бу бошқа субъектлар билан муносабатларда юридик шахс манфаатларини махсус ваколатларсиз ифодалаш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс (якка бошчиликдаги орган) ёки жисмоний шахслар гуруҳи (коллегиал орган), эканлиги шубҳага остига олинмайди [13, 45-бет]. Шу жиҳатдан миллий қонунчилик ҳам жамият ижроия органининг асосан икки тури мавжуд бўлишини белгилайди. Бунда ЎзРнинг АЖ тўғрисидаги қонуни жамият ижроия органларини якка бошчиликдаги ва коллегиал органларга ажратгани ҳолда, уларнинг номланишига нисбатан “директор” ва “жамият бошқарув” атамаларини қўллайди. Қолаверса, ушбу қонунда жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчи) берилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган (АЖ тўғрисидаги қонуннинг 79-моддаси биринчи-иккинчи қисмлари). Бу эса ўз навбатида, хусусий ҳуқуқ назарияси, корпоратив ҳуқуқ, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида атамаларни турлича талқин этилишига олиб келади. Чунки, АЖ ижроия органларининг номини уларнинг моҳияти ва ташкил этилиш ҳамда фаолият олиб бориш усулидан, қарор қабул қилишда эрк-ироданинг шакллантириш тартибидан келиб чиқиб тўғри номлаш ёки ҳеч бўлмаганда ижроия органларнинг яккабошчилик ва коллегиал органларга бўлиниши хусусида қонунда муайян ишора киритиб кетилиши муҳим ўрин тутди.

Бундай тартиб РФ (АЖ тўғрисидаги қонуннинг 69-моддаси биринчи қисми), Қозоғистон (АЖ тўғрисидаги қонуннинг 59-моддаси) ва бошқа айрим қонун ҳужжатларида белгиланган.

Фикримизча, фуқаролик ҳуқуқи ва корпоратив ҳуқуқ фанларида шаклланган назарий қоидалар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, АЖ тўғрисидаги қонунга жамият ижроия органлари яккабошчилик ва коллегиал органларга бўлиниши қайд этилиши лозим ва бу қоида қонуннинг 79-моддаси биринчи қисмига куйидаги тарзда ифодаланиши мақсадга мувофиқдир:

Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган **якка бошчиликдаги орган** (бош директор, директор) ёки **коллегиал орган** (жамият бошқаруви) томонидан амалга оширилади. Агар жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув томонидан амалга ошириладиган бўлса, жамият уставида бошқарув раҳбарининг (бошқарув раисининг) ваколати ҳам белгиланган бўлиши лозим.

АЖ ижроия органнинг қонунчиликда берилган тартиб бўйича дастлабки шакли – директор, яъни яккабошчиликдаги орган ҳисобланади. Директор қоида тариқасида жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади. Бунда директор сифатида жамиятни бошқара олиш қобилиятига эга бўлган шахс тайинланиши ва унинг асосий фаолияти жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига қаратилиш талаб этилади.

Юридик адабиётларда ижроия органининг, хусусан директорнинг АЖни бошқаришнинг мақоми ва

жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишдаги унинг ҳуқуқий ҳолати борасида бир қатор фикрлар билдирилган. Хусусан, Н.Н.Пахомованинг ёзишича, яккабошчиликдаги ижроия органининг ҳаракатлари вакилликка эмас, ушбу ҳаракатни юридик шахснинг “ҳаракати” сифатида эътироқ этувчи қонун презумпциясига асосланади [14]. Аини пайтда адабиётлар бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра яккабошчиликдаги идроия органи юридик шахснинг қонуний вакили ҳисобланади. Масалан, Г.В.Цепов юридик шахс органининг ҳаракатларида вакилликларнинг барча белгилари мавжуд: битим бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан амалга оширилади, битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиш, ўзгариши ва бекор бўлиши ваколат берувчида юзага келади. Вакиллик бошқанинг манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилади ва объектив эҳтиёж сифатида баҳоланади. Шу боис яккабошчиликдаги орган функцияларини бажараётган шахснинг ҳаракатларини вакилликнинг алоҳида тури сифатида баҳолаш лозим [19, 89-93 бетлар]. Аинан шунга ўхшаш нуқтаи назарда А.Я.Ганжиев ҳам билдиради ва қуйидаги таъкидлайди: юридик шахс органининг унинг вакили сифатида қараш қуйидаги сабабларга кўра асослидир: устав бўйича вакиллик – бу қонун ва юридик шахснинг таъсис ҳужжати қоидаларисосида ҳамда ўз белгилари кўра қонуний вакилликка ўхшаш вакилликнинг алоҳида тури (қонуний ва ихтиёрий вакиллик билан бирга). У қуйидаги ўзига хосликларга эга: ваколат берувчи сифатида юридик шахс муомалага лаёқатли бўлгани ҳолда унинг номидан ҳаракат қиладиган вакилнинг жалб этилиши .юридик шахс сифатида ушбу ҳуқуқ субъектнинг табиатига асосланади [6, 110-117 бетлар].

Фикримизча, АЖ директорининг унинг номидан иш олиб бориши ва ҳаракат қилишини, жамиятнинг ташқи ҳуқуқий муносабатларида уни ифодалашини вакиллик билан боғлаш орқали талқин этиш бугунги замонавий ҳуқуқий қарашлар ҳамда механизмларнинг универсаллашуви шароитида унчалик ҳам тўғри бўлмас эди. Чунки АЖ аъзоликка асосланган хўжалик жамият бўлиб, уни бошқариш уч поғонали тизимга асосланар экан, бошқарувчилар мақоми ва улар фаолиятининг ҳуқуқий тавсифи ҳуқуқий мақомнинг махсус ва универсаллиги қоришмасидан келиб чиқиши зарур. Шу жиҳатдан АЖ директорининг яккабошчиликдаги бошқарув органи сифатидаги мақоми аввало унинг жамият кундалик фаолиятига раҳбарлиги билан боғланиши лозим. Жамиятнинг ташқи муносабатларида директорни унинг номидан ҳаракат қилиши эмас вакиллик ёки бошқа ҳуқуқий атама билан аталиши ёки боғланиши эса у қадар муҳим аҳамият касб этмайди. Бинобарин ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда ваколатларни белгилаш нуқтаи назаридан директорнинг бошқарув органининг ифодаловчи шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги қонун ҳужжатлари ҳамда жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳисобланади. Шу сабабли директор махсус ваколатлар берилган ҳамда “кундалик фаолиятга раҳбарлик” деб номланадиган комплекс тусдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи эгаси бўлган шахс сифатида ташқи ҳуқуқий муносабатларда жамиятни ифода этадиган унинг алоҳида бўғини сифатида талқин этилиши мақсадга мувофиқдир.

А.В.Богдановнинг фикрига кўра АЖнинг яккабошчиликдаги ижроия органининг тузиш учун

зарурий шароит сифатида қуйидагилар аҳамиятлидир: АЖ яккабошчиликдаги ижроия органи функциялари топшириладиган мазкур орган ваколатларини амалга оширишга розилиги ҳақидаги шахснинг эркини ифода этиши; ваколатлари органининг АЖ яккабошчиликдаги ижроия органи тузиш ҳақидаги қарори; АЖ ва яккабошчиликдаги ижроия органининг функцияларини амалга оширадиган шахс ўртасида шартнома тузилиши [5, 16-бет].

Амалиётда яккабошчиликдаги ижроия органи тайинлаш борасида ўзига хос қоидалар шакллантирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 26 августда №1246 давлат реестр рақами билан рўйхатга олинган Акциядорлик жамияти “UZBAT A.O.” қўшма корхонаси уставининг 30.2-бандига кўра бош директор УЗБАТнинг Кузатув кенгаши томонидан мазкур уставнинг 16.4. бандидаги қоидаларни инobatга олган ҳолда тайинланади. Бош директор лавозимига қўйиладиган номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича Кузатув кенгаши қарорлари мажлисда қатнашувчи ва овоз берувчи Кузатув кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамият ижроия органи раҳбарлигига нисбатан белгиланадиган талаблар аввало корпоратив бошқарувнинг йўналиши ва мақсадидан келиб чиқади. Чунки ижроия органи аввало жамият учун фойдали ва иқтисодий даромад олиб келадиган фаолият юритиши унинг дастлабки вазифаси саналади. Шу сабабли ижроия органи раҳбари – директор, ижроия директор ёки шартномаси асосида ижроия органига раҳбарлик қиладиган ташкилот жамият аъзолари, яъни унда уллуш киритган шахслар – инвесторларнинг манфаатларини таъминлаши талаб этилади.

Маълумки, инвестор тушунчаси ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулккий бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи субъект сифатида тушунилади (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги 719-1-сон “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддаси). Шу нуқтаи назардан АЖ акцияларининг эгаси бўлган ёки унинг акцияларини сотиб олган шахс жамият аъзоси бўлиши билан бирга инвестор ҳам ҳисобланади ва жамиятнинг ижроия органининг, аввало, уларнинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш лозим бўлади.

АЖ тўғрисидаги қонунчилик акция эгаларини бошқарувчилардан ҳимоя қилувчи чораларни белгиламайди ва шу боис акциядорлар бошқарувчи бўлишга ҳаракат қиладилар. Бундай вазиятларда менежерлар ва акциядорлар ўртасидаги конфликт (тўқнашув) алоҳида аҳамият касб этмайди, чунки йирик акциядорларда менежерларни назорат қилиш имконияти мавжуд. Шунга қарамасдан, компанияни юқори марказлашган бошқарув мажоритар ёки миноритар акциядорлар ўртасидаги низо юзага келишига сабаб бўлади [16].

Шлейфер ва Вишний каби олимларнинг таъкидлашича, корпоратив бошқарувнинг яхши шаклланган тизимлари инвесторларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг мавжуд комбинацияларига ва бошқарувнинг муайян йўналтирилган шаклига асосланади. АҚШ ва Буюк Британия тизимлари инвесторлар учун нисбатан кучли даражадаги юридик

ҳимояни назарда тутса, немец ва япон тизимлари нисбатан кучсиз ҳуқуқий ھимоя тизими, бироқ акцияларнинг нисбатан аниқ йўналтирилганлиги билан характерланади. Шлейфер ва Вишни ушбу мамлакатлардаги корпоратив бошқарув тизимлари борасида мунозарани давом эттиришади ва уларнинг барчаси ҳам муайян ижобий жиҳатларга эга деган хулосага келишади [3].

Раджан ва Зингалеснинг фикрича, гарчи ўзароликка асосланган корпоратив бошқарув тизими инвесторларнинг ھимояси мавжуд эмаслиги билан боғлиқ айрим муаммоларни бартараф эта олсада, компаниянинг узоқ муддат мобайнида сармояни жалб эта олиши ва уни самарали тақсимлаш учун бозор тизими мақбулроқ саналади. Чунки бозор тизими фақат шаффофлиги ва инвесторларнинг ишончли ھимояси жиҳатидан самарали саналади [2, 559-бет]. Брэдли, Шипани, Сундарам ва Уолш каби муаллифлар АҚШда кузатиладиган шартномали бошқарув тизими нисбатан эгилувчанликни таъминлайди ва ўз навбатида, кескин ўзгаришларга яхши мослашиш имконини беради [1].

Инвесторларнинг манфаатларини янада кучли ҳуқуқий ھимоя қилишга йўналтирилган ривожланиш кўплаб мамлакатларда корпоратив бошқарув тизимининг такомиллашувига олиб келади ва иқтисодий ривожланишга катта ҳисса қўшади. Дж.Коффининг ёзишича, корпоратив эволюция нисбатан кам қаршилиқ йўлидан ривожланади ва корпоратив ҳуқуқда эволюция олдиндан кўра олиш қийин бўлган кўплаб қаршиликларга дуч келади [9, 641-бет]. Бир қатор муаллифларнинг таъкидлашича, назорат қилувчи акциядорлар акцияларга эгаллик қилиш диққат марказида бўладиган назоратнинг хусусий манфаатларини ھимоя қилиш учун курашадилар. Миноритар акциядорларни ھимоя қилишга қаратилган қонунларни яхшилашга уриниш назоратнинг мазкур хусусий манфаатларига хавф солади. Бинобарин, назорат қилувчи акциядорлар иқтисодиётга таъсир ўтказадиган кишилар ҳисобланади ва шу сабабли миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ھимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашуви қийин кечади. Миноритар акциядорларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар назорат қилувчи акциядорларнинг манфаатларига таъсир кўрсатади ва шу боис улар ўз йўқотишлари учун компенсация талаб этади [16].

Фикримизча, корпоратив бошқарув фақат назорат қилувчи акциядорларнинг манфаатларига йўналтирилган бўлмаслиги лозим. Ўз навбатида, жамият ижроия органларининг фаолияти ҳам уч хилдаги манфаат: йирик (назорат қилувчи) акциядорлар манфаати; миноритар акциядорлар манфаати ва жамият манфаатининг мувозанатини таъминлашга қаратилиши зарур. Шу сабабли директор, ижрочи директор ёки жамиятни бошқарувчи ишончли бошқарувчи, энг аввало, иқтисодий бошқарув соҳасидаги билимларга эга бўлиши талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Bradley M., C.A.Schipani, A.Sundaram, and J. P. Walsh. The Purposes and Accountability of the Corporation in Contemporary Society: Corporate Governance at a Crossroads. Law and Contemporary.

2. Rajan R.G., L.Zingales. Financial Dependence and Growth // American Economic Review. №88. (1998). – P.559 – 586.

3. Шлейфер А. и Вишни Р. Обзор корпоративного управления // Journal of Finance. – №52 (1997). – С.737 – 783.

4. Агеев А. Б. Создание современной системы корпоративного управления в акционерных обществах: вопросы теории и практики. – М.: Волтерс Клувер, 2010. – С. 246.

5. Богданов А.В. Гражданско-правовой статус управляющей организации как единоличного исполнительного органа акционерного общества: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.; 2012. – 16 с.

6. Ганижев А.Я. Проблема правового статуса органа юридического лица и пути ее разрешения в российском гражданском законодательстве // Журнал российского права. – 2010. – № 7. – С.110–117. Доступ из СПС «КонсультантПлюс».

7. Дмитриев Е.О., Зинченко Л.А. Правовая характеристика органов управления акционерных обществ в России // Вестник Омского университета. Серия «Право». – 2012. – № 3 (32). – С. 98.

8. Кашанина Т. В. Корпоративное право: учебное пособие. – М. : Юрайт-Издат, 2010. – С. 446–447.

9. Коффи Дж. Будущее как история: перспективы глобальной конвергенции в корпоративном управлении и его последствия Law Review. – №93 (1999). – С. 641-708.

10. Лозовский Л.Ш., Райзенберг Б.А., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. – М. : Инфра-М, 2010. – С. 72.

11. Могилевский С. Д., Самойлов И. А. Корпорации в России. Правовой статус и основы деятельности: учебное пособие. – М.: Дело, 2007. – С. 169-170.

12. Могилевский С.Д. Правовые основы деятельности акционерных обществ: учебно-практическое пособие. – М. : Дело, 2004. – С. 140

13. Невзгодина Е.Л. Гражданско-правовое представительство и правовой статус органов и работников юридического лица, руководителей представительств и филиалов // Вестник Омского университета. Серия «Право». – 2007 – № 1 (10). – С. 45.

14. Пахомова Н.Н. Положение единоличного исполнительного органа в системе органов юридического лица // Арбитражный и гражданский процесс. – 2007. – № 3. – Доступ из СПС «КонсультантПлюс».

15. По материалам сайта www.oecd.org.

16. Порта Р., Лопес-де-Силанес Ф. А. Шлейфер и Р. Вишни. «Право и финансы» // «Journal of Political Economy», 106 (1998), стр.1113-1155.

17. Порта Р., Лопес-де-Силанес Ф. и А. Шлейфера. Корпоративная собственность во всем мире, Journal of Finance. – № 54 (1999). – С. 471 – 517.

18. Сперанский М.М. Проекты и записки. – М., Л 1961. – С.420.

19. Цепов Г.В. Понятие органа юридического лица по российскому законодательству // Правоведение. – 1998. – № 3. – С. 89–93.

20. Problems. – №62 (1999). – P.9-86.

Ў.Холмирзаев
ТДЮУ ўқитувчиси

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон ва хорижда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий тенденциялари билан боғлиқ бир неча масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ва хорижий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: тижорат, электрон тижорат, интернет, ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро ҳуқуқий тартибга солиш, хорижий мамлакатлар тажрибаси.

Аннотация: в настоящей статье рассмотрены некоторые вопросы, касающиеся современных тенденций развития правового регулирования электронной коммерции в Узбекистане и за рубежом. Исследованы отдельные действующие международные и зарубежные нормативно-правовые акты в данной сфере отношений.

Ключевые слова: коммерция, электронная коммерция, интернет, правовое регулирование, международное правовое регулирование, опыт зарубежных стран.

Annotation: some issues relating to contemporary trends in legal regulation of electronic commerce in Uzbekistan and abroad. We investigate some existing international and foreign regulations in the sphere of relations.

Key words: commerce, electronic commerce, Internet, legal regulation, international legal regulation, experience of foreign countries.

Информацион технологияларнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг рақамланиши электрон тижоратнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини таъминлади. Бугунги кунда электрон тижорат иқтисодиётнинг муҳим қисмига айланди, электрон шаклда реализация қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда.

Электрон тижорат тараққиёти ушбу соҳага оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва унинг таъсирчан механизмларини яратишни тақозо қилмоқда.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим асосларидан тегишли атама ва таърифларни аниқлаштириш ҳисобланади.

Электрон тижорат атамасига халқаро ташкилотлар, олимлар ва турли мамлакатлар қонун ҳужжатларида турлича таърифлар берилган бўлиб, улар технологик тараққиётнинг турли даврларида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, электрон тижорат глобал савдо ва рақамлашув натижаси ўлароқ халқаро савдонинг муҳим қисмидир. Бу эса электрон тижоратни нафақат бир мамлакат ёки минтақа, балки бутун дунёда халқаро савдо субъектлари ўртасида имкон қадар бир хил тушуниш ва қўллашга ҳаракат қилишни тақозо қилади.

Электрон тижорат атамаси инглизча “electronic commerce” сўзининг таржимаси бўлиб, тахминан 1993 йиллардан бошлаб дастлаб оммавий ахборот воситаларида, кейинчалик эса профессионал илмий манбаларда ишлатила бошлаган [1, 58-62 бетлар].

Ваколатли ташкилотлар БМТнинг Халқаро савдо бўйича комиссияси (UNCITRAL), Жаҳон савдо ташкилоти (WTO) ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳужжатларида электрон тижоратга берилган таърифларни кўриб чиқамиз.

БМТнинг Халқаро савдо бўйича комиссияси (UNCITRAL) томонидан 1996 йилда ишлаб чиқилган “Электрон тижорат тўғрисидаги намунавий қонун”да электрон тижоратга аниқ таъриф берилмаган бўлсада, ушбу қонунни қабул қилиш бўйича берилган йўриқномада электрон тижоратни электрон шаклда ахборот алмашинуви атамасига боғлаб кенг талқин қилиш тавсия қилинган. Яъни унга кўра, электрон тижорат электрон ахборот алмашинуви натижасида тузиладиган битимлар асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади [2].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти эса электрон тижорат жисмоний ва юридик шахслар томонидан рақамли маълумотларни узатиш ва қайта ишлашга асосланган ҳолда очиқ (интернет) ва ёпиқ тармоқда амалга ошириладиган тижорат операциялари деб тушунтирган.

Жаҳон савдо ташкилотининг 1998 йил 25 сентябрдаги электрон тижорат бўйича дастурининг 1.3-бандида электрон тижорат бу товар ва хизматларни электрон алоқа воситасидан ишлаб чиқариш, маркетинг олиб бориш, тарқатиш, сотиш, етказиб бериш деб кўрсатилган [3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, халқаро доирада электрон тижорат атамаси турлича тушунилиб турли йўналишлар бўйича талқин қилинади. Шунингдек, ушбу таърифлардан электрон тижорат тушунчасини кенгроқ талқин қилиш мумкинлиги, унинг технология тараққиётига мос равишда кенгайиб боришини ҳам англатади.

Миллий қонунчилигимизда электрон тижорат тушунчаси аниқ таърифланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ электрон тижорат ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдидир. Демак, қонун электрон тижоратни товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси доирасида таърифлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарори билан тасдиқланган 2018 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастурида ҳам электрон тижоратда фойдаланиладиган атамаларга аниқ таъриф бериш лозимлиги белгиланган.

Электрон тижоратнинг ҳуқуқий табиатини тушунишда энг муҳим жиҳат электрон шаклда тузиладиган шартноманинг ҳуқуқий табиатини тушунтиришдир. БМТнинг халқаро савдо бўйича комиссияси (UNCITRAL) томонидан 1996 йилда ишлаб чиқилган “Электрон тижорат тўғрисида”ги намунавий қонуннинг 5-моддасида электрон шаклдаги ахборот ва ҳужжатларнинг ёзма шаклдаги билан тенг кучли бўлиши принципи мустаҳкамланган.

Бу принцип Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунида ҳам аксини топган бўлиб, электрон тижоратдаги электрон ҳужжатлар, шунингдек электрон шаклда қайд этилган, юборувчисини идентификация қилиш имкониятини

берадиган ахборот ўз қўли билан имзоланган қоғоздаги ҳужжатларга тенглаштирилади ва улардан битимлар тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 366-моддасига кўра ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Шунингдек, электрон тижоратдаги шартнома фақат ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузилганлигига асосланиб ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормадир.

Бундан келиб чиқиб, электрон тижоратни амалга оширишда битимларни тузиш, электрон ахборот ва ҳужжатлар алмашинуви, шартноманинг тузилганлигини белгилаш, уни электрон шаклда ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилигимизда белгиланган.

Шунга қарамасдан электрон шартноманинг тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари унинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиб шарҳланмаган. Бундай шартномларда юқорида келтирилган нормалар ва фуқаролик қонунчилигининг умумий нормалари қўлланилади.

Кейинги масала электрон тижоратда ҳисоб китоблар ва электрон тўлов воситаларидир. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонунига кўра техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724-сон қарори билан тасдиқланган 2018 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастурида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш. Улар орқали, чет эл электрон тўлов ҳамёнлари орқали тўловларни амалга ошириш тартибини жорий этиш белгиланган.

Лекин қонун ҳужжатларида электрон пул воситаларига аниқ таъриф берилмаган. Қолаверса, бугун глобализация шароитида бир неча турдаги электрон пуллар (масалан, Webmoney) билан бирга криптовалюталар (Bitcoin) ҳам муомалага киритилмоқдаки, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш зарур.

Европа Иттифоқи парламентининг 2000 йил 27 октябрдаги 46-сон директивасига мувофиқ “электрон пул” эмитент томонидан тақдим этилган мажбурият бўлиб, пул қийматига эга бўлади, электрон ускунада сақланади, чиқарилган номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда қабул қилинади ҳамда эмитент бўлмаган шахслар томонидан ҳам қабул қилинади [4].

Электрон пул воситаси бу муайян тўлов қийматига эга бўлган ва электрон ахборот шаклида ёзилган пул воситасидир. У ўзида нақд ва нақдсиз пулларга хос белгиларни жамлаган бўлиб, улар тўлов воситаси сифатида белгиланиши ёки белгиланмаслиги масаласидагина фарқ қилади.

Демак, электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишда тегишли ҳуқуқий атамаларни аниқ таърифлар, электрон шаклда тузилган шартномаларнинг ҳуқуқий табиатини ёритиш ва унинг хусусиятларидан келиб чиқиб тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда электрон тўлов воситалари ҳуқуқий ҳолатини аниқлаштириш энг муҳим вазибалардан ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Скиба О.Д. Правовое регулирование электронной коммерции в международном праве // Молодой ученый. 2014. – №11.1. –С.58–62.
2. UNCITRAL Model law on electronic commerce with Guide to enactment// UN: New York, 2006.
3. https://www.wto.org/english/tratop_e/ecom_e/wkp rog_e.htm.
4. <https://eurlex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=CELEX:32000L0046:EN:HTML>

Ф.А.Хасанова,
ЖИДУ “Халқаро хусусий ва фуқаролик
ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси
С.Р.Норқуватов,
ЖИДУ 4-курс талабаси

НОУ-ХАУ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БОШҚА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада интеллектуал мулк объекти сифатида ноу-хау тушунчаси ва хусусиятлари таҳлил этилган. Назарий қарашлар ва айрим мамлакатлар тажрибаси асосида “ноу-хау” тушунчасининг муаллифлик таърифи берилган.

Калит сўзлар: ноу-хау, ишлаб чиқариш, интеллектуал мулк, махфийлик, тижорат сири.

Аннотация: В статье были проанализированы понятие и признаки ноу-хау как объекта интеллектуальной собственности. На основании изучения теоретических взглядов и опыта некоторых стран было сформулировано авторское определение «ноу-хау».

Ключевые слова: ноу-хау, производство, интеллектуальная собственность, секретность, коммерческая тайна.

Annotation: This article analysis the concept and signs of a know-how as intellectual property object. Based on studying of theoretical views and experience of some countries author's determination of “know-how” was formulated.

Key words: know-how, production, intellectual property, privacy, commercial secret.

Интеллектуал мулк объектлари сирасига кирувчи ошкор этилмаган ахборот туридан бири бўлган ишлаб чиқариш сири ёки ноу-хау фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида махсус объектларидан биридир. Ноу-хау миллий фуқаролик ҳуқуқимизда нисбатан янги тушунча бўлишига қарамасдан, бугунги кунда ушбу объект юзасидан фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари тез-тез муносабатга киришмоқдалар.

Ишлаб чиқариш сири ёки ноу-хау (инглиз тилидан олинган бўлиб “know-how”, яъни “қандай қилишни билиш” деган маънони англатади) – турли хилдаги ахборотлар: техникавий, ташкилий, тижорат ёки маълум бир билим, кўникма бўлиб интеллектуал мулк турларидан бири ҳисобланади ва илк бор Буюк Британияда сўнгра АҚШда қўлланилган. Гарчи ноу-хау институти ХХ асрга келиб жорий қилина бошланган бўлса ҳам, унинг пайдо бўлиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мисол учун, хитой чининси, дамашқ пўлати ва бошқаларни яратишда ўрта аср хунармандлари махсус усул, услублардан фойдаланишган ва уларни сир сақлашган [1]. Ноу-хау борасида ҳозиргача кўплаб қарашлар мавжуд. “Баъзилар ноу-хауни “тижорат сири” билан синоним деб ҳисоблашса, бошқалар ноу-хау учун махфийлик аҳамият касб этмайди деган фикрда”[2].

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш, бошқарув соҳасида ишлатиладиган, унинг эгасига ўзининг рақобатчиларига нисбатан устунликни таъминлайдиган, шунингдек молиявий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай маълумот: формула, намуна, дастур, қурилмадан фойдаланиш усули, жараён ноу-хау ҳисобланиши мумкин. Шу билан бирга ноу-хаунинг айрим ўзига хос бир қатор хусусиятлари мавжуд. Хусусан:

а) мазкур маълумотнинг учинчи шахсларга ошкор этилмаслиги амалда ёки келажақда тижорат жиҳатидан аҳамиятга эга бўлиши;

б) мазкур маълумотдан эркин фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги. Айни пайтда бу маълумотга айрим тоифадаги шахслар мазкур маълумотни унинг эгаси розилиги ва ошкор қилмаслик шарт билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга, масалан, солиқ органлари ходимлари, аудиторлар, франшизинг шартномаси бўйича комплекс лицензиат ва бошқалар;

д) мазкур маълумот эгаси унинг махфийлигини таъминлаши керак.

Юқорида келтирилган ноу-хаунинг ўзига хос белгиларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, ноу-хауға бўлган ҳуқуқ ўзининг юридик табиатига кўра интеллектуал мулк объектларининг бошқа турлари (муаллифлик, турдош ҳуқуқлар)дан фарқли ўлароқ “мутлақ” ҳисобланмайди [3].

Суд амалиётида ноу-хаунинг тижорат жиҳатидан аҳамиятга эга ёки эга эмаслигини аниқлашда одатда икки мезондан фойдаланишади. Яъни техника ва технологияни қўллашда ёки тижоратни юритишда ишлаб чиқариш сири қандайдир янгиликка эга ёки эга эмаслиги ёки мазкур янгиликлар ижобий иқтисодий натижаларни келтириб чиқариши ёки чиқармаслиги. Таъкидлаш жоизки тижорат аҳамияти нафақат техник ишланмалар ёки ечимлар, балки у ёки бу корхонанинг ривожланиш дастури, тижорат тадбирларини ташкил этиш режалари ҳам бўлиши мумкин.

Ноу-хаудан фақатгина унинг эгаси розилиги билан фойдаланиш мумкин. Агарда истеъмолчи ҳуқуқлари бўзилиши ҳолати юз берса ҳам, мазкур маълумотни ошкор қилишни талаб қилиш мумкин эмас, чунки унинг ошкор қилиниши тадбиркорнинг кейинги фаолиятида олиши мумкин бўлган даромаддан маҳрум қилиши мумкин. Маълум бир ташкилотга тегишли ҳар қандай маълумот ҳам ноу-хау сифатида қаралмайди. Бундай маълумот турларига: таъсис ҳужжатлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга ҳуқуқ берадиган ҳужжатлар (рўйхатдан ўтганлигини исботловчи гувоҳномалар, патент, лицензия), молиявий ҳисоботлар, солиқ миқдори ва уни тўлашнинг тўғрилигини текшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар, тўловга қобилиятлилик тўғрисидаги ҳужжатлар, ишчиларнинг сони, таркибини, ойлик маошини ўзида акс эттирган ҳужжатлар, бухгалтерлик ҳисоботи ва бошқаларни қиритиш мумкин.

Ноу-хау эгаси ўзига қарашли сирни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриши керак, яъни ноу-хау қонунан ҳимоя қилинади, башарти унинг эгаси томонидан муҳофаза қилинса.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда ноу-хаунинг аниқ берилган ва умумэтироф этилган таърифи мавжуд эмас. Турли хил давлатлар ноу-хаунинг таърифига ўзининг миллий қонунчилигидан келиб чиқиб ёндашади. Мисол учун, Европа ҳамжамияти томонидан қабул қилинган “4087/88 Франшизинг шартномалари”га бағишланган регламентида ноу-хауға “сир сақланадиган, аҳамиятга эга ва ҳар қандай шакл билан аниқланадиган техник маълумотдир”[4] дея таъриф берилган. Жаҳон савдо ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган TRIPS келишувида, инсофсиз рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар томонидан мазкур келишувга мувофиқ ошкор этилмаган маълумот ҳимоя қилинади. Жумладан, жисмоний ва юридик шахслар, ўзларига тегишли бўлган ошкор этилмаган маълумотни уларнинг руҳсатисиз ошкор этиш, эгал-

лаш ёки ишлатилишидан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишади, агарда уларнинг қонуний назоратидаги маълумот куйидаги мезонларга жавоб берса:

а) ушбу маълумот махфий бўлиши, яъни махфий деб қаралаётган маълумот бир бутун ёки аниқ бир шаклда ва таркибий қисмлар жамланмаси сифатида намоён бўлган, барчага маълум ёки мазкур турдаги маълумот билан одатда муносабатда бўладиган шахслар доираси учун номаълум бўлиши лозим;

б) махфийлиги туфайли тижорат қимматига эга бўлиши лозим;

с) махфийликни таъминлаш учун маълумот қонуний назоратида бўлган шахс томонидан тегишли чоратadbирлар кўрилган бўлиши лозим [5].

Шунингдек, кўпгина бошқа мамлакатларда ноу-хау “технология”нинг таркибий қисми сифатида қаралади.

Ноу-хаунинг асосини ташкил қиладиган маълумот турли объектларга тегишли бўлиши мумкин: патентланган ёки патентланмайдиган ихтиролар, мисол учун, компьютер дастурлари, формулалар, махсулотни синаш ёки сифатини назорат қилиш усуллари ва ҳ.к. Мазкур объектлар орасидан “техник сир”ни ташкил этувчи маълумотларни ноу-хау сифатида бевосита аташ мақсадга мувофиқдир. Негаки техник сир ишлаб чиқариш фаолиятида юзага келадиган ҳар қандай тажриба, билим ёки кўникма махсулини, шунингдек техникавий муаммоларнинг ечимини назарда тутлади.

Баъзи мамлакатларда ноу-хау “тижорат сири” сифатида қарашади. Негаки тижорат сири ҳам ноу-хау каби бир хил ҳуқуқий характерга эга ва бир хил тартибда муҳофаза қилинади. АҚШда ноу-хауни тижорат сирининг таркибий қисми деб ҳисоблашади ва уларни синоним сифатида ишлатишади. Айни пайтда Европа мамлакатларида ноу-хау ва тижорат сирини алоҳида, бир-биридан қисман фарқ қилувчи тушунчалар деб қабул қилинган. Миллий қонунчилигимизда ҳам тижорат сири тушунчаси мавжуд бўлиб “учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодийёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради”[6]. Аммо миллий қонунчилигимизда ноу-хау ва тижорат сири тушунчалари ўртасидаги аниқ фарқ келтирилмаган. Бу тушунчалар бир-биридан қисман фарқ қилади. Хусусан, тижорат сири ноу-хауга нисбатан умумий тушунчадир. У ишлаб чиқариш соҳасида эгасига устунликни ва молиявий даромад келтириши мумкин бўлган исталган маълумот, бошқариш усули, ташкилий масалалардаги қарорлар. Ноу-хау эса нисбатан тор тушунча бўлиб, кўпроқ илмий-техникавий фаолият натижалари, методлар, ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир [7].

Ишлаб чиқариш сири ҳисобланган ноу-хау бошқа интеллектуал мулк турларидан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, бошқа интеллектуал мулк турларига қараганда ноу-хау универсаллиги билан ажралиб туради. Ноу-хауга тадбиркорлик субъектига тегишли ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли-туман маълумотлар, технологик билимлар, бошқарувга, молияга оид тактик маълумотлар кириши мумкин.

Иккинчидан, “ноу-хау” интеллектуал мулк объекти сифатида расмий муҳофаза қилишни, давлат рўйхатидан ўтишни ёки бошқа юридик хатти-ҳаракатларни амалга оширишни, шунингдек давлат божи тўлашни

талаб қилмайди. Ноу-хау сифатида эътироф этиладиган, патентланиши мумкин бўлган маълумотларни баъзида унинг мулкдори патентлашни ёки ошкор этишни истамаслиги мумкин. Шу туфайли ноу-хаунинг ихтиродан фарқлайдиган жиҳати – муҳофаза ҳужжати, яъни патент олишни талаб қилмаслигидадир.

Учинчидан, халқаро тажрибада ноу-хау муҳофаза-сининг алоҳида турлари мавжуд эмас. Ноу-хауни ҳимоя қилишда ихтиролар ва бошқа интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўлланиладиган муҳофаза воситалари ишлатилади. Чунингдек, фуқаролик ҳуқуқида мавжуд нормалар, хусусан, ҳалол рақобат, шартномага, деликт муносабатларига оид ва ҳамда жиноят ҳуқуқи нормалари қўлланилади.

Тўртинчидан, ноу-хау мутлақ ҳуқуқ объекти ҳисобланмайди. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс агарда ўз кучи ва воситалари билан очиқ маълумотдан ноу-хауни яратган ёки уни эгасидан инсофли тарзда қўлга киритган бўлса, ундан чекловларсиз фойдаланиши мумкин. Айни бир ноу-хауга икки тадқиқотчи қонуний асосда ҳеч қандай тўсиқларсиз эгаллик қилиши ёки тасарруф қилиши мумкин. Бизнинг фикримизча ҳозирги фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожидан аввалда икки мустақил ҳўжалик юритувчи субъектнинг аниқ бир ноу-хау ни яратиши тобора одатий ҳолга айланиб бормоқда. Мазкур ҳўжалик субъектлари ноу-хауни инсофли эгаллаган тақдирда уларга тенг миқдорда юридик муҳофаза таъминланади.

Ишлаб чиқариш сири (ноу-хау) нинг бошқа интеллектуал мулк турларидан ажратиб турадиган фарқли жиҳатларидан яна бири уни муҳофаза қилишнинг муддатсизлиги. Ишлаб чиқариш сирини муҳофаза қилиш токи унинг яратувчисининг мазкур маълумотга нисбатан монополь ҳуқуқи сақланиб қолингунича ёки қонунда бошқача ҳол назарда тутилган бўлса, амалга оширилади. Бу ҳолат асосан тадбиркорлар учун қулай муҳофаза усули ҳисобланади, негаки тадбиркорда у ёки бу ишлаб чиқариш сирини тезкор равишда патентлаш эҳтиёжи бўлмайди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ишлаб чиқариш сири (ноу-хау) тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маълумот бўлганлиги туфайли ноу-хаунинг мулкдори асосан тадбиркорлик субъекти. Ноу-хауга бўлган ҳуқуқнинг субъекти бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб уни бошқа интеллектуал мулк субъектларидан ажратиб туради. Бундай хусусиятга биринчи бўлиб субъектлар доирасини киритиш мумкин, яъни ноу-хаунинг бир вақтнинг ўзида бир неча мулкдори бўлиши мумкин.

Биринчидан, ноу-хауни бир-бирига боғлиқ бўлмаган шахслар томонидан яратилиши, одатда, бир фаолият тури билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари доирасида вужудга келиши билан изоҳланади.

Иккинчидан, агар бир маълумотга бўлган ҳуқуққа бир вақтнинг ўзида бир неча шахс мулкдор бўлишига йўл қўйилган бўлса, мазкур маълумот (ноу-хау)га нисбатан муаллифлик ҳуқуқи вужудга келмайди. Муаллифлик ҳуқуқи фақатгина яқка шахсга ёки дастлаб ноу-хаунинг яратилишида иштирок этган муаллифлар гуруҳига тегишли бўлиши мумкин. Бир-бирига алоқадор бўлмаган, икки мустақил шахс томонидан яратилган аниқ бир ноу-хауга муаллифлик ҳуқуқи жорий қилинмайди. Чунки бундай ҳуқуқнинг жорий қилиниши, иккинчи томон (ноу-хауни мустақил яратган томон)нинг ноу-хауга эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш каби ҳуқуқларини чекланишига олиб

келиши мумкин. Бундан ташқари ноу-хаунинг умуман муаллифи бўлмаслиги ёки муаллифни аниқлашнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолат кўпинча маълум вақт оралиғида бир неча шахсларнинг олиб борган тадқиқот натижасида юзага келиши мумкин.

Учинчидан, ноу-хауга нисбатан дастлабки мулк ҳуқуқига эга бўладиган шахс нафақат жисмоний шахс, балки юридик шахс бўлиши мумкин. Шунинг таъкидлаш жоизки, ноу-хауга нисбатан шахснинг дастлабки мулк ҳуқуқи ушбу шахснинг фақат ижодий фаолиятдан келиб чиқади дейиш мақсадга мувофиқ эмас, негаки ижодий фаолият ноу-хаунинг муҳим белгисига кирмайди. Ишлаб чиқариш сирини нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи, ўз навбатида, ҳуқуқий ворисга ўтиши мумкин, албатта, у мазкур маълумотнинг махфийлигини таъминлаш мажбуриятини олса.

Ноу-хауга хос яна бир хусусият бу унинг шартномавий асослари қисобланади. Ноу-хау унинг эгаси билан тузиладиган шартномага мувофиқ бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Лекин шуниси аҳамиятга моликки, мазкур турдаги шартномалар фуқаролик ҳуқуқи нормаларида келтирилмаган. Ноу-хауни бошқа шахсга ўтказиш шартномасида қандай маълумот берилаётганлиги, ўтказиш муддати, шартнома ҳаққи, маълумотни сир сақлаш шартлари ва томонлар мажбурияти келтирилади.

Ноу-хаудан лицензия асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартнома билан шу турдаги бошқа лицензия шартномаларини, хусусан, лицензия асосида патентдан фойдаланиш шартномасининг ўзаро фарқли жиҳати ҳақида сўз юритсак, мазкур шартномалар контрагентга ўтказиладиган ҳуқуқ объекти бўйича фарқ қилади. Яъни патентдан лицензия асосида фойдаланиш шартномасида иккинчи тарафга ўтказиладиган ҳуқуқ – мутлақ ҳуқуқ ҳисобланади. Ноу-хаудан лицензия асосида фойдаланиш шартномасида эса иккинчи томонга ўтказиладиган ҳуқуқ объектига нисбатан монопол ҳуқуқ ва ноу-хауни ташкил қилувчи маълумотнинг ўзи. Ноу-хауни лицензиядан қабул қилмасдан туриб ишлатиб бўлмайди. Бундан, ўз навбатида, хулоса қилиш мумкинки, ноу-хаудан лицензия асосида фойдаланиш шартномасида нафақат унга бўлган ҳуқуқ, балки ноу-хаунинг ўзи ҳам контрагентга топширилади. Ноу-хаунинг ўзини бошқа шахсга топшириш ноу-хауни моддий кўринишда (ҳужжат, формула, намуна шаклида ва ҳ.к.) ёки номоддий кўринишда (техник кўмак кўрсатиш, ўқитиш ва ҳ.к.) амалга ошириш мумкин. Шунингдек, ушбу шартномада томонлар ноу-хаудан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш йўлга қўйишда зарур амалий ёрдам кўрсатишни мажбурият сифатида белгилаб қўйишлари мумкин.

Ишлаб чиқариш сирини муҳофаза қилиш. Ишлаб чиқариш сирини муҳофаза қилиш деганда – “хизмат ёки тижорат сирини бўлган маълумотларни ошкор қилишни тақиқлаш, яъни муайян ёки номуайян шахслар доирасида маълумотлар уларни қабул қилиш учун мақбул бўлган ҳар қандай шаклда тарқатилишини тақиқлаш, шунингдек бундай маълумотларни бошқа шахсга беришни тақиқлашдир” [8].

Ишлаб чиқариш сирини ёки хизмат, тижорат сирини муҳофаза қилиш тўғрисидаги умумий қоидалар Фуқаролик кодексининг 98-моддасида келтирилган. Унга кўра хизмат ёки тижорат сирининг учинчи шахсларга ошкор этилмаслиги ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматлигига эга бўлиши керак ҳамда ахборот эгаси унинг ошкор этилмаслиги чораларини кўргандагина фуқаролик қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилиниши

мумкин. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш сирини ноу-хауни ҳимоя қилишнинг маълум мезонлари мавжуд. Буларга:

- ахборотнинг тижорат ва нисбий аҳамиятга эга бўлиши.

Бунда ахборот эгаси унинг сир сақланиши туфайли амалда ёки келажакда фойда олиш имконияти кўзда тутилади.

- ноу-хау интеллектуал мулк объекти сирасига кирувчи ахборот бўлиши зарур. Ноу-хау ишлаб чиқариш фаолияти давомида олиб борилган тадқиқот, кузатув натижасида қўлга киритилган натижалар маҳсулидир. Мазкур ахборот кенг оммага маълум бўлса, унинг муайян субъект мулки сифатида эътироф этиб бўлмайди.

- ноу-хаудан қонуний асосда эркин фойдаланишнинг имкони йўқлиги, шунингдек ахборот эгасининг ахборотни сақлаш учун зарур чора-тадбирларнинг кўриши ноу-хау муҳофазаси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳар қандай хизмат ёки тижорат ахбороти агар мазкур мезонларга мос келмаса, муҳофаза предмети бўла олмайди.

Фуқаролик кодекси ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни белгилайди. Ўз навбатида ушбу ноқонуний хатти-ҳаракат маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Фуқаролик кодексининг 1096-моддасига мувофиқ “ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахс бу ахборотни тарқатиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан олган бўлса ва қўлга киритувчи шахс бундан беҳабар бўлган бўлса ва буни билиши лозим бўлмаган бўлса (ахборотни инсофли эгалловчи), ошкор этилмаган ахборотнинг қонуний эгаси ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан фойдаланаётганлиги ноқонуний эканлигини билиб қолганидан сўнг ошкор этилмаган ахборотдан фойдаланганлик натижасида етказилган зарарларни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақли”. Айни пайтда ахборотнинг қонуний эгаси ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахсдан мазкур хатти-ҳаракатни тўхтатишини талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга инсофли эгалловчи мазкур ахборотдан фойдаланаётган бўлса, суд унинг фойдаланганлик учун ушбу шахсга бундан буён ахборотдан лицензия асосида фойдаланишда давом этишини белгилаши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, айни бир ноу-хауни бир-бирига боғлиқ бўлмаган шахслар мустақил яратишлари мумкин. Шунинг учун агар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил ноу-хауни яратган шахслар бир-бирига ҳеч қандай жавобгарликларсиз ёки тўсиқларсиз ишлаб чиқариш сирини фойдаланишлари мумкин.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши мумкин. Бу ҳуқуқ ноу-хауни лицензия асосида бериш шартномасига мувофиқ лицензияда вужудга келади. Лицензия шартнома бўйича олган ахборотларнинг махфийлигини муҳофаза қилишга доир керакли чораларни кўриши керак. Томонлар шартномада ахборотни муҳофаза қилиш мажбуриятини лицензия шартномаси бекор бўлганидан сўнг ҳам лицензиянинг зиммасига юклашлари мумкин.

Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланиш айни пайтда рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузилиши ҳамдир. “Рақобат тўғрисидаги” Қонунга мувофиқ илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, савдо сирларини эгасининг розилигисиз олиш, фойдаланиш,

ошкор қилиш инсофсиз рақобат деб эътироф этилади ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мазкур мақола ноу-хау тушунчаси, унинг интеллектуал мулк турлари орасидаги ўзига хос ўрни, ноу-хау эга бўлиш асослари, ноу-хауни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини қамраб олди. Ноу-хау тушунчаси борасида турли хил қарашлар, унинг қайси шартнома турларининг предмети бўла олиши юзасидан баҳс-мунозаралар ва бошқалар ушбу мавзунинг қизиқарлилик даражасини белгилаб берувчи омиллардир.

Хулоса ўрнида ноу-хауга оид миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича қуйидаги бир қанча таклифларни келтириб ўтмоқчимиз:

Биринчидан, амалдаги Фуқаролик кодексига ноу-хау тушунчасини киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес, тадбиркорлик жадал суръатда ривожланмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасида янги техника, технологияларни, билим, кўникмаларни жорий этиш, айниқса, хорижий ҳамкорлар билан тажриба алмашиш, улар қўллаётган техникавий билимларни татбиқ этиш эҳтиёжи тобора ошмоқда. Шунинг учун мазкур соҳаларда ноаниқликлар ва тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида Фуқаролик кодексига интеллектуал мулк турлари, жумладан ноу-хау ҳақида умумий қоидалар, ноу-хаунинг шартномавий асосларини тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисидаги” Қонунига ноу-хау тушунчасини киритиш. Маълум бўлдики, баъзи давлатлар қонунчилиги тижорат сири ва ноу-хауни ягона тушунча деб эътироф этса, баъзилари уларни қисман фарқ қилувчи тушунчалар деб ҳисоблашади. Шу тўғрисида улар мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида иккала тушунчаларни ҳам келтириб ўтишади. Бу билан улар очиқ қоладиган саволларга ўрин қолдирилмайди. “Тижорат сири тўғрисидаги” Қонунда ноу-хау тушунчасининг келтирилмаслиги, ноу-хау ва тижорат сири бир тушунчаларми ёки йўқми деган савол туғдиради. Агар улар бир-биридан фарқ қилса, қайси жиҳати билан фарқ қилади? Шу тўғрисида ноу-хау тушунчасини мазкур қонун ҳужжатига киритиш бундай саволларнинг юзага келишининг олдини олган бўлар эди.

Учинчидан, ноу-хаудан ноқонуний фойдаланган шахснинг жавобгарлик даражаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида аниқ келтириб ўтилиши керак деб ҳисоблаймиз. Мисол учун, ноқонуний ахборотдан фойдаланаётган шахснинг зарарни қоплаш мажбурияти қанча миқдорда, қай йўсинда, нимани инобатга олган ҳолда белгиланиши очиқ қолган. Бизнинг таклифимизга кўра, зарарнинг миқдори ахборотдан ноқонуний фойдаланган шахсинг бу ахборотдан қанча муддатда фойдаланган бўлса, шунча муддатга тенг равишда, шунингдек ноу-хау эгаси кўрган ҳақиқий зарарни қўшган ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бу билан ноу-хауни ноқонуний эгаллашнинг олди самарали олиниши мумкин. Чунки, зарарнинг миқдори ноқонуний ахборотдан фойдаланмоқчи бўлган шахсни бундай хатти-ҳаракатни амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ж.Ю. Юзефович. Особенности исключительного права на секрет производства (ноу-хау) как объекта права интеллектуальной собственности // Юридические науки.

2. “Legal nature and contractual conditions in know-how transactions”, Carlom M. Correa. P.-457. Source: <http://digitalcommons.law.uga.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1958&context=gjicl>

3. Секрет производство (ноу-хау). Источник: <http://sumip.ru/biblioteka/intellektualnaya-sobstvennost/sekret-proizvodstva-know-how/>

4. Commission Regulation № 4087/88 of 30th November 1988 on the application of Article 85 of the Treaty to categories of franchise agreements. Manba: <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/LT/TXT/?uri=CELEX:31988R4087>

5. Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS). Article 39.

6. O‘zbekiston Respublikasining “Tijorat siri to‘g‘risidagi” Qonunining 3-moddasi: – T.: O‘RQ – 374-son, 2014-yil 11-sentabr. Manba: www.lex.uz

7. Сучкова К.В. Секрет производства (ноу-хау) как объект права интеллектуальной собственности. Источник: <https://www.scienceforum.ru/2013/336/6864>

8. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksiga sharh: Ilmiy sharhlar. T 3./ O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. – T.: Baktriya press, 2013. – 507 b.

Б.Р.Рузиев,

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитаси бош инспектор-эксперти**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШДА “ПАРАЛЛЕЛЬ ИМПОРТ” МУАММОСИ**

Аннотация: ушбу мақола интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш ва “параллель импорт”нинг айрим муаммоларига бағишланган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк, божхона органлари, товар белгилари, мутлақ ҳуқуқ, ҳуқуқ эгаси, ваколатли вакил, ҳуқуқ, фуқаролик муомаласи, параллел импорт, халқаро шартнома, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, объект, ҳимоя, контрафакт.

Аннотация: данная статья посвящена некоторым проблемам параллельного импорта и защите прав объектов интеллектуальной собственности.

Ключевые слова: Интеллектуальная собственность, таможенные органы, товарные знаки, исключительное право, правообладатель, уполномоченный представитель, права, гражданский оборот, параллельный импорт, международный договор, нормативно-правовые акты, объект, защита, контрафакт.

Summary: This article devoted to some problems of parallel import for the protection of pairs of intellectual property objects

Key words: Intellectual property, customs, trademarks, exclusive right, right holder, authorized agent, rights, civil turnover, parallel import, international treaty, regulations, object, protection, counterfeit

Ҳуқуқий демократик давлатчилик шаклланиб борган сари фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ҳам тобора ошиб боради. Бундай шароитда фуқаролик ҳуқуқларини ҳуқуқ эгаси томонидан ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулларини қўллаш доираси ҳам кенгайиб бориши лозим. Ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулининг кенг қўлланилиши эса ҳуқуқни ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва суд томонидан аралашув заруриятини муайян жиҳатдан камайтиради [1, 18].

Айрим ҳолларда, халқаро шартнома нормалари билан миллий қонунчилик нормалари ўртасида маълум бир номувофиқликлар мавжудлиги кўзга ташланади. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизни халқаро нормаларга мувофиқлаштираётган бир вақтда жаҳонда юз бераётган жараёнлар, янги концепциялар ва ёндашувларга асосланган бошқа – бошқа халқаро нормалар вужудга келиши ёки халқаро интеграцияга асосланган минтақавий актлар таъсири кучайгани, ўз навбатида, миллий қонунчилигимизни яна бир бор такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради [2, 41].

Интеллектуал мулк объектларига оид халқаро актларнинг кўплиги, уларнинг мақомлари турлича эканлиги, гоҳида халқаро ташкилотлар ўз ҳужжатларини халқаро савдо ва тижорат тамойилларига кўра устиворлигини таъминлашга қаратаётгани, мамлакатимиз миллий манфаатларига мос халқаро-ҳуқуқий сиёсат олиб боришда янги ёндашувлар ахтариш, тенглик ва ўзаро ҳамкорлик асосида халқаро мажбуриятларни бажаришда ўзига хос йўللарни излаш, соҳадаги мавжуд муаммоларнинг

ечимини қидириб топиш заруриятини ўртага қўяётгани мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Айниқса, интеллектуал мулк объектнинг маълум бир қисми ҳисобланган товар белгиси бўйича иқтисодий қўламда, яъни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўртасида бир қатор муаммоли вазиятлар юзага келмоқда ва улар ҳамон ўз ечимни кутмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк объектлари ва унинг бир қисми бўлмиш товар белгиларини ҳимоя қилиш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонуности меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 97-моддасига асосан ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда интеллектуал фаолиятнинг аниқ ифода этилган натижалари ҳамда юридик шахснинг бу натижаларга тенглаштирилган ўзига хос воситалари, ана шу ишлар ёки хизматларни адо этаётган жисмоний ёки юридик шахснинг маҳсулотлари (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.)га нисбатан фуқаронинг ёки юридик шахснинг мутлақ ҳуқуқи эътироф этилади.

Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг рухсати билангина фойдаланишлари мумкинлиги белгиланган [3].

Шунингдек, ушбу кодекснинг 1107-моддасида товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликнинг тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт.

Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиши, қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўривидан йўқотиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгилаб қўйилган талабларни бажаришнинг иложи бўлмаган тақдирда, тегишли товар йўқ қилиб ташланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган [3].

Шу билан бирга ушбу кодекснинг 1107¹-моддасида бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмаслиги эътироф этилган [5].

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасида бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмади деб кўрсатилган [6].

Таъкидлаб ўтиш жоизки, интеллектуал мулк объектлари (товар белгилари)ни ҳимоя қилишда муаммо келтириб чиқараётган ҳолат бу – товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши, яъни

ҳуқуқ эгасининг розилигисиз учинчи шахсларнинг ундан фойдаланиши.

Ташқи иқтисодий фаолият амалиётида “параллель импорт” деган атама мавжуд бўлиб, унинг тушунчаси кўплаб олимлар ва мустақил экспертлар ўртасида мунозарали бахсларни келтириб чиқармоқда. Ҳозирга қадар “параллель импорт” тушунчасига халқаро ва миллий қонунчиликда таъриф берилмаган. Лекин халқаро амалиёт ва тажриба, шунингдек унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб унга қуйидагича таъриф бериш мумкин; яъни,

“маълум бир давлат ҳудудига товар белгисини ҳуқуқ эгасининг розилигисиз олиб кириш, лекин бунда товар белгисига бўлган талаблар бузилмайди товарни алдов йўли билан ўхшатиб ясаш каби ҳолатлар бундан мустасно (контрафакт), яъни товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси томонидан реализация қилинган товарларни бошқа шахсдан олиб уни давлат чегаралари орқали олиб ўтиб олди сотди операцияларини амалга ошириш”.

Мисол тариқасида оладиган бўлсак, АҚШнинг маълум бир корхонаси Ўзбекистон Республикасида унга тегишли бўлган товар белгиларини Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш ва уни реализация қилиш бўйича ваколатини маълум бир шахс (ваколатли вакил)га тақдим этади ва ваколатли вакил товар белгисини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланган тартибда ушбу маҳсулот (товар белгиси)ни тегишли вазирлик ва идораларда рўйхатдан ўтказиб, божхона органлари реестрига киритади. Айни пайтда АҚШ корхонаси Россия Федерациясида ҳам ушбу ҳуқуқни бошқа бир шахс (ваколатли вакил)га беради. Россиянинг ваколатли вакили ҳам товар белгисини ҳимоя қилиш чораларини кўриш мақсадида тегишли тартиб тамойилларни амалга оширади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шахс (АҚШнинг товар белгисидан ваколатли вакил сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган хусусий тадбиркор, ТИФ қатнашчиси ва х.к.) Россия Федерациясидаги ваколатли вакилидан белгиланган тартибда (шартнома асосида) АҚШнинг товар белгисини сотиб олади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилади.

Бундан хабар топган АҚШ товар белгисининг Ўзбекистондаги ваколатли вакили юк олиб келувчига нисбатан тегишли тартибда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли мутасади давлат идораларига мурожаат қилади. Бунда божхона органи қонунчилик талаблари асосида юк олиб келувчининг товарларини 10 кун муддатга тўхтатиб қўйиш йўли билан чора кўради [7].

Оқибатда АҚШнинг Ўзбекистондаги ваколатли вакили товар белгиларига бўлган ҳуқуқ бузилганлиги юзасидан суд идораларига импортёр устидан шикоят арзини киритади. Божхона органлари 10 кунлик муддат ичида суд идоралари ваколатли вакилидан шикоят аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиб олганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатни олса ёки, аксинча, олмас, божхона назорати остидаги товарни тегишли режимга мувофиқ чиқариб юборади. Шундан сўнг, импортёр ва интеллектуал мулк ҳуқуқ эгасининг ваколатли вакили ўртасидаги низо суд идоралари қарори асосида ҳал этилади.

Бу каби ҳолатлар суд идораларининг амалиётида Фуқаролик кодексининг 1107¹-моддаси талабалари асосида бевосита товар белгисининг эгаси томонидан

ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмайди деб қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Масалан божхона органлари 2017 йил 13 декабрь куни ваколатли вакилнинг аризасига асосан МЧЖ “Bella Group” томонидан олиб кирилган алкоголь маҳсулотларини вақтинча тўхтатиб қўйган. Мазкур ҳолат юзасидан МЧЖ “Bella Group” божхона органларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб суд органларига мурожаат қилган.

2018 йил 19 апрелда Тошкент шаҳар Маъмурий ишлар бўйича Чилонзор туман суди Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1107¹-моддасига асосланиб, МЧЖ “Bella Group” интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузган, яъни олиб кирилган товарларда қалбакилаштириш ва товар белгиларини бузиш аломатлари мавжуд эмас деб “Bella Group” МЧЖ фойдасига қарор қабул қилган.

Суд идораларининг бу каби қарорлари интеллектуал мулк ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакилининг мутасади идораларга ҳамда божхона органларига нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш йўналишида бўлган ишончини сусайишига олиб келмоқда.

Амалиётда божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича кўрилган чоралар асосан мутлақ ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳолатлар бўлиб, товар белгисини алдов йўли билан ўхшатиб ясаш ва контрафакт каби ҳуқуқбузарликни аниқлаш ҳолатлари кам учрайди.

(Маълумот учун миллий қонунчиликда “контрафакт” сўзига ҳуқуқий тушунча берилмаган бўлиб, уни аниқлаш механизми ва жавобгарлик масалалари ҳанузгача очиқ қолмоқда).

Шу боис, юк олиб келувчи (тадбиркор, хўжалик юритувчи субъектлар) божхона органлари томонидан кўрилган чоралардан норози бўлиб суд органларига мурожаат қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Халқаро тажрибага юзланадиган бўлсак, Хитой Халқ Республикасида халқаро ҳуқуқларнинг тугаши тамойилига амал қилиниб, унга кўра ҳуқуқ эгаси маҳсулотини ҳар қандай мамлакатда реализация қилганидан сўнг, маҳсулотга нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи тугайди ва маҳсулотнинг янги эгаси уни фуқаролик муомаласига, давлат чегаралари орқали олиб ўтишга ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли ҳисобланади.

Россия Федерациясида эса миллий (ҳудудий) тамойилга асосланилади ва унга кўра мутлақ ҳуқуқ фақатгина маҳсулот олиб кирилган мамлакатининг фуқаролик муомаласига киритилганидан сўнг тугаган ҳисобланади.

Мазкур тамойил амал қиладиган мамлакатларда маҳсулот чет элда релизация қилинган бўлишига қарамай, товарларни маълум бир ҳудудга импорт қилиш учун ҳуқуқ эгасининг розилиги талаб қилинади [8].

Европа Иттифоқи давлатларида “параллель импорт” интеллектуал мулк эгасининг ҳуқуқлари бузилиши деб қаралади ва бу операцияни амалга ошириш тақиқланади.

Божхона Иттифоқи давлатларида эса “параллел импорт”ни қонунийлаштириш масаласи долзарб масалага айланиб бормоқда.

Россия Федерацияда “параллель импорт”ни қонунийлаштириш бўйича бир гуруҳ қонун ижодкорлари ва мустақил экспертлар ўртасида йиллар давомида баҳс ва мунозаралар авж олиб бормоқда.

Хусусан, бир неча йиллик бахслардан сўнг, Россия Федерацияси Конституцион суди параллел импорт операцияларини амалга оширишга рухсат бериши мумкинлигини маълум қилди деб интернет тармоқларида маълумотлар тарқалган. Унга кўра, яъни алоҳида ҳолларда бренд товарларни ваколатли вакилнинг рухсатсиз мамлакат худудига олиб кириш мумкинлиги айтиб ўтилган. Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексига параллель импортга чекловлар белгиланган, бироқ Россия Федерация Конституцион судининг шарҳига кўра товар эгалари (интеллектуал мулк объектининг мутлақ ҳуқуқ эгалари) ўз ваколатларини суиистемол қилиб маҳсулот нархини ошириш ёки импортни қисқартуришга йўл қўйса, унда унинг рухсатсиз ҳам товар олиб кириш мумкинлигига изоҳ бериб ўтди.

Параллель импортни легаллаштириш бўйича Федерал антимонополия хизмати ҳам ташаббус билан чиққан. Хусусан, 2015 йилда Федерал антимонополия хизмати санкцияларни четлаб ўтиш мақсадида доридармон, ёш болалар учун товар-маҳсулотлари ва автомобиль эҳтиёт қисмларини параллель импорт қилишни илгари сурган эди. Лекин бу таклиф Европа давлатларининг розилиги талаб этилиши сабабли таклифлигича қолиб кетган.

Бренд товар эгалари (интеллектуал мулк ҳуқуқи эгалар) Россия Федерация Конституцион судининг бу шарҳидан норози бўлишмоқда. Агар параллель импорт қонунийлаштирилса, мамлакатда инвестицион жозибадорлик пасайиши, товар сифатини назорат қилиш имконияти камайиши ва бозорларда қалбаки контрафакт товарлар ортишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилган [9]

Қозғоғистон Республикаси депутатлари ҳам параллель импортни қонунийлаштириш масаласи юзасидан музокаралар олиб боришмоқда. Қонуни ижодкорлари томонидан айрим турдаги товарларга нисбатан параллель импорт операцияларини амалга оширишга рухсат берилса, соғлом рақобат муҳитини вужудга келиши ҳамда нархлар пасайиши прогноз қилинмоқда [10]

Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш бу ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Сабаби, шиддаткор замон талаби, янги инновацион ғоя ва таклифларни талаб қилмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир ҳуқуқий демократик давлат ижод ва онг маҳсулини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб қўйиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди. Утган бу даврда Ўзбекистон бир қатор халқаро ҳужжатларга, жумладан, Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси, Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённома, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома, Товар белгиларига доир қонунлар тўғрисидаги шартнома, Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома, Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими каби ўттиздан ортиқ нуфузли халқаро шартнома ва битимларга қўшилиб, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг фаол иштирокчисига айланди. Қолаверса, бугунги кунда

республикамиз дунёнинг 20 га яқин давлатлари билан интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида икки томонлама самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Интеллектуал мулк объектлари бўйича халқаро миқёсда умумқабул қилинган нормалар асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳам имплементация қилина бошлади.

Миллий қонунчилигимизда ҳам интеллектуал мулк объектлари бўйича нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши ва давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши белгиланди.

Мамлакатимизда қатор қонун ҳужжатлар, жумладан,

“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”, “Селекция ютуқлари тўғрисида”, “ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро бизнес кундан-кунга либераллашиб бораётган жаҳонда ва, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ишбилармон тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб берилаётган бир вақтда айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замон талабларига мос келмаётганлиги сабабли уларни қайта кўриб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш асосида қонунчиликни модернизациялаш ва такомиллаштириш лозим бўлади.

Хусусан, халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда Фуқаролик кодекснинг 1107¹- моддаси ва “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган сўзларига, товар белгиси ишлаб чиқарилган худудда ёки олиб кирилган (импорт қилинган) худудда фуқаролик муомаласига киритилган бўлса, яъни қайси ҳолатда мутлоқ ҳуқуқи бузилмаган деб ҳисобланишига аниқлик киритиш лозим.

Шунингдек, “контрафакт” ва “параллель импорт” тушунчаларини қонуний мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда “контрафакт” маҳсулотлари бўйича жавобгарликни белгилаш, уларни аниқлаш бўйича янги услублар ишлаб чиқиш вақти келди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш муаммолари. Ю.ф.н.д.дисс. автореф. –Т.: ТДЮИ, 2008. – 24 б.
2. Тошев Б.Н. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. ю. ф.д.дисс. афтореф. –Т.: ТДЮИ, 2008. –50 б.
3. <http://lex.uz/acts/1023494>
4. <http://lex.uz/acts/1023494>
5. <http://lex.uz/acts/1023494>
6. <http://lex.uz/acts/6936>

7. Маълумот учун: Божхона кодексининг 392-моддасига мувофиқ агар ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили суднинг ишни судда кўриш тайинланганлиги тўғрисидаги ажримини божхона органларига тақдим этган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддат ҳуқуқ эгасининг ёки унинг ваколатли вакилининг суровига кўра узайтирилиши, лекин кўпи билан ўн иш кунига узайтирилиши мумкин. Суднинг товарларни олиб қўйиш, хатлаш ёхуд даъвони таъминлашнинг бошқа чораларини қўллаш тўғрисидаги ажрими (қарори) ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатда ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган тақдирда, товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш суднинг ажримига (қарорига) мувофиқ амалга оширилади.

8. https://www.alta.ru/expert_opinion/59930/

9. https://www.vedomosti.ru/economics/articles/2018/02/14/750885-granitsu-priotkrili-parallelnogo_importa

10. expertonline.kz/a13278/

А.Эргашев,

ТДЮУ катта ўқитувчиси

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРГА НИСБАТАН ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚНИ АНИҚЛАШДА ШАХСИЙ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мазкур мақолада халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ жараёнларда юридик шахснинг шахсий қонунининг аҳамияти ва мазкур жараёнга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: трансгегаравий банкротлик, юридик шахснинг шахсий қонуни, қўлланиладиган ҳуқуқ, коллизия боғловчиси, ҳудудийлик усули, универсаллик усули, асосий манфаатлар маркази, қарздорнинг асосий фаолият юритиш жойи.

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы, связанные со значением личного закона юридического лица при реорганизации и ликвидации деятельности юридического лица в международном частном праве и определение применимого права.

Ключевые слова: трансграничное банкротство, личный закон юридического лица, применимое право, коллизионная привязка, территориальный метод, метод универсальности, центр основных интересов, основное место деятельности должника.

Annotation: This article discusses the issues associated with the value of the personal law of a entity under compulsory winding-up of the legal entity (cross-border bankruptcy) in private international law and the determination of the applicable law.

Key words: cross-border bankruptcy, personal law of a legal entity, applicable law, collisional linking, the method of territoriality, the method of the universality, center of main interests, the debtor's principal place of activity.

Миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ҳамда ҳуқуқи ва иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунчилик тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон халқаро хусусий ҳуқуқ қонуничилигида юридик шахслар ҳуқуқий мақоми белгилаш ва юридик шахсларни тугатиш билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштиришни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Халқаро хусусий ҳуқуқда миллий қонунчилик ва амалиётда бўлгани сингари юридик шахсларни тугатишнинг икки хил усули мавжуд бўлиб, улар ихтиёрий ва мажбурий тартибда тугатишдан иборатдир. Биз қуйида халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни мажбурий тугатиш (трансгегаравий банкротлик) билан боғлиқ жараёнларда юридик шахс шахсий қонунининг аҳамияти ва мазкур жараёнга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалаларига тўхталиб ўтамыз.

Трансгегаравий банкротлик билан боғлиқ муносабатларни кўриб ҳал қилишда юридик шахсларнинг қайси давлатга тегишли эканлиги (миллати, шахсий қонуни)ни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки юридик шахсни ташкил этиш, қайта тузиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби, уларни амалга ошириш шартлари ва пайтлари, шунингдек юридик оқибатлар шахсий қонунига асосланади.

Юридик шахсни вужудга келган деб топиш учун зарур бўлган талабларнинг бажариш тартиби, шунингдек унинг таъсис этилишини ҳақиқий эмас деб эълон қилиниши оқибатлари (шу жумладан, битим тузган учинчи шахсларнинг манфаатлари қай даражада ҳимоя қилиниши, уларнинг “ҳақиқий бўлмаган” юридик шахс устидан судга даъво билан арз қилиш имкониятлари) шахсий қонунга мувофиқ белгиланади. Юридик шахснинг миллати давлатларнинг ҳар бирида ҳуқуқнинг хорижий ёки миллий субъекти сифатида идентификация қилиш имкониятини беради, бу эса ушбу мамлакатда мазкур субъектнинг ҳуқуқий ҳолатини, унинг фаолиятини у мансуб бўлган давлатнинг ва у тижорат операцияларини амалга ошираётган давлатнинг қонунчилик ва маъмурий ҳужжатларига бўйсуниб чегарасини белгилаш асоси ҳисобланади. Бу ерда юридик шахснинг бундай ҳуқуқий ҳолатининг унинг хорижий ёки, аксинча, миллий хусусияти билан белгиланувчи баъзи бир жиҳатларини қайд этиш мумкин.

Биринчидан, юридик шахснинг у ёки бу давлатга мансублиги шу давлатнинг халқаро муомалада миллий ташкилотлар иштирокини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ва маъмурий ҳужжатлари унга татбиқ этилишини белгилайди. Давлат фақат “ўз” ташкилотларига нисбатан тижорат фаолиятини чет элда амалга оширишни, у ёки бу мамлакатнинг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлари билан битимларга киришишни тақиқлаш ёки рухсат беришга ваколатлидир. Умумий қоидага биноан бу хорижий давлат “ўз” юридик шахсига нисбатан қабул қилувчи ҳужжатлар бошқа давлатларда тан олиншини англайди. Ташкилот “ўз” миллий юридик шахси сифатида тан олингани эса, аксинча, унинг хорижий давлат ҳужжатларига бўйсуниб имкониятини бутунлай истисно этишини англайди.

Иккинчидан, юридик шахснинг хорижий давлатга мансублиги унинг фаолиятини барча мамлакатларда “чет элликлар” учун назарда тутилган махсус ҳуқуқий режимга бўйсундиради. Ҳатто фуқаролик муомаласи соҳасида чет элликларга миллий режим берилган ҳолда ҳам улар баъзи бир жиҳатлардан алоҳида мавқега эга бўладилар. Юридик шахснинг миллатидан келиб чиқиб, мазкур давлат ҳудудида ҳўжалик фаолиятига ижозат бериш шартлари, солиқ солиш режими, валюта операцияларини амалга ошириш, муайян турдаги битимларни амалга оширишга лицензиялар бериш тартиби ва ҳоказолар белгиланади. Бу ва бошқа бир қанча масалаларда миллий юридик шахслар имтиёзлардан фойдаланадилар.

Учинчидан, юридик шахсларнинг давлатга мансублигини аниқлаш аҳдлашаётган давлатларнинг жисмоний ва юридик шахсларига татбиқ этиш учун мўлжалланган икки тарафлама ва кўп тарафлама иқтисодий ва бошқа хил келишувларни қўлланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Савдо битимлари ва бошқа хил шартномалар бўйича юридик шахсларга ўзаролик асосида муайян ҳуқуқлар ва имтиёзлар берилгани боис конвенцион режимнинг амал қилиш доирасига кирадиган ва кирмайдиган миллий субъектларни аниқлаш муҳимдир. Айрим ҳолларда давлатлар аҳдлашуви билан юридик шахсларга ўзаролик асосида ҳуқуқий режим беришнинг умумий шартлари, баъзи ҳолларда эса – муносабатларнинг у ёки бу соҳасидаги ҳуқуқлар ва имтиёзлар қамраб олинади. Аммо барча ҳолларда шартномаларнинг амал қилиши юридик

шахсларни мазкур давлатларга мансуб бўлган субъектлар сифатида идентификация қилишни тақозо этади. Уларнинг миллатини аниқлаш уларга шартнома шартлари қўлланиши, улар шартнома иштирокчиси бўлган давлатга мансублиқдан келиб чиқувчи конвенцион ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланиши мумкинми, давлат уларга бундай ҳуқуқлар ва имтиёзларни беришга мажбурми, деган саволларга жавоб топиш имкониятини беради.

Юридик шахснинг миллати унинг аниқ бир давлатга мансублигини кўрсатиш орқали тегишли давлатнинг “ўз” ташкилотини дипломатик ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқини тан олиш ҳамда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини у қайси бошқа давлатлар ҳудудида иш кўраётган бўлса, шу давлатлар олдида ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни амалга ошириши учун юридик асос бўлиб хизмат қилади.

Шакланган халқаро амалиётга мувофиқ давлат ташкилот фойдасига таъминлаш, муҳофаза ёки ҳимоя қилиш чораларини кўришига йўл қўйилиши унинг миллати, давлатга мансублиги билан белгиланади. Давлатга мансублик белгиси ҳўжалик ташкилоти халқаро ҳўжалик муомаласида иш кўриш жараёнида қайси давлатнинг дипломатик ҳимоясига умид қилиши мумкинлиги, бундай ҳимояни сўраб у қайси давлатга мурожаат этишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун муҳимдир.

Трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ муаммосини аниқлаш икки тоифадан иборат: моддий ҳуқуқни қўллаш масалалари ва процессуал ҳуқуқни қўллаш масалалари.

Трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ ишда қўлланилиши лозим бўлган давлатнинг миллий қонунини аниқлаш қарздорнинг асосий манфаатлари намён бўладиган ва асосий фаолият юритган марказ (жой) концепциялари[1] асосида аниқланади, трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ ишни юритиш жараёнлари эса суд жойлашган давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ иш судда кўрилаётганда юридик шахснинг шахсий қонунини белгиловчи давлат ҳуқуқи ҳам эътибордан четда қолиши керак эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1175-моддасига мувофиқ эса юридик шахс қайси мамлакатда таъсис этилган бўлса, шу мамлакатнинг ҳуқуқи мазкур юридик шахснинг қонуни ҳисобланиши белгиланган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Юридик шахсни ташкил этиш, қайта тузиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг амалга ошириш шартлари ва пайтлари, шунингдек юридик оқибатлар юридик шахснинг шахсий қонунига асосланади.

Шунингдек, “асосий манфаатлар маркази” ва “қарздорнинг асосий фаолият юритиш жойи” ҳуқуқий концепциялари трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш тизимининг моддий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. Афсуски, ҳозирги вақтда юқорида эслатиб ўтилган атамалар таърифи қонунчилик билан мустаҳкамлаб қўйилмаган. Шу сабабдан хорижий мамлакат судлари, биринчи бор М.Виргос ва Э.Шмитнинг 1995 йилдаги Банкротлик тўғрисидаги Конвенция юзасидан қилган маърузасида [1] пайдо бўлган асосий манфаатлар марказининг талқин қилинишига оид амалиётга мурожаат қилишига тўғри келади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки,

кўрсатилган конвенция кучга кирмаган бўлишига ҳамда айтиб ўтилган Маъруза расмий равишда эълон этилмаганлигига қарамадан, Маърузада қўриб чиқилган асосий манфаатлар маркази концепциясининг назарий жиҳатлари суд амалиётининг кейинги ривожини учун катта таъсир кўрсатган.

Хусусан, кейинчалик кўпроқ 1996 йилдаги Виргос/Шмит Маърузаси номи остида маълум бўлган ушбу маърузанинг 75-моддасида, “асосий манфаатлар маркази” концепцияси “қарздор ўз активларини бошқаришни доимий асосда амалга оширадиган, шу сабабли бу учинчи шахсларга маълум ва аниқ жой...” сифатида талқин этилади. Кейин маърузада “манфаатлар” атмасини қўллашдан мақсад қарздорнинг нафақат тижорат, профессионал фаолиятини қамраб олиш, балки бу концепциянинг қўлланилишини хусусий шахслар фаолиятига, хусусан, истеъмолчи фаолиятига ҳам тарқатиш учун умумий иқтисодий муносабатларни ҳам қамраб олишдан иборат бўлган”лиги ҳақида гапирилади [2, 13-бет.]. Бу “асосий манфаатлар маркази” концепцияси жисмоний шахсларга ҳам, юридик шахсларга ҳам ва тижорат фаолиятида иштирок этувчи корхоналарга ҳам бир хил даражада қўлланилиши ҳақида гувоҳлик беради.

Қўлланилиши керак бўлган процессуал меъёрлар ишни қўриб чиқаётган суд муассасаси жойлашган давлатнинг ҳуқуқидан иборат бўлади. Шу давлат қонуни билан кредиторларнинг талаблари навбати белгиланади, ҳаттоки бу масала кўпчилик мамлакатлар учун процессуал масала бўлмасдан, моддий-ҳуқуқий тартибга солиш доирасида бўлган масала бўлса ҳам. Бу жараёнда энг муҳим ва энг мураккаб вазифалардан бўлган ижро этилмаган шартномалар ва манфаатлар тақдирини таъминлаш воситалари, қарши талабларнинг берилишига йўл қўйилиш чегаралари каби масалалар гарчи ҳамма жойда бу ҳодисалар процессуал институтлар сифатида квалификация қилинмаса-да, суд жойлашган давлат қонуни билан тартибга солинади. Бунда у ёки бу мамлакатда тартибга солиш асоси қилиб қандай принцип белгиланганлигидан келиб чиқиб, *lex fori* коллизия боғловчиси қандай тушунилиши ҳақида аниқ чегара [2, 13-бет.] ни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Масалан, агар давлат универсаллик усулига (ягона иш юритув банкротлик ишини кўришни ягоналик таълимотига (*single entity doctrine*)) асосланиб, қарздорга нисбатан унга тегишли бўлган барча мол-мулк қаерда жойлашганидан қатъи назар, миллий суд томонидан очилган банкротлик иши билан қамраб олиниб, барча кредиторлар қаерда жойлашганидан қатъи назар ўз талабларини мазкур иш доирасида билдирадилар [3, 311-бет.] амал қилса, судда фақат битта қўлланиладиган қонун мавжуд бўлади, яъни банкротлик тўғрисидаги иш юритув очилган давлатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Бунга тескари равишда ҳудудийлик усулига (кўп сонли банкротлик жараёни фақат иш қўзғатилган мамлакатдагина олиб борилади ва кейинчалик банкротлик жараёнини қарздорга тегишли бўлган активлар жойлашган мамлакатларда ҳам қўзғатилиши талаб қилинади [3, 311-бет.]) амал қиладиган мамлакатлар суднинг қўллаб қонунлари қўлланилишига тайёр бўлишлари керак, чунки юридик шахснинг мулки ва активлари мавжуд бўлган ҳар бир мамлакатда қарздорнинг банкротлигига оид алоҳида ишлар очилиши кераклигини талаб қилади. Натижада битта талабнинг қондирилиши бир нечта ҳуқуқ

тартибларига бўйсунадиган вазият истисно қилинмайди.

Лекин давлатлардан ҳеч бири универсаллик ёки ҳудудийлик усулларини уларнинг шартсиз кўринишида қабул қилмаганлиги сабабли банкротлик жараёнларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш айрим вақтларда банкротлик тўғрисидаги иш юритувни муддат жиҳатидан чўзилиб кетишига олиб келади, бу эса барча банкротлик жараёнлари самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Шу тарихда трансчегаравий банкротлик тўғрисидаги ишларнинг суд муҳокамаси соҳасида айнан қўлланиладиган ҳуқуқ муаммоси кўпинча масалани якуний ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асоси бўлиб қолади. Махсус регламентлаш бўлмаганлиги оқибатида, агар тегишли муносабатда хорижий фуқаролар ва юридик шахслар иштирок этишаётган бўлсалар, ёхуд баҳс предмети бўлиб хорижий ҳуқуқ тартиботи меъёрлари асосида вужудга келган мулк ва мулквий ҳуқуқлар ҳамда манфаатлар чиқаётган бўлса халқаро хусусий ҳуқуқнинг назарияси ва амалиёти билан ишлаб чиқилган умумий ёндашувлар инкор этилиши мумкин эмас. Бу ерда халқаро хусусий ҳуқуқда мавжуд “тушунчалар конфликтларини” ҳал этиш формулалари муҳим роль ўйнайди.

Масалан, кредиторларнинг айрим пайтларда хорижий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган, оддий талаблари ва банкротлик тўғрисидаги миллий қонунчилик мазмунидаги “ўрнатилган талаблар” турлича юридик мазмунга ва оқибатларга эга бўлиши мумкин. Оддий талаблар тўлиқ ҳажмда ва тегишли муддатларда мулквий таъминланиш ҳуқуқини беради. “Ўрнатилган талаблар” шахсга кредиторлар таркибига киритилишига, тўловга қобилиятсиз қарздорнинг кредиторлари мажлисида ва қўмитасида иштирок этишга ҳамда уларнинг ҳажмига муносабат овозларга ва рақобат массасида улушга эга бўлишга имкон беради, бу улуш қонун бўйича қонун томонидан белгиланадиган навбат тартибда тақсимланиши керак. Оддий талабларни ҳисоблаш учун асосий қарзнинг суммаси ҳам, фоизлари ҳам ҳисобга олинади, бунда санкциялар фоизи алоҳида ҳисобга олинади ва фақат асосий қарздорлик тўлангандан кейин қондирилиши керак, бунинг натижасида фоизлар бўйича қарздорлик суммаларини ундириш фақат сўнгги навбатдаги кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин юзага келиши мумкин.

Шу боис юридик шахснинг шахсий қонунини аниқлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Халқаро хусусий ҳуқуқ субъектлари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати шахсий қонун билан белгиланади. Бугунги кунда ФКнинг 1175-моддаси фақатгина юридик шахснинг шахсий қонунини аниқлашга доир қондан назарда тутиб, унинг амал қилиш доирасини белгиламайди. Чет эл юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолатига янада аниқлик киритиш ҳамда чет эл ҳуқуқ нормасини қўлланиш доирасини белгилаш мақсадида ФК 1175-моддасида юридик шахс сифатида ташкилотнинг мақоми, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, ҳуқуқ лаёқати мазмуни, юридик шахс томонидан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини олиш тартиби, юридик шахсни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, юридик шахснинг ички ташкилий, бошқарув ва мулквий тавсифдаги муносабатлари чет эл юридик шахснинг шахсий қонуни билан аниқланадиган масалалар сифатида кўрсатилиши лозим. Бундай норманинг

киритилиши чет эл юридик шахслар фаолиятини мамлакатимизда ҳуқуқий тартибга солинишини янада аниқлаштиришга ва бугунги кунда амалиётда вужудга келаётган турли ноаниқликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Фуқаролик кодексининг VI бўлимида юридик шахсларнинг қарзлари бўйича юридик шахс иштирокчиларининг жавобгарлигига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқловчи коллизия нормалар мавжуд эмас. Иқтисодиётда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари салмоғи ортиб бораётган шароитда мазкур муаммонинг миллий манфаатлар нуқтаи назаридан оқилона ҳал этиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик кодексининг 1176-моддасига юқоридаги мазмундаги қўшимчалар киритишда ҳуқуқ тизими ривожланган мамлакатлардаги шўба юридик шахсларнинг шахсий қонунини қўлланилиши муайян ишнинг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда эгилувчан коллизия боғловчилар билан тўлдирилишини белгиловчи тартибни эътиборга олиш лозим бўлади.

Юқорида кўрсатилган тақлифларнинг қонунчилигимизда мустақамланиши Ўзбекистон Республикаси судида кўриладиган трансчегаравий банкротлик ишларида юридик шахсларнинг шахсий қонунини тўғри аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Доклад Виргоса–Шмита”: М. Виргос и Э. Шмит, доклад о Конвенции о производстве по делам о несостоятельности, Брюссель, 3 мая 1996 года; размещен по адресу: <http://globalinsolvency.com>
2. Virgos M. The 1995 European Community Convention on Insolvency Proceedings: an Insider's View. International Forum. 25 March 1998. P. 13.
3. Devos D. Specific Cross-Border Problems Regarding Bank Insolvencies and European Harmonization Efforts // International Bank Insolvencies A Central Bank Perspective, 1999. – P. 311.

И.М.Салимова,
ТДЮУ докторанти

ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚДА ТААЛЛУҚЛИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал ҳуқуқда тааллуқлилик институтининг ривожланиш тенденцияси ўрганилган. Муаллиф томонидан иқтисодий процессуал қонунчиликнинг ривожланишига кўра тааллуқлилик институти ривожланишини даврлаштириш тақлиф қилинган. Муаллиф тааллуқлилик институти янада такомиллаштириш ва ривожлантириш лозимлиги тўғрисида хулосага келган.

Калит сўзлар: иқтисодий процессуал ҳуқуқ, тааллуқлилик, иқтисодий процессуал қонунчилик, иқтисодий суд.

Аннотация: в статье исследована тенденция развития института подведомственности в экономическом процессуальном праве Республики Узбекистан. Автор предложена периодизация развития института подведомственности на основании развития экономического процессуального законодательства. В заключении автором отмечено, что институт подведомственности требует дальнейшего совершенствования и развития.

Ключевые слова: экономическое процессуальное право, подведомственность, экономическое процессуальное законодательство, экономический суд.

Summary: in the article it is investigated a tendency of development of institute of jurisdiction in economic procedural law of the Republic of Uzbekistan. The author offered a periodization of development of the institute of jurisdiction, based on development economic procedural legislation. In the conclusion, the author has noted that the institute of jurisdiction demands further improvement and development.

Key words: economic procedural law, jurisdiction, economic procedural legislation, economic court.

Тааллуқлилик институти иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг мустақиллик йилларига нисбатан юқори даражада ривожланган процессуал ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Мураккаб соҳалараро институт бўлганлиги сабабли назарий ва амалий жиҳатдан кенг ва тор маънода қабул қилинади. Кенг маънода тааллуқлилик деганда, низоларни кўриб чиқиш муайян давлат бошқаруви органи ёки суд ёхуд бошқа ваколатли органнинг ваколатига тегишли эканлиги тушунилади. Тор маънода эса тааллуқлилик бевосита суд ҳокимияти тизимида ишларнинг у ёки бу турдаги судлар ваколатига берилганлигини англатади.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда хўжалик низоларини кўриш ва ҳал қилиш арбитраж органлари томонидан амалга оширилган. Ушбу низолар асосан мулкка эгалик қилувчи давлат корхоналари ва ташкилотлари ўртасида вужудга келган, шунингдек арбитраж органлари низоларни ҳал этишда юқори турувчи тегишли идораларга бўйсуниб, чекланган ҳуқуқий ваколатларга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 20 ноябрда “Ҳакамлик суди ва

хўжалик низоларини кўриш тартиби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Ушбу Қонун илк бор Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик (арбитраж) судлари томонидан хўжалик низоларини ҳал қилиш тартибини белгилаб берди. Қонуннинг II бўлими иккинчи боби “Хўжалик низоларининг мансублиги” (рус тилида «Подведомственность хозяйственных споров») деб номланиб, моҳиятан ушбу бобда хўжалик низоларининг тааллуқчилиги масалалари акс этиши лозим бўлсада, амалда судловлилик институти тавсифловчи нормалар мустаҳкамланган, яъни қонунда судловлилик институти тааллуқчилик тушунчаси билан қўлланилди. Қонунда соф маънода тааллуқчилик институтига оид нормалар мавжуд эмас эди.

Жумладан, ушбу қонунга мувофиқ Олий ҳакамлик суди қуйидаги:

1) 10 миллион сўмдан ортиқ суммага хўжалик шартномалари тузилганда, ўзгартирилганда ва бекор қилинганда, шунингдек шартномаларни ижро этиш чоғида ва бошқа асослар бўйича даъво 100 минг сўмдан ортиқни ташкил этганда турли республикалар ва Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида жойлашган томонлар ўртасида юзага келадиган низоларни (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилиши ўзга идоралар ихтиёрига берилган низолар бундан мустаснодир);

2) давлат бошқаруви идораларининг ва бошқа республика идораларининг қонунларига мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги низоларни;

3) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви идоралари ва республика идоралари томонидан норматив характерга эга бўлмаган, қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи актларини нашр этиш натижасида ёхуд уқтирилган идораларнинг ташкилотларга нисбатан ўз вазифаларини лозим тарзда амалга оширмасликлари натижасида ташкилотларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги низоларни;

4) республика бошқарув идоралари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низоларни;

5) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, республикаларо битимлар ёки халқаро шартномаларда Олий ҳакамлик суди идора қилиши учун берилган бошқа низоларни ҳал этиши белгиланган эди[1].

Бундан ташқари, қонунда хўжалик низоларининг ҳудудий ва алоҳида судловлиги қоидаларини белгиловчи нормалар мустаҳкамланганди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасининг биринчи Хўжалик процессуал кодекси қабул қилингунга қадар амалда бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган бўлиб, 14 та боб 115 та моддадан иборат бўлган. Гарчи илк мартаба иқтисодий низоларни кўриб чиқиш тартибини белгилаб берган илк кодификациялашган қонун ҳужжати бўлишига қарамасдан, унда иқтисодий низоларнинг тааллуқчилиги оид процессуал нормалар мустаҳкамланмаган. Фақатгина Кодекснинг III боби “Хўжалик низоларининг судловга тегишлилиги” масалаларига бағишланган бўлиб, ушбу бобда Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар хўжалик судлари судловига тааллуқли низолар, низоларни кўриб чиқишда ҳудудий ва алоҳида судловга тегишлилик масалалари, даъво материалларини тегишли судловга ўтказиш ва бундан келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби белгиланган.

Жумладан, турдош судловлилик қоидаларига кўра Олий хўжалик суди судловига:

1) 100 миллион сўмдан ортиқ суммага хўжалик шартномалари тузилганда, у ўзгартирилганда ва бекор қилинганда, шунингдек шартномаларни ижро этиш чоғида ва бошқа асослар бўйича даъво 5 миллион сўмдан ортиқни ташкил этганда турли давлатлар ва Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида жойлашган томонлар ўртасида юзага келадиган низоларни, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳал этилиши ўзга органлар ихтиёрига берилган низолар бундан мустаснодир;

2) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг ва бошқа республика органларининг қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги низоларни;

3) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари ва бошқа республика органлари томонидан норматив хусусиятга эга бўлмаган, қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳужжатларни нашр этиш натижасида ёхуд кўрсатиб ўтилган органларнинг ташкилотларга нисбатан ўз вазифаларини лозим тарзда амалга оширмасликлари натижасида ташкилотларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги низоларни;

4) республика бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низоларни;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлатларо битимлар ва халқаро шартномаларда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ихтиёрига берилган бошқа низоларни ҳал этиш ваколати берилган [2].

Мамлакатимизда тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида изчил бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётнинг ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши, хўжалик судлари фаолиятини ва ўз навбатида уларнинг процессуал ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Бунинг натижасида 1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси янги таҳрирда қабул қилинди ва 1998 йил 1 январдан кучга киритилди.

Ушбу кодекс 5 бўлим, 24 боб ва 226 моддадан иборат бўлган. Унинг 3-боби “Судга тааллуқли ишлар ва судловга тегишлилик” масалаларига бағишланган бўлиб, илк бора тааллуқчилик институти иқтисодий процессуал қонунчилигимизда қонун даражасида мустаҳкамланди. Кодекснинг 23-моддасида хўжалик судларига қуйидаги ишлар тааллуқчилиги белгиланди:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа

ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Бундан ташқари, Кодекснинг 24-моддасида хўжалик судларига тааллуқли низолар доираси аниқланиб, уларга қуйидагилар киритилди:

1) тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

2) шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

3) мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

4) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

5) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

6) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

7) етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;

8) шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

9) давлат органлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсларнинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги низолар;

10) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар;

11) давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош торганлик устидан берилган шикоят;

12) агар қонунда сўзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бўлса, назорат қилувчи органлар томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги низолар;

13) назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги низолар.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг кейинги босқичида Кодекснинг 23, 24-моддаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, хўжалик судларига тааллуқли низолар доираси кенгайтирилди.

2000 йил 14 декабрда “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан юқоридаги Кодексга ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари

хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судига кўрилиши лозимлиги тўғрисида процессуал норма киритилди[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сон “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, тадбиркорлик фаолиятининг асоссиз чекланишига йўл қўймаслик мақсадида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, юқоридаги Фармон билан тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибда қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати тасдиқланиб, хўжалик судларига тааллуқли ишлар доираси кенгайтирилди. Бироқ шуни қайд этишимиз лозимки, хўжалик судларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш ваколати 2005 йилда берилган бўлса-да унинг процессуал механизми Хўжалик процессуал кодексига 20³-боб сифатида 2011 йил 21 апрелдаги ЎРҚ–288-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан киритилди.

Унга кўра хўжалик судларига қуйидаги ҳуқуқий чораларини қўллаш ваколати берилди:

1) фаолиятни тугатиш;

2) атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

3) фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзга келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

4) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

5) молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқдор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно;

6) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензиялар (рухсатномалар)нинг амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно[4].

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 августдаги ЎРҚ–106-сон “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига асосан, Хўжалик процессуал кодексига 20¹-боб сифатида

“Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш”, 20²-боб сифатида “Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш” бўйича қоидалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ–352-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни[5] билан Кодекснинг 23-моддасига яна бир ўзгартириш киритилиб, иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар (бундан меҳнатга оид низолар мустасно) ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ташкилотлар ёки жисмоний шахслар бўлишидан қатъи назар ҳўжалик судлари томонидан кўрилиши белгиланди. Ушбу қўшимча коорпоратив муносабатларнинг ривожланиши жараёнидаги муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни [6] билан ҳўжалик судига яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса, тааллуқли эканлиги мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ–391-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Кодексга корпоратив низолар бўйича ишларни юритиш бўйича алоҳида 20⁴-боб киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 58-бандида судларни янада ихтисослаштириш, шу жумладан фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [7] мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бериш билан бир қаторда низоларнинг тааллуқлилиги институтини янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг ягона Олий судга бирлаштирилиши, маъмурий судларнинг ташкил этилиши, фаолият юритаётган ҳўжалик судларининг иқтисодий судлар этиб ўзгартирилиб, 71 та

туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилганлиги судларнинг соҳалар бўйича ихтисослаштиришда ва тааллуқлилиги масаласига доир бир қатор янги қоидалар жорий этилишига сабаб бўлди.

Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–428-сон Қонуни билан “Судлар тўғрисида”ги Қонун, Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ҳўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда ҳамма талаблар иқтисодий судда кўрилиши кераклиги тўғрисида норма киритилди;

давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсларнинг шундай ҳаракатларини(ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги низолар маъмурий судлар ваколатига берилди.

Ва ниҳоят, ислохотларнинг кейинги босқичида янги таҳрирда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси[8] қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январдаги ЎРҚ–461-сон Қонуни билан қабул қилинди ва 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирди.

Кодекс 5 бўлим, 37 боб ва 347 моддадан иборат бўлиб, унинг 5-боби “Иқтисодий ишларнинг судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилиги”га бағшланган.

Кодекснинг 25-моддасига асосан иқтисодий судларга қуйидаги 6 та тоифадаги ишлар тааллуқли эканлиги белгиланди:

1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) банкротлик тўғрисидаги ишлар;

4) ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;

5) Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно;

6) чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар.

Кодекснинг 26-моддасига асосан иқтисодий судлар томонидан ҳал этиладиган низоларга:

1) тузилиши мажбурийлиги қонунда назарда тутилган шартномани тузишда юзага келган келишмовчиликлар тўғрисидаги;

2) шартнома тарафлари томонидан кўриб чиқилиши судга ўтказилиши келишилган шартномани тузишда юзага келган келишмовчиликлар ҳақидаги;

3) шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги;

4) битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;

5) мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги;

6) мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги;

7) мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг ғайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги;

8) интеллектуал фаолият объектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулк ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги;

9) мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эғалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги;

10) зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги;

11) ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги;

12) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги;

13) агар қонунда жарималарни сўзсиз (акцептсиз) тартибда ундириш назарда тутилмаган бўлса, назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахслар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги;

14) назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш ҳақидаги низолар киритилди.

Иқтисодий процессуал кодексининг 25, 26-моддалари ва Хўжалик процессуал кодексининг 23, 24-моддаларидаги қоидаларни таҳлил қиладиган бўлсак, янги Кодексда иқтисодий ишларнинг тааллуқчилигига оид янги процессуал нормалар мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, эндиликда иқтисодий судларга:

корпоратив низолар бўйича ишлар кўриладиганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар,

ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;

чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;

интеллектуал фаолият объектлари ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар, товарлар, ишлар ва хизматларга мулк ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги низоларнинг тааллуқчилиги белгиланди;

ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган.

давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳал этиш маъмурий судлар ваколатига ўтказилган.

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш Хўжалик процессуал кодексига юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон

Республикасининг 2007 йил 1 августдаги ЎРҚ–106-сон Қонуни[9] билан киритилган бўлсада, Кодекснинг 23-моддасида кўрсатиб ўтилмаган эди. Бундан ташқари, ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар тоифасига даъвони таъминлаш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар ҳам киритилди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал ҳуқуқида тааллуқчилик институтининг ривожланишини безосита бу борада қонунчиликнинг такомиллашиб, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий муносабатларнинг вужудга келиши, суд-ҳуқуқ ислохотларининг жадаллашуви, муайян низоларни кўриш ва ҳал қилишга ихтисослашган судларнинг ташкил топиши, суд ваколатларининг қайта тақсимланиши билан белгиланишини кўриш ва ривожланиш тенденциясини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1-босқич: 1991 – 1993 йиллар;

2-босқич: 1993 – 1997 йиллар;

3-босқич: 1997 – 2017 йиллар;

4-босқич: 2017 йилдан ҳозирга қадар.

Шунингдек, ислохотларнинг кейинги даврида иқтисодий низоларнинг тааллуқчилигига оид процессуал қонунчиликни қуйидаги йўналишда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади:

Иқтисодий процессуал кодексда ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш бўйича ишлар иқтисодий судлар ваколатида қолдирилди. Бироқ, бизнинг фикримизча, келгусида ушбу турдаги ишларни ҳам маъмурий судлар ваколатига бериш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар соф маънода маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади ва ушбу тоифадаги ишларда бир тараф сифатида албатта назорат функциясини амалга оширувчи давлат органи туради. Ушбу орган ўз назорат вазифаларини амалга оширишда муайян қонунбузилиш ҳолатини аниқласа ва бунинг учун тадбиркорлик субъектига муайян чора кўриш учун асос мавжуд деб топса, судга мурожаат қилади. Ҳуқуқий таъсир чораларини айнан маъмурий судлар томонидан қўлланилиши тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Чунки, маъмурий суд судьяси давлат органларининг ўз ваколати доирасида ҳаракат қилган ёки қилмаганлигини белгилаб беради ва бу соҳада ихтисослашган суд бўлиб ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашдан асосий мақсад тадбиркорни жазолаш эмас, балки уни давлат органларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишдир.

Қолаверса, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ва давлат органининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар айна бир ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида тез-тез пайдо бўлиб туради.

Худди шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда ўз моҳиятига кўра унга ўхшаш бўлган:

ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги;

агар қонунда жарималарни сўзсиз (акцептсиз) тартибда ундириш назарда тутилмаган бўлса, назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахслар ва фуқаролардан жарималар ундириш тўғрисидаги;

назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда сўзсиз (акцептсиз) тартибда ҳисобдан чиқарилган пул маблағларини бюджетдан қайтариш ҳақидаги низоларни ҳам иқтисодий судлар ваколатидан маъмурий судлар ваколатига ўтказиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал ҳуқуқида тааллуқлилик институти босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, мазкур жараён доимий хусусиятга эга бўлиб, бундан кейин ҳам у ёки бу турдаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини иқтисодий судларга бериш ёки улар ваколатидан чиқариш бўйича ислохотлар давом этаверади. Шундай экан, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда тааллуқлилик институти янада такомиллаштириш ва ривожлантириш талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – №2. 86-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – №10. 371-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2001. – №1, 2. 11-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – №9. 234-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – №18. 233-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20. 222-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №8. 109-модда.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2018й. 25 январь. 01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – №31, 32. 315-модда.

Н.В.Ғаниев,
ҳуқуқ магистри

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада телекоммуникация хизматларини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари таҳлил этилган. Муаллиф телекоммуникация соҳасининг кўп қирралилигидан келиб чиқиб, бу соҳада амалга ошириладиган хизматларни комплекс тартибга солиш мақсадга мувофиқлиги, телекоммуникация компаниялари фаолиятини юридик аудит қилиш лозимлиги борасида хулосаларга келган.

Калит сўзлар: телекоммуникация, телекоммуникация хизматлари, телекоммуникация компаниялари, телекоммуникация соҳаси, алоқа узатиш стандарти, рақамли алоқа.

Аннотация: в статье анализируются особенности правового регулирования телекоммуникационного обслуживания. Автор пришел к выводу о необходимости правового аудирования телекоммуникационных компаний, а также исходя из многогранности телекоммуникационной сферы, является целесообразным комплексное регулирование телекоммуникационного обслуживания.

Ключевые слова: телекоммуникация, телекоммуникационные услуги, телекоммуникационные компании, телекоммуникационная сфера, стандарт передачи связи, цифровая связь.

Annotation: the article analyzes the peculiarities of the legal regulation of telecommunications services. The author came to a conclusion that the need for legal auditing of telecommunications companies, and also based on the multifaceted nature of the telecommunications sphere, is an appropriate comprehensive regulation of telecommunications services.

Key words: telecommunications, telecommunications services, telecommunications companies, telecommunications, communication standard, digital communications

Бугунги кунда инсоният ҳаётини ва унинг ривожланишини ахборот алмашинувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ахборот шахснинг кундалик эҳтиёжларини таъминлашдан тортиб, унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларда фаолият олиб боришини ҳам таъминлаб турадиган, инсон фаолиятини йўналтирадиган ҳамда шахс сифатида ҳар томонлама ривожлантирадиган асосий манбалардан биридир. Зеро, кишининг шахс сифатида камоли ва ҳаётининг фаолиятининг даражасини белгловчи мезонлардан бири унинг қанча миқдорда ва сифатдаги ахборотга эгаллиги билан боғлиқ бўлиб, бу вазиятда ахборот деганда, тақдим этилиши шаклидан қатъи назар, турли хилдаги маълумот (хабар)лар тушунилади. Шу боис ахборотни олиш, ундан фойдаланиш ва ўтказиш воситаларининг ўрни, ахборотни етказиш ва узатиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳимдир.

Илмий-техник ҳамжамият ривожининг асосий омиллари телеграф, телефон ва радионинг ихтиро этилиши билан боғлиқ саналади [3]. Телекоммуникацияни назарий жиҳатдан тушунишда

атоқли олим В.А.Котельников томонидан ишлаб чиқилган қаршиликлар ва тўсқинликларга нисбатан барқарорлик фундаментал назарияси юксалиш босқичини бошлаб берди ва унинг вужудга келиши билан мақбул алоқа тизимларини қатъий назарий асосларида яратиш имконияти юзага келди [1, С.25].

Электралоқа воситалари тармоқлари бўйича ахборотни узокдаги масофага етказиш жараёнидаги асосий туртки ўтган асрнинг охири ва жорий асрнинг бошларида содир бўлди. GSM (General Service Mobile) – кўчма радиотелефон алоқаси тармоқлари орқали ахборотни узатиш (ҳозирги кунда келиб 3G ва 4G (LTE) стандартлари қўлланилмоқда ва оммавий ахборот воситаларида 5Gнинг яратилиши ва қўлланилиши хусусида фикрлар билдирилмоқда) стандартларни ишлаб чиқиш бошланди. Қайд этиладиган алоқа тармоқларида маълумотларни узатишнинг янги формати – GPON (General Passive Optical Network) стандартлаштирилди. Бундай технология қайд этиладиган симли алоқа тармоқларида ахборотни юқори тезликда узатиш имконини беради.

Бироқ инженерлик ғоялари ривожининг бугунги даражаси мамлакатимизда жорий асрнинг бошида шакллантирилган электралоқаси тармоқларининг макроиктисодий моделидан анча илгарилаб кетганини кўрсатади. Ҳозирда Ўзбекистонда рақамли телекоммуникацион тизимга ўтиш жараёнлари секин-асталик билан қўлланила бошлаган бўлсада, амалдаги электралоқа тизими симли тармоқларга асосланган. Айнан шу боис телекоммуникация соҳасини миллий – ҳуқуқий тартибга солиш телефон алоқаси хизматини атрофлича ифодалаш ва телефон тармоғига трафиклар учун рухсат бериш тартибини белгилашга қаратилган. Бундан фарқли равишда Европа Иттифоқи мамлакатлари “технологик бетарафлик”¹ принципини киритиш заруратини тушуниш йўлидан боришмоқда ва Европа Иттифоқида телекоммуникацияларни тартибга солишга оид ҳужжатлар тўплами қабул қилинди. Жумладан, телекоммуникация бозорини тартибга солишда энг муҳим жиҳатларни назарда тутиш ва рақобат ҳамда телекоммуникациялардан оддий фуқаролар фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун фақат тартибга солиш доирасини белгилаш билан чекланилган [6, С.34].

Ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви ва технологик инновацияларнинг ривожланиши телекоммуникация соҳасини жамият ҳаётининг янги вужудга келаётган тизим сифатидаги роли ошишига сабаб бўлди. Ушбу соҳадаги технологияларнинг доимий ўзгариб бориши, бозордаги рақобат даражасининг юқорилиги, телекоммуникация муносабатларининг мураккаб тузилиши мазкур соҳани комплекс тартибга солиш заруратини асослантиради. Телекоммуникация компаниялари фаолияти корпоратив, шартнома ва меҳнат ҳуқуқи нормалари билан аъъанавий тартибга солиниши билан бирга, турли соҳаларга тааллуқли катта ҳажмдаги норматив

ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирида бўлади. Хусусан, телекоммуникация бозорида шаклланидиган муносабатларни шартли равишда учта йўналишга ажратиш мумкин: 1) инфратузилмаси ва тармоқни яратиш ва эксплуатация қилиш; 2) телекоммуникация хизматларини кўрсатиш; 3) давлат томонидан тартибга солиниши (лицензиялар ва назорат қилиш).

Телекоммуникация инфратузилмасини яратиш ва эксплуатация қилиш шаҳарсозлик ва фуқаролик кодексари ва улар асосида чиқариладиган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан, шунингдек Ер ва уй-жой кодексининг айрим нормалари билан ҳамда алоқа тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Телекоммуникация хизматларини кўрсатишда операторлар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги 512-XII-сон “Алоқа тўғрисида”ги, 1999 йил 20 августдаги 822-I-сон “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, 1997 йил 24 апрелдаги 400-I-сон “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, 1997 йил 26 декабрдаги 541-I-сон “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунларга риоя қилишлари лозим. Зеро ушбу қонунларда ахборот соҳасидаги давлат хавфсизлиги, терроризмга қарши кураш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, ахборотни олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатиш эркинлиги тамойиллари ўз ифодасини топган ва ушбу ҳолатлар операторларнинг телекоммуникация хизматлари соҳасидаги фаолиятида қатъий амал қилишлари талаб этиладиган мезонлар саналади.

Маълумки, телекоммуникация хизматлари бозори эркин тадбиркорлик ва жамият ҳамда давлат манфаатлари тўқнашадиган майдон ҳам ҳисобланади. Бу ҳолат давлат томонидан тартибга солиш заруратини объектив жиҳатдан асослантиради, чунки бу ҳолатда тартибга солишнинг барча шакллари ўзини намоён қилади ва асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Масалан, бундай тартибга солиш лицензиялаш, сертификация, чекланган ва назоратга олинган радиосотаталар ва рақамли ҳажмларга рухсат олиш, тармоқнинг тузилиши ва хизмат кўрсатиш қоидаларини белгилаш, тарифларни тартибга солиш каби масалалар. Жумладан, телекоммуникация тармоқлари қуйидаги қонуности ҳужжатлари тартибга солинади: «Ўзбекистон уяли ҳаракатдаги алоқа тармоқлари операторлари томонидан роуминг хизматини ташкил қилиш ва кўрсатиш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами – № 968, 2000. 13 сентябрь), «Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрсатиш» Қоидалар (рўйхат рақами – № 2140, 2010. 6 сентябрь), «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш» Қоидалари (рўйхат рақами – № 1323, 2004. 15 март), «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш ҳамда тарқатиш хизматларини кўрсатиш тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами – № 1409, 2004. 15 сентябрь), «Маълумотларни узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш» Қоидалари (рўйхат рақами – № 1417, 2004. 5 октябрь), «Алоқа соҳасида ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами – № 1412, 2004. 23 сентябрь), «Жамоат фойдаланиш жойларида интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами – № 1393, 2004. 30 июль), «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш» Қоидалари (рўйхат

¹ “Технологик бетарафлик” деганда, телекоммуникацияларни ҳуқуқий тартибга солишни шундай ташкил этиш тушуниладики, бунда ҳуқуқий тартибга солишда электр алоқани телефон алоқаси тармоғи, маълумотларни узатиш тармоғи, алоқа хизматини кўрсатиш технологиясидан келиб чиқадиган бошқа тармоқларга ажратмаган ҳолда ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш имкониятини исталган шахсларга бир хил шартлар асосида тақдим этиш асосида минимум шартларини белгилаш тушунилади.

рақами – № 1900, 2009. 6 февраль) ва «Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш» Қоидалари (рўйхат рақами – № 2794, 2016. 7 июнь).

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига кўра, телекоммуникациялар - сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электрмагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш ҳисобланса, телекоммуникациялар тармоғи - узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи саналади.

Телекоммуникация тармоқлари белгиланган мақсадга кўра умумий фойдаланишдаги, идоровий ва ажратилган телекоммуникациялар тармоқларига бўлинади.

Телекоммуникация хизматлари кўрсатишнинг ягона принциплари, уларни тақдим этиш ва ҳақ тўлашнинг тартиби асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоғи умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқларига киради. Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телекоммуникация хизматлари кўрсатиш қоидалари телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Мутахассисларнинг фикрича, телекоммуникация соҳасидаги ўзига хос ҳуқуқий режим ушбу соҳанинг комплекс тусдалигидан келиб чиқади. Зеро, телекоммуникация соҳасидаги хизматларни технологик жараёндан ажратиш мумкин бўлмайди. Шу боис телекоммуникация ҳуқуқининг комплекс туси телекоммуникацияларнинг замонавий ахборот ташувчилигидан ҳам келиб чиқади. Бундан ташқари, телекоммуникация соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг комплекслиги ва алоҳида ҳуқуқий режими операторнинг функцияларнинг икки томонламалигини белгилайдики, бунда у дастлаб лицензия, телекоммуникация ресурсларни жойлаштиришга рухсат олиши, шундан сўнг тармоқни яратади ва эксплуатацияга киритади ва ниҳоят тармоқни қўллаб-қувватлайди ва хизмат кўрсатади [2, С.12]. Т.Н.Скорикова ҳам телекоммуникация соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг комплекс тусдалигини эътироф этиб, қуйидагиларни билдиради: телекоммуникация ҳуқуқи предметида технологик тизим сифатида барча телекоммуникация тармоқлари яратилиши, ишлаши ва бошқарилиши билан боғлиқ вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни киритиш мумкин [5, С.97].

О.А.Кузнецова телекоммуникация хизматлари нуқтаи назаридан ушбу соҳанинг комплекслиги тусига урғу беради. Унинг фикрича, “телекоммуникация хизматлари” деганда, телекоммуникация тармоқлари (радио тизим, симли, оптик ва бошқа телекоммуникация тизимлари) бўйича телекоммуникация сигналларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат ҳаракатларнинг ягона технологик комплекс тушунилади [4, С.9].

Фикримизча, телекоммуникация соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш бир вақтнинг ўзида бир қатор ҳуқуқ соҳаларининг элементларини ўзида ифода этади ва улар таркибида маъмурий, фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқи элементлари устуворликка эга бўлади. Агар телекоммуникация фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия ва тегишли рухсатномалар олиш маъмурий ва тадбиркорлик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинса, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш, бу соҳада истеъмолчилар билан ишлаш қоидалари фуқаролик ва тадбиркорлик қонунчилиги томонидан белгиланади.

Телекоммуникация соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда ваколатли давлат органи томонидан ушбу фаолиятни лицензиялаш муҳим ўрин тутди. Ҳозирда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат бошқаруви бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади. Ушбу орган томонидан телекоммуникациялар қуйидаги турларининг, яъни: маҳаллий тармоқлар; шаҳарлараро тармоқлар; халқаро тармоқлар; кўчма радиотелефоналоқа тармоқлари; маълумотлар узатиш тармоқлари; телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқлари лойиҳалаштирилиши, қурилиши, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматлар кўрсатиши лицензияланади.

Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензиялар намунавий (оддий) ёки яқка тартибдаги лицензиялар бўлиши мумкин. Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига телекоммуникациялар соҳасида ягона шартлар ва талаблар асосида фаолиятни амалга оширишга чекланмаган доирадаги юридик шахсларга бериладиган лицензиялар киради. Яқка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Яқка тартибдаги лицензиялар аниқ шароитларга қараб миқдори, муддати, амал қилиш ҳудуди, фаолият объектига кўра чекланади. Бунда яқка тартибдаги лицензияларнинг амал қилиш муддати 5 йилдан кам бўлиши мумкин эмас.

Ушбу соҳа иштирокчиларида телекоммуникация инфратузилмасини расмийлаштириш жараёнларида қийинчиликлар юзага келади. Бунда амалиёт кўрсатишича, лозим даражадаги юридик расмийлаштириш масалаларини ҳал қилиш зарурати нафақат маҳаллий провайдерларда, балки йирик алоқа операторларида ҳам вужудга келади. Масалан, мобиль алоқасининг бир қатор операторлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган сезиларли миқдордаги алоқа минораларига эгалар ва “тест” режимида фаолият юритадир.

Телекоммуникация инфратузилмасини ҳуқуқий тартибга солиш асосида махсус расмийлаштиришни ва ваколатли органдан рўйхатдан ўтишни талаб этадиган йўналишли кабил тизимлари ётади. Ушбу масалалар (дастлаб инфратузилмани ишга тушириш, шундан сўнг расмийлаштириш)нинг ҳал этилмаслиги жиддий муаммоларни ва кўплаб суд жараёнларига олиб келади. Шунингдек, ҳуқуқ эгасининг ускуналари ва тармоқларини турар жойларга ўрнатиш муаммолари ҳам мавжуд. Хусусан, телекоммуникация операторларини шаҳарсозлик объектларидан фойдаланишининг

чекланиши абонентларнинг ўз уйида провайдерларни танлаш имкониятини чеклайди, ахборот-телекоммуникация тармоқларини ноқонуний ўрнатиш ва улардан фойдаланишга олиб келади. Масалан, агар турар жойда яшовчиларнинг телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш учун зарур бўлган инфратузилмалар турар жой қурилиши лойиҳасида назарда тутилган ва улушли қурилиш иштирокчилари томонидан молиялаштирилган бўлса, бундай мол-мулк шу жойда истиқомат қилувчиларнинг умумий улушли мулкни ҳисобланади. Яна бир вазиятда, яъни оператор компанияси ўзининг ускуналари қуриб битказилган уйда ўрнатиш тўғрисида қарор қилган вазиятда бу ҳолат қандай ечилиши билан боғлиқдир. Мазкур ҳолатда уй-жойни бошқарув компанияси ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан шартнома тузиш лозимдир. Бундай келишувлар ноқонуний деб топилгани ёки ҳужжат билан расмийлаштирилмаслиги ҳолатлари юзага келиши мумкин, бунинг оқибатида номаълум шахслар томонидан кабелларни узиш ёки кесиб ташлаш ҳолатлари юзага келади. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар телекоммуникация компанияларнинг инвестиция жозибadorлиги сезиларли таъсир кўрсатади, шунингдек ҳуқуқий ва молиявий таваккалчилик хавфини оширадики, бу ҳолат телекоммуникация соҳаси ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Телекоммуникация хизматлари бозорида амалга оширилаётган бизнесни ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаблиги ва қонунчилик талабларига риоя этмаслик оқибати юзага келадиган номақбул хавфлар ушбу муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга тизимли ёндашувни талаб этади. Бунда бизнесни ҳуқуқий таъминлашга нисбатан методолик ёндашув талаб этилади ва унинг моҳиятида компанияларнинг ички ҳуқуқий хизматлари ва жалб этилган ресурсларга комплекс ёндашув ва йирик лойиҳаларни амалга оширишни мувофиқлаштириш ётади. Компаниялар фаолиятини юридик аудит қилиш бу борада қутилган натижаларни бериши ҳамда телекоммуникация соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш изчиллигини ошириши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Быховский М.А. Круги памяти. Очерки истории развития радиосвязи и вещания в XX столетии. Из серии «История электросвязи и радиотехники», выпуск 1. —М.: Мобильные коммуникации, 2001. —С.24-25.
2. Волков Ю.В. О предмете и методе телекоммуникационного права // Современной право. 2005. —№4. —С.12.
3. История возникновения телефона и мобильной связи [Электронный ресурс]// Режим доступа к статье: <http://kpk-user.ru/articles/1207-istorija-vozniknovenija-telefona-i-mobilnoj.html> (
4. Кузнецова О.А. Гражданско-правовое регулирование договорных отношений в сфере телекоммуникационных услуг: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2017. —С.9.
5. Скорикова Т.Н. Информационное и телекоммуникационное право в современном гражданском обороте // Вестник Томского государственного университета. 2008. —№ 307. —С.97.
6. Степанян А.Ж. Правовое регулирование телекоммуникаций в Европейском Союзе // Законы России: опыт, анализ, практика. 2013. —№2; Данилов Н.А. Цифровое равенство: опыт Австрии и Дании // Информационное право. 2012. —№4. —С.34.

Ш.А.Исмоилов,
ТДЮУ докторанти

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ВА МАХСУС ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада меҳнат ҳуқуқида дифференциация тушунчаси, унинг асослари ва чегаралари, таснифланиши ҳамда махсус ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: дифференциация, махсус ҳуқуқий тартибга солиш, айрим тоифадаги ходимлар, дискриминация.

Аннотация: в данной статье рассмотрены теоретические вопросы понятия дифференциации в трудовом праве, ее оснований и пределов, классификации и специального правового регулирования

Ключевые слова: дифференциация, специальное правовое регулирование, отдельные категории работников, дискриминация.

Annotation: This article reveals the theoretical issues of the concept of differentiation in labor law, its basis and limits, classification and special legal regulation.

Key words: differentiation, special legal regulation, individual categories of workers, discrimination.

Меҳнат ҳуқуқи фани меҳнат муносабатларини тартибга солишда умумийлик ва алоҳидалик муаммоларига, махсус нормаларни белгилаш асослари ва уларнинг асосланганлиги таҳлиliga алоҳида эътибор қаратган. Меҳнат ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида вужудга келиши билан бир пайтда меҳнат муносабатларида бирлик ва дифференциацияланганлик ҳақидаги дастлабки қарашлар шаклланган. Меҳнат шартларининг бирлиги ва дифференциацияланганлиги муаммоси бугунги кунда ҳам меҳнат ҳуқуқи фанида муҳим ўринни эгаллаб, илмий изланишларнинг объекти бўлиб келмоқда. Хусусан, ҳозирда меҳнат ҳуқуқида дифференциацияни ўрганишнинг долзарблиги куйидагилар омилар билан билан белгиланади:

Биринчидан, миллий меҳнат ҳуқуқ назариясида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини белгилашнинг назарий асослари кучсиз ишлаб чиқилган. Хусусан, меҳнат ҳуқуқида дифференциация тушунчаси, унинг асослари ва чегаралари, дифференциациянинг таснифланиши, субъектга оид дифференциация, объектив дифференциация, соҳавий дифференциация, меҳнат ҳуқуқининг услуги сифатида бирлик ва дифференциациянинг намоён бўлиши, айрим тоифадаги ходимлар доираси ва улар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш каби бир қатор муаммоларни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд;

Иккинчидан, меҳнат ҳуқуқи соҳасида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини белгилашга қаратилган нормалар тақчиллиги ва ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд. Бугунги кунда ўттизга яқин айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга эҳтиёж мавжуд бўлишига қарамай, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқали аёллар, ёшлар, ногиронлар, ишни

таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахслар, ўриндошларнинг меҳнати нисбатан батафсил, корхона раҳбарлари, касаба уюшмалари органлари аъзоларининг меҳнати эса нормалар тақчиллиги асосида тартибга солинган. Аксинча, икки ойгача меҳнат шартномаси асосида ишловчилар, мавсумий ходимлар, иш берувчи жисмоний шахсларда ишловчилар, масофавий ходимларнинг меҳнати эса ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Шунингдек, сўнги икки йил ичида мамлакатда олиб борилаётган жадал ислохотлар махсус ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини кун тартибига қўйган. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегияси ҳамда уни 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурларида ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган долзарб ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш назарда тутилган [1]. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги, “Фан тўғрисида”ги, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига давлат органлари ва ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни нормалашни тартибга солувчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутовчи қонун лойиҳаларини, 2018–2020 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилганлиги меҳнат ҳуқуқи соҳасида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Ушбу қонунлар ва дастурларни қабул қилиниши давлат хизматчилари, меҳнат мигрантлари, чет эл фуқаролари, илмий ва педагогик ходимлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаб олишга имкон беради.

Учинчидан, мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ўтган йиллар давомида ХМТ, Жаҳон банки, Европарламент каби халқаро институтлар ва пахтачилик тармоғида болалар ва катталарнинг мажбурий меҳнатини йўқ қилишга қурашувчи Cotton Campaign коалицияси (АҚШ) томонидан мунтазам равишда танқид келиб келинди [2]. Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш аҳоли ҳаёт даражасининг пастлиги, қишлоқ хўжалигида ишларни тўғри ташкил этилмаганлиги, ободонлаштириш ва бошқа мавсумий ишларни ҳашар ўтказиш йўли билан амалга ошириш каби шаклларда олиб борилди. Давлат дастурлари асосида болалар меҳнатини тақиқлаш ва мажбурий меҳнатга барҳам беришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилишига қарамай қутилган натижага эришилмади. Бироқ сўнги икки йил ичида (2017-2018) ижтимоий-меҳнат соҳасида юз берган сўнги ижобий ўзгаришлар болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга кескин нукта қўя олди [3]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 349-сонли

“Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса уни ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлади [4]. Ўз навбатида, мажбурий ўзгаришлар илгари болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат ҳисобидан бажариб келинган ишларни бошқа иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар ҳисобидан тўлдириш заруратини вужудга келтирди. Иқтисодий воситалар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори [5] талабларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаган ҳолда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини кенг жалб этиш имконини беради. Ҳуқуқий воситалар сифатида эса амалдаги инфратузилмани, ободонлаштириш тизими ходимлари сони нормативларини, меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткасини ва уларни моддий рағбатлантиришни қайта кўриб чиқиш, туман ва шаҳарлар йўл-эксплуатация хизмати ва ободонлаштириш хизматлари штатлари сонини кўпайтириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини сифатли ошириш қоридаги қарорларда белгилаб қўйилди. Бироқ республикада қисқа муддатларда катта ҳажмдаги ишлар (қишлоқ хўжалигида)ни бажаришга бўлган эҳтиёж меҳнатдан фойдаланишнинг самарали ҳуқуқий шаклларини ривожлантиришни талаб қилади. Хусусан, болалар меҳнатининг тақиқланиши билан вояга етмаганлар билан меҳнат шартномасини тузишда янги қоридаги ишлаб чиқиш, мажбурий меҳнатнинг тугатилиши муносабати билан икки ойгача ва мавсумий ишлар бўйича меҳнат шартномаларини тузиш тартибларига тегишли ўзгаришлар киритиш, шунингдек ушбу тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқали мустақкамлаб қўйиш шулар жумласидандир.

Тўртинчидан, сўнги йилларда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда дифференциациянинг кенгайиши юз бермоқда. Бу технологияларнинг мураккаблашуви, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ихтисослашувнинг кучайиши, ижтимоий сиёсатнинг инсонпарварлашуви, экологик вазиятнинг мураккаблашуви ва бошқа объектив омиллар билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, замонавий шароитларда меҳнат муносабатларида амал қилувчи хилма-хилликни мутлақ ҳолда умумий тусдаги нормалар билан тартибга солиш имкони мавжуд эмас. Чунки умумий қоидалар универсал, умумхарактерга эга, алоҳида қоидалар эса давлат, жамият ва шахс нуктаи назаридан анча муҳим бўлган у ёки бу соҳада меҳнатнинг турли жиҳатлари, турли шароитларда у ёки бошқа ходимлар тоифалари ҳисобга олинган ҳолда тартибга солишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан айрим тоифадаги ходимлар доирасига кирувчи ҳар бир ходимлар гуруҳининг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини кўрсатиб бериш талаб этилади. Булар гендер белгилар бўйича: аёллар, ёшлар, пенсионерлар меҳнати; соғлиғи ҳолатига кўра: ногиронлиги бўлган шахслар, ҳомиладор аёллар меҳнати; ишнинг характерига кўра: оғир, зарарли, хавфли, ноқулай табиий иқлим шароитларда ишлаётганлар меҳнати; меҳнат алоқасининг хусусиятига кўра: ўриндошлар, касаначилар, корхона

раҳбарлари, масофавий ходимлар меҳнати; соҳавий дифференциация белгиларига кўра: давлат хизматчилари, илмий ва педагог ходимлар, спортчилар, диний хизматчиларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Бешинчидан, бугунги кунга келиб меҳнат соҳасида кўп сонли халқаро стандартлар амал қилади. Жумладан, меҳнат соҳасига ихтисослашган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳозирда 400 та ҳужжати мавжуд. Уларнинг 189 таси конвенция, 205 таси тавсия ва 6 таси протокол шаклида қабул қилинган. Ушбу халқаро стандартларда айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш билан боғлиқ кўплаб муҳим қоидалар ва тавсиялар ўрин олган. Бироқ мамлакатимизда уларнинг лозим даражада ўрганилмаганлиги боис дунё амалиётидаги энг илғор қоидаларни миллий қонунчиликда акс эттириш масаласи очиқ қолмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

- ҳуқуқ назарияси ва меҳнат ҳуқуқи фанидаги мавжуд қарашлар асосида меҳнат ҳуқуқида дифференциация тушунчаси ва унинг чегараларини ишлаб чиқиш;

- меҳнат ҳуқуқининг дифференциациясини ҳам тамойил, ҳам меҳнат ҳуқуқи услубининг характерли жиҳати сифатида ўрганиш;

- меҳнат ҳуқуқида дифференциация усулларини аниқлаш ҳамда уларни меҳнат қонунчилигида акс этишини кўриб чиқиш;

- меҳнат қонунчилигини таҳлил қилиш асосида меҳнат ҳуқуқида дифференциациянинг асосларини, яъни айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишдаги фарқларни ўрнатиш зарурлигини вужудга келтирувчи объектив хусусиятларининг муҳим ва барқарор ҳолатларини кўрсатиб бериш;

- меҳнат ҳуқуқида дифференциациянинг чегараларини белгилаш, ҳуқуқий тартибга солишнинг турли даражаларида махсус нормаларни қабул қилиш имконияти, шунингдек, у ёки бу тоифадаги ходимларга нисбатан махсус нормаларни қўллашнинг асосланганлигини аниқлаш;

- меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини кўрсатиб бериш;

- айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган халқаро стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим.

Меҳнатни тартибга солишнинг хусусиятларини ҳуқуқий таъминлашнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқишда қуйидаги янги назарий қоидалар, тавсиялар ва таклифлар асосий ўринни эгаллаши башорат қилинади:

1. Меҳнат ҳуқуқининг дифференциацияси меҳнат муносабатларини тартибга солувчи дастлабки норматив ҳужжатлар вужудга келиши билан шаклланган соҳанинг барқарор белгисидир. Умумий нормалар ёрдамида самарали ҳуқуқий тартибга солиш имкони бўлмаган тақдирда дифференциация зарур ҳисобланади. Дифференциациянинг чегаралари меҳнат ҳуқуқининг ҳимоя ва ишлаб чиқариш функциялари ҳамда камситишни тақиқлаш тамойили сабабли келиб чиқади. Фарқлар, истиснолар, афзалликлар, шунингдек ходимлар ҳуқуқларидаги чекловлар қонун ҳужжатларидаги мазкур турдаги меҳнатга хос бўлган талаблар ёки юқори ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги

давлатнинг алоҳида ғамхўрлиги ёхуд давлат манфаатларини таъминлаш зарурати билан белгиланади. Шунингдек, бирлик ва дифференциация меҳнат ҳуқуқининг ҳам тамойили, ҳам усули сифатидаги хулосалар қўшимча равишда асослантирилади.

2. Меҳнат ҳуқуқининг дифференциацияси истисно нормалар, тўлдирувчи нормалар ва муқобил нормалар орқали амалга оширилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига “Меҳнатни тартибга солишнинг хусусиятлари – айна масала бўйича умумий қоидаларни қўллашни қисман чекловчи нормалар, айрим тоифалар учун қўшимча ҳуқуқларни назарда тутувчи нормалар, шунингдек меҳнат муносабатлари тарафларига меҳнат қонунчилигининг умумий ва махсус қоидаларидан бирини танлаш имкониятини берувчи нормалардир”. Шу сабабли қонунчиликда истисно қилувчи нормалар, тўлдирувчи нормалар ва муқобил нормаларни аниқ фарқлаш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинди. Айна вақтда битта рўйхатнинг ўзида ҳам истисно қилувчи, ҳам муқобил нормаларни, яъни меҳнат шартномасини муддатли тузишга ҳам имкон берувчи, ҳам мажбурловчи ҳолатларни белгилаш мумкин эмас.

3. Ҳуқуқни қўлловчига меҳнат шартномаси шартларини мустақил белгилаш имконини тақдим этувчи нормалар тадқиқот натижаларига кўра меҳнат қонунчилигида амал қилиши тўғрисидаги масалани тадқиқ этиш бўйича кўрсатиб ўтилган нормаларга, агар ҳуқуқни қўлловчи индивидуал тартибда у ёки бу қоида назарда тутмаган бўлса, меҳнат қонунчилигининг умумий нормалари қўлланилади.

4. Меҳнат ҳуқуқи дифференциациясини тўртта объектив асослар билан чегаралаш таклиф қилинади. Булар: меҳнат фаолиятининг ўзига хослиги, иш бажарилаётган ҳудуд, меҳнат жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хослиги ва ходим фаолиятини иккиёқлама ҳуқуқий тартибга солиш. Мазкур асослар меҳнат муносабатлари субъектларининг шахсий сифатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини анча тўлиқ акс эттиради. Шунингдек, меҳнатнинг соҳавий хусусиятлари ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат алоқасининг хусусияти каби дифференциациянинг асосларга бўлинишининг ишончсизлиги тўғрисидаги хулосалар асослантирилади.

5. Меҳнат ҳуқуқи дифференциациясининг объектив асослари қаторига меҳнат жараёнини алоҳида ташкил этишни киритиш таклиф қилинмоқда. Ушбу асос ўриндошлар, уй хизматчилари, вахта усулида ишловчилар, ишлаш учун бошқа иш берувчиларга юборилган ходимлар меҳнатини махсус нормалар орқали қўшимча ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги билан изоҳланади.

6. Субъектга оид дифференциация нафақат меҳнат муносабатлари субъекти бўлган фуқаронинг шахсий хусусиятлари, балки меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида иш берувчининг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларига бағишланган махсус бобни киритиш асослантирилади.

8. Махсус нормалар рақобати тўғрисидаги қоидаларга таъриф берилади, яъни агар худди шу субъектга нисбатан бир неча махсус нормалар амал

қилса, бунда меҳнат ҳуқуқининг ҳимоя функциясини амалга оширадиган нормалар қўлланилиши лозим.

9. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини махсус ҳуқуқий тартибга солиш фақат қонунлар билан эмас, балки қонуности ҳужжатлар орқали ҳам белгиланиши мумкинлиги асослангандир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида назарда тутилганига нисбатан ходимлар ҳуқуқларини чекловчи махсус нормалар фақат қонунлар билан ўрнатилиши мумкин.

10. Халқаро ва миллий қонунчилик, шунингдек суд амалиёти материаллари таҳлили меҳнат муносабатларида дифференциация ва дискриминациянинг боғлиқ эканлиги ҳақида хулоса қилишга имкон берди. Махсус нормалар ёрдамида ҳуқуқий тартибга солинадиган барча ҳолатлар меҳнат муносабатларида дифференциациянинг акс этиши ҳисобланади. Бу ҳолатда кўрсатиб ўтилган нормалар дискриминациявий хусусиятга эга бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин, шу муносабат билан дискриминация меҳнат муносабатларида салбий дифференциациянинг кўриниши бўлиши ҳам мумкин.

11. Ўзбекистон Республикасининг салбий дифференциация сифатидаги нормалари вақтинчалик ходимлар, пенсионерлар, ўриндошлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш имкониятини ҳуқуқий тартибга солишда белгиланган. Мазкур нормалар меҳнат ҳуқуқининг дифференциацияси чегарасидан четга чиқади ва шу сабабли дискриминациявий тусга эга ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқида дифференциациянинг тутган ўрнини тўғри аниқлаш ҳуқуқни қўлловчи учун махсус ҳуқуқий тартибга солишнинг имкониятларидан унумли фойдаланишга имкон бериб, умумий қоидалардан истисноларни асосиз даражада кенг доирада назарда тутиш ёки асосиз қўллаш каби салбий амалиётга барҳам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018, 06/18/5308/0610-сон.
2. Wal-Mart boycotts Uzbek cotton // https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_429952/lang-en/index.htm Мурожаат қилинган сана 10.09.2018.
3. ILO reports important progress on child labour and forced labour in Uzbek cotton fields// https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/newsroom/news/WCMS_617817/lang-ja/index.htm Мурожаат этилган сана 10.09.2018.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018, 09/18/349/1205-сон.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2017, 09/17/799/0072-сон.

Ш.Хужаев,
докторант (PhD) ТГЮУ

ИНОСТРАННЫЕ БАНКИ КАК СУБЪЕКТЫ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ

Аннотация: в статье рассматриваются правовые основы участия иностранных банков в инвестиционных отношениях. Проанализированы и выделены отличительные особенности норм банковского и инвестиционного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: инвестиция, субъект, банковское законодательство, иностранный банк, филиал.

Аннотация: мақолада инвестициявий муносабатлардаги хорижий банklar иштирокининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси банк ва инвестициявий қонунчилиги нормаларининг фарқли жиҳатлари таҳлил этилган ва белгиланган.

Калит сўзлар: инвестиция, субъект, банк қонунчилиги, хорижий банк, филиал.

Annotation: article considers legal bases of participation of foreign banks in investment relations. Article analyses and marks out distinctive features of standards of the bank and investment law of the Republic of Uzbekistan.

Key words: investment, subject, banking law, foreign banks, branch.

Интеграция Республики Узбекистан в мировое экономическое сообщество, поступательное развитие внешнеторговых и экономических связей страны с другими странами являются одним из приоритетных направлений развития экономики страны. При этом важное значение имеет привлечение иностранных инвестиций в национальную экономику страны. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в качестве приоритетного направления развития и либерализации экономики указывается активное привлечение иностранных инвестиций в отрасли экономики и регионы страны путем улучшения инвестиционного климата [2].

Как известно из теории инвестиционного права субъектами инвестиционных отношений являются физические, юридические лица, а также объединения юридических лиц, создаваемые на основе договора о совместной деятельности и не имеющие статуса юридического лица, участвующие при осуществлении инвестиционной деятельности. При этом банки являются своеобразным субъектом инвестиционных отношений, осуществляя роль финансового посредника.

Рассматривая особенности иностранных банков, можно выделить их взаимосвязь с инвестиционными отношениями:

1. Иностранные банки создаются посредством инвестирования в банковскую деятельность.

Практически все страны СНГ предусматривают в качестве иностранных банков дочерние банки, учрежденные иностранными инвесторами (лишь законы Республики Узбекистан и Украины акцентируют внимание на создание дочерних банков со стороны иностранных банков). В то же время «дочерние» банки являются конкретными формами проникновения иностранного банковского капитала в банковскую систему страны. Тем самым, законодательство стран СНГ прямо связывает создание иностранных банков с ино-

странными инвестициями. Приток иностранного капитала рассматривается в качестве важного фактора развития банковского сектора страны, вследствие чего создаются иностранные банки. Иначе говоря, иностранные банки в других странах создаются посредством иностранных инвестиций.

2. Иностранные банки являются посредниками между инвестором и государством.

Важную роль в активизации инвестиционного процесса в системе финансового посредничества играют банки. Практика развитых зарубежных стран (США, ФРГ, Италия, Испания) показывает, что иностранные инвесторы вносят свои вклады в экономику других стран посредством отечественных банков, которые являются иностранными для инвестируемого государства. Е.А.Бережинская в числе основных задач развития банковского сектора указывает на следующие:

- повышение эффективности осуществляемой банковским сектором деятельности по аккумулированию денежных средств населения и организаций и их трансформации в кредиты и инвестиции;

- повышение конкурентоспособности отечественных кредитных организаций;

- укрепление доверия к российскому банковскому сектору со стороны инвесторов, кредиторов и вкладчиков [4, 15-с].

Как отмечает С.В.Озюменко положительная динамика предоставления долгосрочных кредитов позволяет надеяться на дальнейшую активизацию финансирования инвестиционных проектов. В то же время, как отмечает автор, на данный момент в банковской сфере отмечается недостаток ресурсов для организации долгосрочного кредитования. Спрос на инвестиции существенно превышает возможности внутреннего рынка, и перспективы развития инвестирования проектов зависят не только от возможностей российских банков и от инвестиционной привлекательности самих проектов, но также и от общей инвестиционной атмосферы вокруг страны, определяемой политикой ведущих зарубежных банков, а также международных финансовых организаций [3, 35-с]. Поэтому важной особенностью настоящего этапа развития банковского сектора любого государства является расширение взаимосвязей с иностранными инвесторами, что способствует эффективному развитию национальной экономики, участию иностранных банков в финансировании важнейших стратегических проектов.

3. Иностранные банки являются важным участником инвестиционных соглашений.

В последние годы в текстах инвестиционных соглашений Республики Узбекистан стали указываться нормы об участии банков, в частности иностранных банков при привлечении инвестиций.

Например, в Меморандуме о взаимопонимании между Государственным комитетом Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды, хокимиятом Ферганской области и компанией «Sejin G&E Co., Ltd» (Южная Корея) от 14 мая 2018 года, в частности при формулировке следующих статей были использованы нормы касательно участия иностранных банков в качестве субъектов инвестиционных отношений:

статья 2 (предоставление компанией «Sejin» финансовых средств в виде прямых инвестиций, в том числе посредством участия иностранных банков);

статья 4 (обеспечение компанией «Sejin» привлечения иностранных инвестиций для реализации инве-

стиционного проекта, в том числе финансовых средств от иностранных банков);

статья 5 (рассмотрение деловых и контрактных взаимоотношений с иными организациями, в частности, с иностранными банками в качестве конфиденциальной информации);

статья 6 (порядок осуществления вклада денежных средств в банки, в том числе иностранные банки в соответствии с применимыми законами места заключения акта – *lex loci actus*).

В целом, иностранный банк как субъект инвестиционных отношений обладает следующими признаками:

- во-первых, иностранные банки являются основным «перевозчиком» финансовых средств, так как во многих случаях иностранные инвесторы осуществляют инвестирование через иностранные банки;

- во-вторых, иностранные банки выступают в качестве финансового регулятора при инвестиционных отношениях (предоставление кредитов, осуществление банковских и валютных операций и т.д.);

- в-третьих, в определенных случаях иностранные банки также могут являться субъектом инвестирования (создание дочерних банков на территории другой страны). В этом случае иностранный банк может выступать в качестве результата инвестиционной деятельности.

Исходя из вышеизложенного можно отметить, что иностранные банки играют ключевую роль в привлечении иностранных инвестиций в национальную экономику. С учетом, считаем необходимым, что Законе Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» в новой редакции должны быть предусмотрены правила касательно участия иностранных банков в инвестиционной деятельности, а также в инвестиционном законодательстве Республики Узбекистан иностранные банки целесообразно указать в качестве субъекта инвестиционной деятельности. Следовательно, в законодательстве должны найти свое отражение вопросы повышения роли иностранных банков в привлечении иностранных инвестиций, выработка общих подходов и предложений по совершенствованию правовых банковской деятельности в соответствии с общепринятыми международными нормами и стандартами.

Список литературы

1. Закон Республики Узбекистан от 25 апреля 1996 года № 216-І «О банках и банковской деятельности».

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

3. Озюменко С.В. Правовые проблемы участия иностранных банков в банковской системе России. Вестник Российского университета дружбы народов. Серия Юридические науки. 2007. –№3. –С.34–37.

4. Бережинская Е.А. Правовые основы деятельности иностранных кредитных организаций на территории России Современное право. 2007. –№4. –С.14–18.

А.Ш.Умархонов,

юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг ўринбосари

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ КАФОЛАТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Аннотация: мазкур мақолада жиноят процесси иштирокчилари ҳисобланган жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги баъзи муаммолар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳозирги ҳолати ўрганилиши натижасида бир қанча фикр ва мулоҳазаларга келинган.

Таянч сўзлар: гувоҳ, жабрланувчи, инсон ҳуқуқлари, хавфсизликни таъминлаш, жиноят процесси иштирокчилари.

Аннотация: в данной статье проанализированы некоторые проблемы, связанные с обеспечением гарантии безопасности участников уголовного процесса, потерпевших и свидетелей. Кроме того, представлены мнения и рассуждения по итогам изучения нынешних обстоятельств по обеспечению безопасности лиц, содействующих правосудию.

Ключевые слова: свидетель, потерпевший, права человека, обеспечение безопасности, участники уголовного процесса.

Annotation. This article analyzes some of the problems associated with ensuring the security of participants in the criminal process, victims and witnesses. In addition, opinions and arguments were voiced on the results of the study of the current circumstances to ensure the safety of persons promoting justice.

Keywords: witness, victim, human rights, security, participants in criminal proceedings

Умуминсоний манфаатларнинг олий қадрият сифатида эълон қилиниши ва қонуний тартибга солиниши жиноят-процессуал муносабатлар субъектларини ҳимоя қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишни тақозо этади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва катта ҳажмдаги эмпирик материаллар таҳлили кейинги йилларда одил судловга кўмаклашувчи шахслар, хусусан, гувоҳлар ва жабрланувчилар ҳамда уларнинг яқин қариндошларига ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳоллари кўпайиб бораётганлиги ва келажақда ҳуқуқий жиҳатдан муаммоли вазиятни юзага келтириши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Жамият ҳаётидаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг кескин ўзгарганлиги, жиноятчиликнинг уюшган тусга ва давлатлараро миқёсга эга бўлаётганлиги, жиноий тузилмаларнинг қуролланиш даражаси ортиб бораётганлиги каби бир қатор омиллар жиноятларни тергов қилиш ва очишга тўсқинлик қилишнинг янги ва ниҳоятда хавфли шакллари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг далиллар манбаи бўлган гувоҳлар ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишга ҳамда хавфли, илгари маълум бўлмаган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисага қарши курашишга, унинг олдини олишга маълум даражада тайёргарлик кўрилиши зарурати келиб чиқаётганини аниқлатади.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва бошқа фанлар қоидаларининг илгари маълум бўлмаган муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги ҳамда ушбу муаммоларнинг аввалги назарий тасаввурлар доирасига асло сиғмаслиги нафақат одил судловнинг самарали ишлашини таъминловчи чораларнинг секинлик билан баъзан эса ҳатто бир-бирини инкор этадиган тарзда амалга оширилишига олиб келмоқда, балки фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятдан қониқмаслик ҳиссини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга бағишланган бобда жиноят-процессуал муносабатларнинг субъектлари давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган, бироқ буни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми кўрсатилмаган. Шу боис сўнги йилларда элгон гувоҳлик беришнинг тарқалиши тергов қилишнинг қийинлашувига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида одил судловни амалга ошириш жараёни мураккаблашиб, унинг тартиби бузилмоқда, бу эса унинг самарасизлигига олиб келмоқда. Айни пайтда амалиётда жиноят ишлари бўйича далилларни тўплашда қийинчиликлар туғилапти.

Юқорида келтирилган ва бошқа шу каби муаммолар жиноят процесси иштирокчилари, энг аввало, гувоҳ ва жабрланувчилар хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда жиноят-процессуал муносабатлар субъектларини ҳимоя қилишга қаратилган чоралар комплексини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади жиноят ишларини юритиш жараёнида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир. "Инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади" [1, 5-бет] бу қоида давлатимиз Конституциясида ҳам акс эттирилган [2].

Жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати эълон қилинганидан кейин қонунларда гувоҳ ва жабрланувчилар ҳуқуқларини кенгайтириш тамойиллари кучайиб бормоқда, жумладан, қонунчиликда айбланувчи жабрланувчи билан ўзаро ярашган ва зарарни қоллаган ҳолларда жиноят ишларини тугатиш мумкинлиги тартибга солинди.

Маълумки, жабрланувчида процесснинг натижасига таъсир кўрсатишига йўналтирилган қонуний имкониятлар қанчалик кўп бўлса, жабрланувчига нисбатан ушбу ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, муайян манфаатлар йўлида ишлатишга (ишлатмасликка) мажбур қилиш мақсадида шунчалик кўп таъсир кўрсатилади.

Гувоҳлар ҳам кўпинча ҳаққоний кўрсатувлар берганликлари оқибатида жисмоний, руҳий ва ахлоқий тазйиқларни бошидан кечиршига мажбур бўлади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят процессининг ушбу иштирокчилари иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашганлиги тўғрисида уларни ўғирлаб кетиш, уриш, уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳоллари учраб туради [3].

Процесс иштирокчиларининг айбланувчилар ёки ишдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар кўрсатадиган жиноятдан кейинги ғайриқонуний таъсирдан етарли даражада ҳимояланмаганлиги натижасида гувоҳлик қилишнинг ижтимоий обрўсини янада тушириб юборишига олиб келмоқда.

Шахсга нисбатан жиноят содир этилиши жабрланувчида ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва айбдорни адолатли жазога тортиришга табиий интилиш уйғотади. Таъкидлаш жоизки, иш бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнлари одатда узоқ вақт давом этиб, ҳаммиша ҳам ижобий натижаларга олиб келмайди. Шунга қарамай жабрланувчилар содир этилган жиноят тафсилотларини турли инстанциялар (босқичлар) қайта-қайта такрорлашга мажбур этилади. Шунингдек, жабрланувчилар узоқ муддат давомида жиноят процесси доирасида ҳам, ундан ташқари ҳам жиноий жавобгарликка тортилаётган шахслар, уларнинг яқинлари билан мулоқотда бўлишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, ҳеч ким гувоҳ ёки жабрланувчиларни айбланувчилар (судланувчилар) қариндош-уруғлари ёхуд шерикларидан, уларнинг таъсиридан ажратилиб турилишига кафолат бермайди.

Лекин суд ва тергов органлари томонидан жиноят процессининг вазифаларини самарали ҳал этиш, айниқса, кейинги йилларда мазкур тоифадаги шахсларнинг ўз фуқаролик бурчларини виждонан бажаришларига ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Фуқароларнинг жиноят-процессуал муносабатлар субъектлари сифатида гувоҳлик кўрсатувларини бериши, жиноят процессида фаол иштирок этиши жиноят ишлари бўйича адолатни қарор топтиришга жиддий таъсир кўрсатишини тан олиш лозим. Гувоҳлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноят ҳолатларини, жиноят содир этган шахсларни, уларнинг айблилик даражасини, жиноят мотивларини аниқлашда фаол кўмаклашган ҳолларда жиноят процессидан кўзланган асосий мақсадга, яъни фуқароларни жиноий таъвоздан ҳимоя қилинишини таъминлашга эришилади.

Жиноят процесси давомида жиноятдан кейинги ғайриқонуний таъсир ўтказиш амалиётда шундай таъсирга дучор бўлган шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларига чақирув бўйича келмаслигида ҳамда ёлғон гувоҳлик беришида намоён бўлади. Жабрланувчилар ва гувоҳларнинг ўзлари илгари берган кўрсатувларини инкор этишлари ёхуд мажбуран амалга оширган бошқа ҳаракатлари дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнларининг чўзилиб кетишига ва оқибатда жиноий таъқибнинг асоссиз равишда тугашига сабаб бўлади.

Жиноят процессининг барча соҳаларига кириб бораётган ёлғон гувоҳлик бериш фактлари тергов қилишни жиддий равишда қийинлаштирамоқда. Гувоҳларнинг ўз кўрсатувларини айбдорнинг айбини енгиллаштириш мақсадида ўзгартиришлари эмас, балки айбловнинг юридик ифодасини жиддий равишда ўзгартириб юборадиган ёки умуман жиноий таъқибни истисно қиладиган маълумотлар ва далилларнинг бутун бошли тизими тақдим этилиши жиноят процессига қаршилик кўрсатишнинг ўзига хос белгиларидир.

Бундан ташқари, кейинги йилларда жиноят содир этишда айбдор бўлган, кейинчалик жиноий таъқибни амалга оширадиган органлар билан ҳамкорлик қилиш йўлига кирган ёки кириши мумкин бўлган шахсларнинг ғайриқонуний таъсир қурбонлари бўлиш ҳоллари

кўпайиб бормоқда. Афсуски, амалдаги қонунчиликда уюшган жиноятчилик билан боғлиқ ишлар бўйича кўрсатувлари жиноий таъқибни амалга оширишда ниҳоятда муҳим далилий манба бўлиши мумкин бўлган айбланувчиларни ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатлари ўз ифодасини топмаган. Улар берадиган маълумотлардан фойдаланиш эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноий ташкилотларнинг чуқур махфийлаштирилган тузилмаларига кириш, улардаги алоқаларини топиш, содир этилаётган ғайриқонуний қилмишларнинг бутун механизмини фош этиш имконини берган бўлур эди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай айбланувчи жиноятларни режалаштириш ва амалга оширишга шахсан яқин бўлганлиги сабабли жиноят процессида кўрсатув беришга тайёр бўлган алоқачилари ҳамда раҳбарлари тўғрисида муҳим маълумотлар бера оладиган ягона шахс ҳисобланади. Аммо ҳозирги пайтда ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳаётлари ва келажақдаги тинч турмушлари кафолати қонунчиликда етарли даражада ўз аксини топмаган.

Ғарб мамлакатларида ва АҚШда бундай шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги кучайиб бормоқда. Италия, Франция, Австрия, Германия ва бошқа бир қатор давлатларда эса бу концепция қонунчиликда ўз ифодасини топган ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашда сезиларли натижалар бермоқда [4, 185-189-бетлар].

Хорижий мамлакатларнинг ушбу тажрибаси уюшган жиноятчиликка қарши курашда бизга ҳам жуда асқатиши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисм моддаларида бир қанча рағбатлантирувчи нормалар назарда тутилган. Лекин ушбу нормаларга кўра, шахс тегишли шартларга риоя қилган тақдирдагина жавобгарлик ёки жазодан озод этиш масаласи кўриб чиқилади. Ушбу шартлар ҳар бир қилмишнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Шартларнинг энг асосийларидан бири шундаки, мазкур шахснинг ҳаракатларида бошқа жиноятнинг таркиби бўлмаслиги, ўша қилмишлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлиши керак ва ҳ.к.

Эҳтимол, қонун чиқарувчи органимиз нафақат чет эл тажрибасини, балки 2000 йилда қабул қилинган БМТнинг “Давлатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси”ни ҳам инобатга олиб, ушбу йўналишда зарур чораларни амалга оширсан мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунончи, конвенциянинг 26-моддасида: “Ҳар бир иштирокчи давлат уюшган жиноий гуруҳларда иштирок этган ҳамда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантириш учун тегишли чораларни кўради” (1-қисм); “ҳар бир иштирокчи давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтган айбланувчиларга бериладиган жазони енгиллаштириш ёки уларни жиноий таъқибдан озод қилиш масаласини кўриб чиқади” (2-қисм); “ҳар бир иштирокчи давлат ўз ички қонунчилигининг асосий принципларига мос равишда бундай шахсларни жиноий таъқибдан асраш (иммунитет) масаласини назарда тутати” (3-қисм) дейилган.

Одил судловга кўрсатув бериш орқали кўмаклашаётган шахсларга алоҳида эътибор қарата туриб, жиноятни очишга кўмаклашаётган ҳар бир процесс иштирокчисига унинг қариндошлари орқали ғайриқонуний таъсир кўрсатилиши мумкинлигини

ёддан чиқармаслик керак. Шу сабабли қариндошлари жиноят процессида иштирок этаётганлиги боис эҳтимол тутилган ғайриқонуний тажовузлардан химоя чоралари кўрилишига муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги масала ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

А.Н.Ахпановнинг фикрича, "яқин қариндошлар" тушунчаси туркий халқларнинг тарихий менталитетига мос келмайди, "қариндошлик бурчи" туйғуларини акс эттира олмайди. Шу боис ушбу ҳуқуқни амалда суиистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида қариндошлик муносабатларини тақдим этиладиган ҳужжатлар асосида терговчи ёки суд белгилаши даркор [5, 19-20-бетлар].

Назаримизда, жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш ёки унинг хусусиятини ўзгартиришга мажбур қилиш ёхуд амалга оширилган фаолият учун ўч олиш мақсадида ҳаёти, соғлиғи ва мулкига тажовуз қилиниши мумкин бўлган шахсларни процесс иштирокчисининг яқин қариндошлари деб ҳисоблаш керак.

Дарҳақиқат, процессуал фаолият субъекти ўзига яқин кишилар тақдирига бефарқ қарамастлиги жуда муҳим. Агар бундай қизиқиш мавжуд бўлса, яқин кишиларига жиноятдан кейин ўтказилган ҳар қандай ғайриқонуний таъсирдан самарали химоя мавжуд бўлса, у жиноят процессининг иштирокчиси учун алоҳида аҳамият касб этади ва уни процесс охиригача иштирок этиб, ҳаққоний кўрсатувлар бериб, айбдорларни жазога тортиш ҳамда адолатни қарор топтириш ишига ҳисса қўшишга илҳомлантиради.

Демак, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш учун кўрсатувларнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, қонунда гувоҳлардан ҳаққоний кўрсатувлар олиш учун барча имкониятлар яратилиши лозим. Бунда қонун, биринчидан, соф виждонли гувоҳлар ва жабрланувчиларни тегишлича химоя этиши; иккинчидан, гувоҳлар ёлғон гувоҳлик бериб қўйган, аммо қилмишидан афсусланиб, айбига иқроқ бўлганларида жинойи жавобгарликдан халос бўлишлари учун имкон бериши ҳам керак.

Шундай қилиб, одил судловга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги аниқ хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, амалдаги қонун ҳужжатлари одил судловга кўмаклашувчи шахсларни жиноят содир этилганидан кейин уларга ўтказилиши мумкин бўлган турли ғайриқонуний таъсирлардан муҳофаза қилишнинг мақсадга йўналтирилган тизимини ташкил этмайди;

иккинчидан, қонун чиқарувчи жамиятнинг жинойлашуви ўсиб бораётганлигини ва бу хавфнинг қанчалик жиддий эканлигини ҳали тўлиқ англаб етмаганлиги сабабли шахс манфаатларини муҳофаза этиш устувор вазифа эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унга қаршилик кўрсатишнинг замонга мос самарали жинойи-ҳуқуқий чоралари мажмуини ҳатто концептуал даражада ҳам ишлаб чиққан эмас;

учинчидан, шу кунга қадар тадқиқ этилаётган муаммога оид ҳуқуқий институтларнинг бир-бирини истисно этувчи эмас, балки тўлдирувчи тузилмаси яратилмаган. Бу институтлар жазолаш ва таққлашнинг устунлигига эмас, балки одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқий ва процессуал фаолликларини рағбатлантиришга асосланиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ

фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.5.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [Электрон ресурс]: www.lex.uz.

3. Гулямов, З.Х. Общая характеристика преступлений против правосудия в республике Узбекистан / З.Х. Гулямов // Журнал Российского права. 2002. – №6.

4. Маса Сокол Е.В. Особенности борьбы с организованной преступностью в США // Вестник Краснодарского университета МВД России. – 2015. №1(27). – С. 38–41.; Митц К. Австрийская программа защиты свидетелей // Зарубежный опыт правового регулирования по вопросам защиты участников уголовного судопроизводства и практика его применения. – М., 2000. – С. 249–250.; Лобанов С.В. Борьба с организованной преступностью: зарубежный опыт. – 2010. – №1(14). – С. 185-189.

5. Ахпанов А. Н. Пределы правоограничений личности в уголовном судопроизводстве. – Караганда, 1998. – С. 19–20.

Ш.М.Қурбанов,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
ҳарбий хизматчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД УСТАВ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий жиноятлар тушунчаси ва ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларига оид устав қоидаларини бузиш жинояти жиноят-ҳуқуқий табиатига доир масалалар баён этилган.

Таянч тушунчалар: ҳарбий хизматчи, Қуролли Кучлар, устав қоидалари, жиноят, жазо, ҳарбий хизмат, субординация, жабрланувчи.

Аннотация: в настоящей статье рассмотрены вопросы понятия воинских преступлений, а также уголовно-правовой природы преступного деяния в виде нарушения уставных взаимоотношений между военнослужащими в Вооруженных Силах Республики Узбекистан.

Ключевые слова: военнослужащий, Вооруженные Силы, уставные правила, преступление, наказание, военная служба, субординация, потерпевший.

Annotation: in article reveals issues on concept of military crimes as well as the criminal legal substance of violation of Regulations on Inter-Relations among Military Servicemen of Armed Forces of the Republic of Uzbekistan.

Key words: military Servicemen, Armed Forces, Regulations, crime, punishment, Military Service, subordination, complainant.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва худудий яхлитлигини асраш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни вужудга келтириш – юртимизнинг буюк келажакини барпо этиш йўлидаги муҳим вазифадир. “Миллий истиқлолни ҳимоя қилиш учун Ватанимизни кўз қорачиғидай асраш, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш, бизга ёвуз ният билан кўз олайтириб қарайдиган ғаним ва душманларимизга қақшатқич зарба беришга қодир бўлган қудратли Қуролли Кучларга эга бўлишимиз керак [1, 145-бет].

Ҳозирги жадал ўзгаришлар даврида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада жанговар шайлиқни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш устувор йўналиш ҳисобланади. Бундай шароитларда ҳарбий соҳадаги жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб борилишини таъминлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Зотан, ҳарбий-ҳуқуқий ислохотлар мамлакатда юз бераётган янгилаш жараёнларининг муҳим таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланган саккизинчи бўлимида назарда тутилганига кўра “Ҳарбий жиноятлар – ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур

шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар”дир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 1.1-бандига кўра “Ҳарбий жиноятлар деганда, ҳарбий хизматчилар томонидан, шунингдек ҳарбий йиғинлар вақтида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши содир этилган жиноятлар тушунилади” [2, 38-бет].

Юридик адабиётларда ҳарбий жиноятларга умумий тарзда “ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳамда ҳарбий хизматчи ёхуд захирада бўлган ва ҳарбий йиғинга чақирилган фуқаролар томонидан содир этиладиган ижтимоий хавfli қилмиш” [3] деган таъриф ҳам берилган.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликнинг мазмуни ва чегарасини белгилувчи асосий нормалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг еттинчи бўлимида жамланган. Ушбу бўлим “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” деб аталади. У қуйидаги жиноятлар туркумлари учун жавобгарликни белгилувчи тўрт бобни ўз ичига олади: бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар (21-боб); ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар (22-боб); ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар (23-боб); ҳарбий мансабдорлик жиноятлари (24-боб).

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида ҳарбий жиноятлар – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар” [4, 631-бет] деб қайд этилади. Бошқа юридик адабиётларда “ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига белгиланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилувчи шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” [5, 631-бет] деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси XXI бобида бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар жамланган бўлиб, улар тизимида бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгилувчи норма (ЖК 285-моддаси) алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар сирасига кириб, бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар тизимида алоҳида ва ўзига хос хусусиятларга эга.

Маълумки, бир қанча вақт олдин “Ўзбекистон Республикасида, собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларида бўлгани сингари, ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда маҳаллий аҳолига хос бўлмаган, ҳарбий муҳитга “зона” ҳаётдан ўтган “дедовшина”, казарма безорилиги каби низомларга зид салбий жараёнлар оммалашган” [6, 29 – бет] эди. Бугунги кунда бу каби салбий ҳодисаларга барҳам берилган.

Ҳарбий муносабатларнинг умумий тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички

хизмат низоми ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низоми билан тартибга солинади. Махсус муносабатлар, уларнинг турига қараб кўрсатилган низомлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган) [7, 387 – бет], махсус норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ва буйруқлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ҳарбий хизматнинг асосий негизига – ҳарбий бўлинмаларни бошқариш хавфсизлигига, шунингдек хизмат фаолияти хавфсизлигига ва ўз ҳарбий бурчини адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг шахсий хавфсизлигига тажовуз қилади.

Ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш қуйидагиларда ифодаланади:

– жабрланувчининг шаъни ва кадр-қимматини камситиш,

– ҳарбий хизматга янги чақирилган ёш аскарларни ноқонуний равишда ҳарбий хизматнинг оғир вазифаларига мажбур қилиш;

– ҳақорат қилиш, хўрлаш, азоб бериш, зўрлик ишлатишнинг ҳар хил усулларини қўллаш.

Бундай жиноятларнинг ғайриқонунийлиги шу билан белгиланадики, бу жиноятларнинг барчаси тегишли жиноят-ҳуқуқий тақиқнигина эмас, балки ҳарбий уставларда, бошқа қонунларда ва ўзга норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ҳарбий хизмат қоидаларини ҳам бузади[8, 23 – С].

Шунингдек, ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш деганда хизматдошларини ўзига бўйсундиришни таъминлаш, хизматни ўташ чоғида ўзи учун имтиёзли шароитлар яратиш мақсадида бир ҳарбий хизматчининг бошқасига нисбатан турли хил зўрликлар ишлатиши, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситиши тушунилиши лозим. Ушбу қоидалар хизмат мавқеи ва ҳарбий унвони тенг, шунингдек катта ва кичик, лекин тобелик муносабатларида бўлмаган шахслар ўртасида бузилса, Жиноят кодексининг 285-моддаси бўйича жинойи жавобгарлик вужудга келади [9, 40 – бет].

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидалари, ҳарбий низомларда мустаҳкамланган бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг шахси, уларнинг соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматига путур етказилади.

Жиноятни баҳолашда айбдор томонидан содир этилган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ҳамда шу сабабли юз берган оқибатларнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомига мурожаат қилиш лозим бўлади.

Ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш мазкур муносабатларнинг иштирокчилари бўлган бир ёки бир нечта ҳарбий хизматчиларга бевосита ғайриқонуний таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли жиноят оқибатида ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид уставда белгиланган тартибга ҳам, жабрланувчиларнинг шахсига ҳам зарар етказилади.

Бинобарин, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, аввало, жабрланувчининг шахсига етказилган зарарга боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларига оид устав қоидаларини бузиш жинояти, аввало, ҳарбий хизматни ўташ тартиби, ҳарбий бурчини адо этаётган ҳарбий хизматчилар шахсий хавфсизлигига тажовуз қилиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари обрўси, юксак нуфузига жиддий равишда салбий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё, ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б. 145.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991 – 2006. Т.2. – Тошкент: Адолат, 2006. – Б. 37-38.
3. Нечевин К.Д. Преступления против воинских уставных взаимоотношений: причины и предупреждение: Дисс... канд. юрид. наук. – М.: ВУ, 1996.; Ахметшин Х.М. Преступления против военной службы. – М., 2002.; Ляскало А.Н. Конкуренция уголовно-правовых норм при квалификации преступлений против военной службы: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2009.
4. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 631.
5. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 633.
6. Мирзаев Т.Қ. Ҳарбий хизматчилар содир этадиган жиноятларнинг олдини олишга доир процессуал чоралар: Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. –Б.29.
7. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми // Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 240 – 387.
8. Миненок М.Г. Криминологические и уголовно-правовые проблемы корысти. Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – СПб., 1992. – С. 23.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. Т.2. –Тошкент: Адолат, 2006. –Б. 40-41.

А.Алланова,
ТДЮУ ўқитувчиси

ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг зарурати хусусида мулоҳазалар билдирилган. Бунда чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришнинг қонуний тартиблари, уларни бузиш оқибатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, давлат чегараси, чегарадан ўтиш, давлат чегарасининг дахлсизлиги, чегара хавфсизлиги, давлатнинг чегара хизмати, боғжона.

Аннотация: в данной статье автором рассмотрена общественная опасность незаконного выезда за границу или незаконного въезда в Республику Узбекистан, предусмотренная статьёй 223 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, а также необходимость установления уголовной ответственности за неё, проведён анализ последствий нарушения правил.

Ключевые слова: выезд за границу, въезд в Республику Узбекистан, государственная граница, переход границы, неприкосновенность государственной границы, безопасность границы, государственная служба границы, таможня.

Annotation: this article analyzes the social danger of the crime prescribed in Article 223 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan and the necessity for establishing liability for illegal exit from or illegal entry to the Republic of Uzbekistan. Besides that, the legal order for exit from and entry to the Republic of Uzbekistan and the consequences of breaking this order are also discussed in the paper.

Key words: travel abroad, entry to the Republic of Uzbekistan, state border, cross the border, inviolability of state border, border security, state border service, Customs.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида истиқболли дастурлар орқали туб ислохотлар изчил равишда амалга оширилиб келинмоқда. Маълумки, ҳар қандай мустақил давлатнинг ўзига хос белгиларидан бири унинг ҳудуди ва шунга монанд давлат чегараси ҳамда ундан ўтиш учун тегишли тартибнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси деганда, Ўзбекистоннинг давлат ҳудуди чегарасини (куруқликда, сувда, ер остида ва ҳавода) белгилайдиган чизиқ ва шу чизиқ бўйлаб ўтадиган тик юзалик тушуналади. Чегара давлат мустақиллиги ҳаракатининг маконий ҳудудини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатлар 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни [1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган

шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги қарори билан тартибга солинади [2].

Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтишнинг белгиланган тартиби чет давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик олиб бориш, чегара, боғжона, санитар-карантин, ветеринар ва бошқа назорат турларини амалга ошириш, давлат мустақиллиги ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, чегара келишмовчиликларини тинч йўл билан ҳал қилиш, давлат сарҳадларида, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўрнатилган. Давлат чегарасидан шахс, транспорт воситалари, товар ва ҳайвонларни ўтказиш давлат чегарасининг белгиланган жойларида рухсат этиш орқали амалга оширилади. Рухсат этиш хорижий шахс ва транспорт воситаларининг кириши ёки чиқиш кетиши учун берилган ижозатнинг қонунийлигидан далолат беради. Давлат чегарасидан ўтказиш учун асос шахсга, транспорт воситаси, товар ёки ҳайвонларни олиб кириш ёки олиб ўтиш ҳуқуқини берувчи юридик расмийлаштирилган ҳужжат ҳисобланади.

Давлат чегарасидан ноқонуний ўтиш, яъни тегишли ҳокимиятларнинг рухсатсиз ёки сохта ҳужжатлар билан чегарадан ўтиш ёки белгиланган жойлардан ўтмасдан Ўзбекистон ҳудудига кириш, ўз навбатида, юқорида қайд этилган муносабатларга жиддий таҳдид солади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикасида бундай ҳолатлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилинувчи муносабатлар доирасига киритилган ва бундай қилмишлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори эканлигини, бундай жиноят бевосита давлат чегараларининг дахлсизлигига таҳдид солишини инобатга олсак, уни тадқиқот иши даражасида ўрганиш, жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларни янада такомиллаштириш, бундай жиноятларнинг содир этилишининг олдини олиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш, албатта, долзарб аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, бу жиноятларнинг йилдан йилга ўсиб бораётганлигини инобатга олсак, уларга қарши кураш чора-таadbирларини янада такомиллаштириш лозимлигини англаш қийин эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳам 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида жиноий-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади [3,19-бет].

Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятида унинг мақсад ва мўлжали бўртиб намоён бўлади. А.В.Шербак қайд этганидек, давлатнинг хавфсизлиги – бу, энг аввало, унинг чегара хавфсизлигидир.

Чегара хавфсизлиги деганда, муайян мамлакат давлат чегараси ва чегара олди ҳудудининг, шахс, жамият ва давлат ҳаёт учун муҳим манфаатларининг чегара соҳасидаги потенциал ва реал ташқи ва ички

таҳдидлар мажмуидан ҳимояланганлик ҳолати тушунилади. Ушбу ҳолатга давлат ҳокимияти органларининг имкониятларини, бошқа кучлар ва воситаларни бирлаштириш йўли билан эришилади. Мазкур жараёнда давлатнинг чегара хизмати идораси кучлар ва воситаларни мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди [4, 96-бет].

Чегара хавфсизлиги даражаси давлат барқарорлиги ва жамият соғломлигининг муҳим ва аниқ кўрсаткичи – мамлакатдаги қонунийликнинг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ [5]. В.Ю.Федяков таъбири билан айтганда, суверенитетни ва ҳудудий яхлитликни сақлаш – ҳар қандай давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир [6]. Бу вазифани бажаришда давлат чегараси институти алоҳида ўрин эгаллайди. Жамиятнинг ривожланишида унинг ўрни ва аҳамияти жуда катта ва кўп жиҳатдан турли давлатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий майдонида содир бўлаётган объектив жараёнлар билан белгиланади.

Чегара хавфсизлиги – долзарб муаммо. Уни ечишга, шу жумладан давлат чегараси режимига уни кесиб ўтаётган шахсларнинг барчаси риоя этишларини таъминлаш йўли билан эришилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддасида жиноий жавобгарлик одамлар ва юрлар чегара орқали назоратсиз ўтишининг олдини олиш мақсадида назарда тутилган. Бинобарин, давлат чегарасини кесиб ўтишининг давлат чегара хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро битимлари билан белгиланган тартиби қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг бевосита объекти ҳисобланади.

Кўриб чиқилаётган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси унинг содир этилиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг бутун бир мажмууга зарар етказилиши билан белгиланади. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлиги, энг аввало, у бошқарув фаолиятининг асосларига путур етказишида, Давлат чегарасида ўрнатилган тартибни издан чиқаришида намоён бўлади. Уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг терроризм кўриниши мазкур жиноятнинг энг хавфли оқибатларидан бири ҳисобланади. “Трансмиллий терроризм билан боғлиқ жиноятчилик ўз фаолияти кўламини кенгайтиришга ва уни давлатлар, энг аввало, ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг хавфсизлиги ва иқтисодиётини издан чиқаришга қаратишга қодир; у энг жиддий таҳдидлардан бири ҳисобланади ва ҳукуматлар ўз мамлакатларида барқарорликни, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жамият негизларини, шунингдек иқтисодиётнинг яшовчанлигини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришга эришиш учун унга қарши курашишга мажбур бўладилар” [7, 96-бет].

В.Ю.Федяков қайд этиб ўтганидек, ҳозирги замон халқаро муносабатларида ҳудуднинг аҳамияти жуда ҳам катта, чунки у оддий макон эмас, балки муайян мамлакат фуқаролари яшайдиган муҳит, алоҳида олиб қараганда, ҳар бир давлат, умуман олганда эса бутун инсоният ривожланишининг моддий базаси ҳисобланади [8]. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг ижтимоий хавфлиги шу билан белгиланадики, у Давлат чегарасининг дахлсизлигига, шунингдек чегара хавфсизлигига тажовуз қилади. Чегара хавфсизлиги деганда, муайян мамлакат давлат

чегараси ва чегара олди ҳудудининг, шахс, жамият ва давлат ҳаёт учун муҳим манфаатларининг чегара соҳасидаги потенциал ва реал ташқи ва ички таҳдидлар мажмуидан ҳимояланганлик ҳолати тушунилади. Ушбу ҳолатга давлат ҳокимияти органларининг имкониятларини, бошқа кучлар ва воситаларни бирлаштириш йўли билан эришилади. Мазкур жараёнда давлатнинг чегара хизмати идораси кучлар ва воситаларни мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди [9, 9-бет]. Чегара хавфсизлиги давлат чегараси ва чегара олди ҳудудининг ҳимояланганлик ҳолатини тавсифлайди ва давлатнинг яшовчанлигини, унинг ривожланиш шароитларини таъминлайди. Давлатнинг хавфсизлиги – бу, энг аввало, унинг чегара хавфсизлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларга алоҳида эътибор қаратилган [10].

Сўнги йилларда дунё миқёсида содир бўлаётган жараёнлар Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, миллий манфаатлари ва хавфсизлигини қўриқлашга алоҳида эътиборни қаратишни тақозо этаётир. Чегара ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва хавфсизлигига асосан қуйидагилар таҳдид солиши мумкин:

- диний ақидапарастлик ва сиёсий экстремизм иллатларининг мавжудлиги;
- иқтисодий ва демографик экспансиянинг кенгайиши;
- мамлакат миллий бойликларини талон-торож қилишга интилишнинг кучлилиги, контрабанда фаолиятининг қизғинлашуви;
- капитал ҳамда стратегик муҳим хом ашё ресурслари ва товарларнинг четга олиб чиқиш кетилиши;
- этник можаролар ва мажбурий миграция жараёнлари таъсирида вазиятнинг беқарорлашуви;
- трансчегаравий уюшган жиноятчилик ва терроризм;
- давлат чегараси яқинидаги минтақавий қуролли можаролар;
- Ўзбекистон Республикасига қўшни минтақаларда қурол-аслаҳа ва қуролли кураш олиб боришнинг бошқа воситалари тўпланиши ва тарқатилиши.

Шунинг учун ҳам қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг олдини олишда унга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда, бизнингча, бундай вазиятда қуйидаги махсус чораларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини самарали ҳимоя қилишга кўмаклашувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида тезкор ва моддий-техника ресурсларини кўпайтириш;
- 3) диний ақидапарастлик ва сиёсий экстремизм тарафдорларини, террорчиларни, Ўзбекистон Республикасининг чегара олди аҳоли яшайдиган пунктларида Давлат чегарасини қонунга хилоф

равишда кесиб ўтишга ёрдам берувчи ғайриқонуний қуролли тузилмаларнинг ташкилотчилари ва иштирокчиларини фош қилишнинг замонавий усулларини амалга жорий этиш;

4) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида, қўшинларда, божхона ва чегара хизматларида коррупцияга қарши курашни янада кучайтириш;

5) ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар, божхона ва чегара хизматлари ходимларининг молиявий таъминотини яхшилаш;

6) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан аҳолининг ишончи ва ҳурматини ошириш, қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ҳолларининг олдини олишда тегишли органлар билан аҳолининг ҳамкорлигини кучайтириш, фуқароларни бу турдаги фаолиятга моддий ва маънавий стимуллар тизими орқали рағбатлантириш;

7) давлатнинг куч ишлатиш салоҳиятига эга бўлган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, уларнинг республика ва минтақавий тузилмалари ва бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни янада яхшилашга, жойларда мазкур ишга муниципал тузилмаларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар яқиндан ёрдам кўрсатишларини йўлга қўйиш;

8) давлат чегарасини қонунга ҳилоф равишда кесиб ўтишларга қарши кураш борасида қўшни давлатлар билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Шундай қилиб, қонунга ҳилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик жиноят учун жавобгарликнинг бир тури ҳисобланади ва бошқа ҳуқуқий воситалар билан жамулжам ҳолда давлатнинг чегарасида унинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кишилар фаолиятини тартибга солишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги 820-И-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 9. 217-модда

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 19.

4. Щербаков А.С. Пограничная безопасность России: роль и место Федеральной пограничной службы в системе ее обеспечения. // Пограничная политика Российской Федерации. – М., 1998. – С. 96.

5. Зверев Н.К. Соблюдение законности в сфере обеспечения пограничной безопасности Российской Федерации. – М., 2004. – С.3. // Государственная граница, организованная преступность, закон и безопасность России. – М.: Российская криминологическая ассоциация, 2005. – С. 347.

6. Федяков В.Ю. Правовые основы охраны Государственной границы Российской Федерации в

воздушном пространстве: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 3.

7. Салимов К.Н. Современные проблемы терроризма. – М., 1990. – С. 96.

8. Федяков В.Ю. Правовые основы охраны Государственной границы Российской Федерации в воздушном пространстве: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 13.

9. Щербаков А.С. Пограничная безопасность России: роль и место Федеральной пограничной службы в системе ее обеспечения. –М., 1998. –С.9.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. №6. 70-модда.

М.М.Инагамова,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академиясининг Олий ўқув юртидан кейинги таълим
факультети мустақил изланувчиси.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА “ОИЛА – МАҲАЛЛА – ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ” БИЛАН ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ

Аннотация: мақолада ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, мазкур тизимни янада такомиллаштириш мақсадида янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижроси, шунингдек аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар билан олиб борилаётган тизимли ишлар натижалари ёритилган.

Таянч иборалар: ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш, аёл, вояга етмаганлар, ёшлар, миллий ва диний қадриятлар, дин, оила, бола тарбияси, ҳуқуқ, таълим, тарбия.

Аннотация: в статье отражены результаты реформ в системе Органов внутренних дел, принятые в целях совершенствования данной системы нормативно-правовых документов и их исполнения, а также проводимой систематической работы с женщинами, несовершеннолетними и молодежью.

Ключевые слова: органы внутренних дел, профилактика правонарушений, борьба с преступностью, женщина, несовершеннолетние, молодежь, национальные и религиозные обычаи, религия, семья, воспитание детей, право, образование, воспитания.

Annotation: the article deals with the results of reforms in system of organs of internal affairs, that with the purpose for the improvement of given system of normative legal documents and its implementation were accepted, as well as carrying out of systematic work with women, non-adults and youth.

Key words: internal affairs bodies, prevention of crime, woman, minors, youth, national and religious customs, religion, family, children upbringing, law, education, upbringing.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар фуқаролик жамиятини барпо этиш, дунё ҳамжамияти билан уйғун ривожланиш тамойиллари ички ишлар органлари фаолиятида ҳам туб ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуслари асосида фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича бир қатор янги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, жойларда уларнинг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (14 май 2014), “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги (11 сентябрь 2017), “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги (16 сентябрь 2016) Қонунлари ва “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2883 (12 апрель 2017), “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 2833 (14 март 2017) қарорлари қабул қилиниши натижасида 2017 йилда умумий жиноятларнинг таҳлили 2016 йилга нисбатан 14 фоизга, булардан, ёшлар жиноятчилигини 11,5 фоизга, жиноят содир этган мактаб ўқувчилари 5,2 фоизга, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари 18,6 фоизга, олий ўқув юртлири талабалари сони 8,6 фоизга, ўқимасдан, ишلامасдан юрган уюшмаган ёшлар сони 24,6 фоизга камайишига эришилди[1].

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш борасида ишлар ҳамда уларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек ҳўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган бўлса, аёллар ва вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Кўҳна Шарқда эса оилавий муносабатларга, болалар тарбияси ҳамда инсонларнинг бир-бирлари билан меҳр-оқибат ва ўзаро ҳўрматда яшаш анъаналари минг йиллар давомида ўзининг ижобий натижаларини бериб келганлиги маълум. Аммо техника ҳадал таракқий этган бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлод онгига миллий ва маданий қадриятларимизни сингдириш, четдан кириб келаётган турли ахборот таъсирлари остида янада долзарблик касб этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнги пайтларда ёшлар онгига турли ғаразли кучлар томонидан «оммавий маданият» ниқоби остида хатарли ғояларни сингдиришга урунишлар кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилнинг 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 444-сон Қонуни [2] қабул қилинганлиги мамлакатимизда ушбу муаммага жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Мамлакатимизда аёллар ва ёшлар ҳуқуқлари ҳамда оила манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий, жисмоний баркамол ҳамда комил инсонни вояга етказиш умуммиллий ва умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли бу йўналишда олдимизда турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Аёллар, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳўрмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик “оммавий маданият”нинг салбий ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида, 2017 йил 10 апрелда “Ички ишлар

органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 5005-сон Фармон [3] қабул қилинди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилиб, уларнинг томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш асосий вазифа сифатида белгилаб берилди.

Ички ишлар органларида ўтказилган ижобий ислохотлар натижасида аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, маҳаллалардаги “Яраштириш комиссия”ларига ички ишлар органлари томонидан оилавий низолар, кўни-қўшнилар ўртасидаги жанжаллар, бола тарбияси билан шуғулланмаётган ота-оналар ва бошқа оила-турмуш доирасидаги масалалар юзасидан 30 мингдан ортиқ ҳужжатлар юборилиб, ушбу муаммоли ҳолатлар жамоатчилик ташкилотлари иштирокида муҳокама қилиниши натижасида 16 мингдан ортиқ оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди, 8 мингдан ортиқ оилаларнинг ажралиб кетишининг олди олинди [4].

Бироқ вояга етмаганлар томонидан содир этилган умумий жиноятлар республика миқёсида камайишига эришилганлигига қарамадан айрим вилоятларда, жумладан, Бухоро вилоятида 4,3 фоизга, яъни республика миқёсида жиноят содир этган вояга етмаганларнинг жами 83 фоизини академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Бухоро вилоятида 37,5 фоизга ошганлиги, мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар таълим-тарбияси билан янада жиддийроқ ва кўпроқ шуғулланиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, республика бўйича жиноят содир этган вояга етмаганлар ва ёшларнинг учдан икки қисми 69,7 фоизи, етти минтақа (Тошкент шаҳар, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё вилоятлари) ташкил этмоқда.

Бугунги кунда қаровсиз, назоратсиз юрган вояга етмаганлар асосан ички ишлар органларининг ташаббуси билан аниқланмоқда.

Таълим муассасаларида, маҳаллаларда бу каби салбий ҳолатлар яширилиши натижасида тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар тўғрисида ички ишлар органларига ўз вақтида расмий хабар берилмаяпти.

Вояга етмаганлар, айниқса, ўқувчилар томонидан содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг кескин камайишига эришилмаётганлиги, жойларда мазкур жиноятчилик тўлиқ таҳлил қилинмаётганлигини, жиноятга олиб келган сабаб ва шароитлар ўрганилмаётганлигидан далолат бермоқда.

Ички ишлар органлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида таълим муассасаларида ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашишлари давомати таҳлилига кўра, республика бўйича ўртача 3 минг нафар мактаб ва 7 минг нафар коллеж ўқувчиларининг дарсларга сабабсиз қатнашмаётганлиги аниқланган.

Афсуски, тегишли давлат ва жамоат идорлари томонидан ўқувчиларнинг дарсларга қатнашмаслик сабаблари тўлиқ ўрганилиб, бартараф этишга қаратилган чоралар кўрилмаётганлиги сабабли бу кўрсаткич юқориликча қолмоқда.

Фикримизча, мазкур камчиликларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, ички ишлар органлари, ёшлар иттифоқи туман бўлимлари ҳамда бошқа тегишли жамоатчилик ташкилотлари иштирокида маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ёшларни бандлигини мониторинг қилиш бўйича алоҳида ишчи гуруҳлари тузиш, гуруҳлар томонидан ишсиз ёшлар тўғрисида кунлик янгиланиб бориладиган маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг иш билан таъминланмаганлиги сабабларини ўрганиш ҳамда иш билан таъминлаш юзасидан зарурий чора-тадбирлар белгилаш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

иккинчидан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, солиқ идоралари ҳамда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида маҳаллаларда оилавий бизнес ёки бошқа иш фаолияти билан машғул бўлган, хусусан, фермерлик, ҳунармандлик, тикувчилик ва бошқа фаолият билан банд аёл ва қизларни аниқлаш, уларга меҳнат дафтарчаси юритилиши бўйича ишларни ташкил этиш.

учинчидан, олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ота-оналарга умумий ўрта, ўрта махсус таълимнинг мажбурийлиги қонун билан кўриқланиши, унга амал қилмаган ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириш;

тўртинчидан, маҳаллалардаги “Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар”, таълим муассасаларидаги “Оила – маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги” жамоатчилик кенгашларининг фаолиятини қайта кўриб чиқиб, улар фаолиятини яхшилашга қаратилган манзилли – амалий методик ёрдамлар кўрсатиш, ёшлар билан ишлашдаги масъулиятини ошириш, улар томонидан маҳаллалардаги ҳар бир оилани, у ерда тарбияланаётган вояга етмаганлар ва ёшларни турмуш тарзини ўрганиш;

бешинчидан, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳар бир жиноятни тўлиқ таҳлил этиш, жиноят содир этган вояга етмаганларнинг хонадонига бориб турмуш шароитларини ўрганиш, жиноятнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, жиноят содир этган вояга етмаганларга “Нуроний” жамғармасидан масъулларни бириктириш;

олтинчидан, вояга етмаганлар ва ёшлар иштирокида содир этилаётган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар юзасидан суриштирув ишлари давомида ёшлар масаласига масъул бўлган барча идоралар фаолиятига ҳолисона баҳо бериш, камчиликларга йўл қўйган мутасадди идора ва ташкилотлар вакилларини туман (шаҳар) хокимлари ҳузуридаги йиғилишларда муҳокама қилиб борилишини таъминлаш;

еттинчидан, аёллар, вояга етмаганлар ва ёшларни иш излаб бошқа чет эл давлатларига чиқиб кетишларининг олдини олиш мақсадида узоқ муддатга

чет эл давлатларига иш излаб чиқиб кетган фуқароларимизнинг инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган шароитларда, шунингдек турли салбий таъсирлар чангалига тушиб қолаётганлигини таъсирчан мисоллар, видеофильмлар орқали тушунтириш ишларини олиб бориш;

саккизинчи, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда, аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий – фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чоратadbирларнинг самарадорлигини ошириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактика бош бошқармаси Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўлимнинг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботи.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. № 37. – 976-м.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами –Т., 2017. № 15. – 243-м., №37. – 982-м.

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактика бош бошқармаси Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўлимнинг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботи.

О.Пирматов,

Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРГА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТАЙИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақола электрон далилларга нисбатан суд экспертизаси тайинлашнинг процессуал жиҳатлари, судгача электрон далилларни таъминлаш, электрон далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза ҳамда электрон далилларга нисбатан суд-техник экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги суд ажримининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: электрон далиллар, суд экспертизаси, электрон почта, электрон ёзишмалар, ижтимоий тармоқлар.

Аннотация: в данной статье освещены процессуальные аспекты назначения судебной экспертизы в отношении электронных доказательств, обеспечения до суда электронных доказательств, а также особенности заявления об обеспечении электронных доказательств и определения суда о назначении судебно-технической экспертизы в отношении электронных доказательств.

Ключевые слова: электронные доказательства, судебная экспертиза, электронная почта, электронная корреспонденция, социальная сеть.

Annotation: in this article the procedural aspects of the appointment of forensic examination, the provision of electronic evidence before initiate case, as well as the specific features of the application for the provision of electronic evidence and the court's decision to appoint a forensic expert examination of electronic evidence were covered.

Key words: electronic evidence, judicial examination, e-mail, electronic correspondence, social network.

Электрон далилларнинг ўзига хос мураккаб хусусияти, яъни илмий техник билим талаб қилиши ҳамда суд томонидан баҳолаш ҳамда текширишда алоҳида билим талаб қилиши туфайли фуқаролик ишлар бўйича судлар ҳамда иқтисодий судлар томонидан электрон далилларга экспертиза тайинланиши мумкин. Юридик луғатларда “экспертиза” тушунчасининг луғавий маъноси берилган бўлиб, унга кўра, экспертиза (лот.-*gasponsa*, *gasponsio* жавоб сўзидан; инглизча *expert*, *examination*, *expertise*; фр. *expertise*) – мутахассис ёки мутахассислар гуруҳи томонидан у ёки у соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш (тиббий экспертиза, суд экспертизаси, санъат экспертизаси, бухгалтерия экспертизаси, экологик экспертиза ва бошқалар) экспертизанинг амалий ёки ҳужжат тарзидаги натижаси экспертнинг ёки экспертлар гуруҳининг хулосаси ҳисобланди [1, 545-546 бетлар]. Ҳуқуқшунос олим С.Отахўжаев суд экспертизаси икки хил хусусиятга эга, яъни у бир томондан илмий (техник ёки бошқа турдаги) тадқиқот, иккинчи томондан эса далилий фактларни аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракат. Суд экспертизасининг процессуал принциплари барча турдаги процессларда амал қилиб, уларга қонунийлик, эксперт тадқиқотининг холислиги, тўлиқлиги, экспертнинг ўз касбига лойиқлиги, процессуал мустақиллик, ўз хулосаларига шахсан

жавобгарлиги, ташаббускорлиги ва бошқалардир [2, 30-31 бетлар] деб айтиб ўтган. Ҳуқуқшунос олим С.Отаҳўжаевнинг фикрига қўшилган ҳолда экспертиза ҳақиқатан ҳам илмий тадқиқотдир. Зеро, судья суд мажлисида махсус билимлар билан аниқлайдиган билимларини экспертиза тайинлаш орқали аниқлайди.

Ш.Шорахметов экспертизани билимдон ёки ҳунарманд шахслар ёрдамида далилларни текшириш усули сифатида эътироф этади [3, 151-бет].

М.Митрофанованинг фикрича, электрон далилларнинг экспертизаси тушунчаси нафақат иқтисодий суд ишларини юритишда, балки барча процессуал фанлар учун янги тушунчадир.

Электрон далиллар – мураккаб объект, суд уларни текширишда мураккабликларга дуч келади. Чунки компьютерда электрон ҳужжатларга сезиларли ўзгартиришлар киритиш мумкин: унинг манзилини ўзгартириш, реқвизитларни алмаштириб қўйиш, йўқ қилиш ва бошқалар. Одатда, электрон далиллар бўйича экспертизалар тарафларнинг илтимосига асосан амалга оширилади, бу эса илтимосномани кўриб чиқиш, экспертиза тайинлаш, экспертга материалларни юбориш, эксперт хулосаларини ўрганиш билан процессни мураккаблаштиради [4, 135-бет].

Ҳуқуқшунос олим А.Давтян экспертизанинг асосий белгилари сифатида предмет, объект, субъектни кўрсатади [5, 19-бет]. Электрон далилларга экспертиза тайинлашда экспертизанинг объекти бўлиб, электрон далиллар хизмат қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича экспертизанинг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу жараён фуқаролик процесси бир неча субъектлар фаолияти умумлашмасидан шаклланади. Хусусан, экспертиза тайинлаш судья ваколатига тааллуқли бўлса, экспертиза текширувини ўтказиш ва хулоса бериш эксперт зиммасига юклатилган, унинг хулосасини баҳолаб, ундан фойдаланиш масаласини ҳал этиш эса яна суд иштиригига топширилган.

Бунда суднинг ҳаракатлари қуйидагиларда намоён бўлади: экспертиза муассасини ва хулоса бериши лозим бўлган экспертни аниқлаш ва жалб қилиш; эксперт амалга ошириши ва аниқлаши керак бўлган ҳолатларни белгилаб бериш; ўтказилаётган экспертизанинг қонунийлигини назорат қилиш; экспертиза хулосасини олиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва далилий аҳамиятини аниқлаш. Хулоса қилиб айтганда, экспертиза фақатгина суд талабига биноан махсус субъект бўлган эксперт томонидан амалга ошириладиган ва юридик фактни шакллантиришга қаратилган ҳаракат ҳисобланади [13, 71-бет]. Экспертиза нафақат фуқаролик процессида юритишда бир неча субъектлар фаолияти умумлашмасидан шаклланади, балки барча процессуал фанларда ҳам бир неча субъектлар фаолияти умумлашмасидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг

95-моддасига асосан иш муҳокамаси чоғида келиб чиққан, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига ёки ўз ташаббусига кўра экспертиза тайинлаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 80 моддасида ҳам шундай тартиб белгилаб берилган. Электрон далиллар бўйича экспертиза ўтказиш юқоридаги кўрсатилган моддалар талаби асосида

амалга оширилади. Шу жумладан, электрон далиллар яъни, видео, аудио – ёзувлар, СМС, интернет саҳифалари, электрон ҳужжатларга тарафлар томонидан шубҳа билан қараб, уларга суд-техник экспертизасини, видео ва аудио ёзувлар бўйича суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан суд-фонографик экспертизаси тайинланиши мумкин.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажрими асослантилган бўлиши, хусусан, унда экспертиза тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар, тарафнинг айнан қайси важи ёки ишнинг айнан қайси ҳолати текширилиши ва ушбу ҳолатни текшириш учун қайси соҳадаги мутахассис фикри талаб қилиниши аниқ ва батафсил қайд этилмоғи лозим. Экспертиза тайинланганда суд томонидан экспертга қуйидагилар тақдим қилиниши керак:

- тегишли экспертизани тайинлаш ҳақида ажрим;

- эксперт текшируви объекти бўлган предметлар ва ҳужжатлар, зарур ҳолларда эса таққослаш текширувини ўтказиш учун намуналар ҳамда ўзида экспертиза предметига тааллуқли маълумотларни мужассамлаштирган бошқа ҳужжатлар (кўздан кечириш, сўроқ қилиш ва бошқа процессуал ҳаракат баённомалари, маълумотномалар, кўчирмалар, фотосуратлар ва бошқалар).

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажримида иш тўғрисида маълумотлар, экспертиза тайинлаш асослари, эксперт олдида қўйилган саволлар, тақдим этилган объектлар ва материаллар, зарур ҳолларда эса эксперт текшируви объекти билан муомала қилишнинг алоҳида шартлари кўрсатилиши керак [7].

Электрон далиллар бўйича суд-техник экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажримида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;

2) экспертиза тайинлаган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби;

3) ишда иштирок этувчи шахслар;

4) экспертиза тайинланган иш тўғрисида маълумотлар;

5) экспертиза тайинлаш асослари;

6) экспертиза ўтказиш юклатилган муассасанинг номи;

7) эксперт олдида қўйилган саволлар;

8) тақдим этилган электрон далиллар ва улар нимада сақланаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар (компьютер, диск, флешка, видео кассета ва бошқалар), зарур ҳолларда эса эксперт текшируви объекти билан муомала қилишнинг алоҳида шартлари.

9) экспертга била туриб ёлғон хулоса берганлик, узрсиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этганлик ва бу ишдан бўйин товлаганлик учун эксперт Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддалари билан жиноий жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантириши лозим.

Эксперт суд-техник экспертиза бўйича ўз хулосасини ёзма шаклда беради. Эксперт хулосаси уч қисмдан иборат бўлиб: кириш, тадқиқот (текширувчи) қисм, хулосадан иборат бўлади.

Эксперт хулосасининг қуйидаги турлари мавжуд:

– қатъий (ижобий ёки салбий);

– тахминий;

– мазкур вазиятдаги саволларга жавоб бериш мумкин эмас;

– шартли;

Экспертнинг тахминий хулосаси суднинг ҳал қилув қарори қабул қилишга асос бўлмаслиги лозим [8].

Одатда суд-техник экспертиза қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- алоқа;
- электроника;
- автоматлаштириш;
- ахборот жараёнлари;
- компьютер технологиялари;
- дастурлаш;
- радиотехника;
- 3D, квант ва бошқалар.

Бизнинг назаримизда, электрон далилларни экспертизадан ўтказишда унинг иккита асосий хусусиятига эътибор қаратган ҳолда текшириш лозим.

Биринчидан, хусусияти технология ва унинг компонентлари. Ахборот техникасининг дизайни, унинг ички тузилишининг ҳолати, магнит сақловчи ва бошқа қурилмалари аниқроқ қилиб айтганда электрон далилнинг ташқи ҳолатини текшириш;

Иккинчидан, техниканинг дастурий таъминоти ва маълумотлари. Дастурий маҳсулотларнинг ишлаш тартиби, мазмуни, алгоритм вазифаларини текшириш;

Учинчидан, техниканинг тармоққа уланганлиги текшириш (интернет, локал), яъни техника ва интернетнинг ўзаро алоқасини текшириш.

Бугунги кунда электрон далилларнинг асосий қисми компьютерлар ёрдамида яратилади, қайта ишланади, йўқ қилинади. Интернет саҳифалари, ижтимоий тармоқ хабарлари, электрон почта, электрон ҳужжатлар ва бошқаларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Экспертлар компьютер техникасини экспертизадан ўтказишда унинг тўртта асосий кўринишини қайд этиб ўтишади:

- дастурий таъминот компютери;
- компьютер-аппарати;
- компьютер-ахбороти;
- компьютер-тармоғи;

Компьютер дастурий таъминотини экспертизадан ўтказишда компьютернинг айнан ўзи эмас, балки унинг дастурлари текширилади.

Таҳлил объектлари: ўрнатилган тизимнинг хизмат маълумотлари; презентациялар таҳрири; график, матн муҳаррирлари; электрон жадваллар; коммунал хизматлар; операцион тизимлар; иқтисодиёт, технология, фан соҳасидаги махсус вазифаларни ҳал қилиш учун аризалар; дастурларни ривожлантириш учун маблағлар; маълумотлар базаларини бошқариш кабилар ташкил этади [9].

Электрон далилларнинг дастурий таъминоти текширишда электрон далилларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб, эксперт қуйидаги саволларга жавоб олиш учун ёрдам беради: дастурий таъминотнинг компонентлари; рухсатсиз киришдан ҳимоя мавжудлиги; функционал вазифани амалга ошириш; дастурий маҳсулотнинг умумий алгоритми; қалбакилаштириш белгилари мавжудлиги; дастурларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган асбоблар: аппарат қурилмасига қўйилган дастурий талаблар; ахборот воситаларида дастлабки матнларнинг мавжудлиги; дастурнинг тури, номи, версияси.

Компьютер дастурий таъминотини экспертизадан ўтказиш асосан муаллифлик ҳуқуқи, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати билан

боғлиқ ишларда дастурий таъминотни суд-техник экспертизасидан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, экспертлар томонидан нафақат компьютернинг дастурий таъминоти, балки техниканинг ўзига экспертиза тайинланиши мумкин. Эксперт томонидан текшириладиган текширув объектлари, яъни техниканинг моддий қисми қуйидагилардан иборат:

- компьютерлар;
- аппарат блоклари;
- пейджерлар;
- микросхемалар;
- магнит дисклар;
- ишчи станциялари;
- микросхема хотираси;
- уяли телефонлар;
- флеш-карталар;
- периферик қурилмалар;
- магнит-оптик дисклар ва бошқалар.

Компьютер техникаси устида экспертиза ўтказилганда қуйидаги техник саволларга жавоб берилиши лозим:

- компьютер воситаларининг тузилиши;
- техник стандартлардан четга чиққанлиги;
- дастурнинг хронологик навбати;
- нуқсонлар мавжудлиги;
- техник хусусиятлари;
- модели;
- компьютер тизимидаги роли ва бошқалар ёритилади.

Компьютер умуман олганда, техникага нисбат суд-техник экспертизаси тайинлаш асосан компьютер технологиялари билан боғлиқ бўлган олди-сотди, хизмат кўрсатиш, ижара шартнома ва бошқа фуқаролик шартномалардан келиб чиқадиган иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида тайинланиши мумкин. Низоли иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида нуқсонли техника суд-техник экспертизасидан ўтказилади.

Шунингдек, компьютерлар тармоғи, яъни интернет ҳам электрон далиллар сифатида уларга нисбатан суд томонидан экспертиза тайинланиши мумкин. Тармоқ воситалари устида эксперт хулосалари олинади. Компьютер тармоқлари, яъни интернетни экспертизадан ўтказиш объектлари қуйидагилардан иборат:

- интернетга уланган компьютер;
- провайдер хизматлари;
- электрон почта;
- видеоконференция;
- www хизмати;
- электрон эълонлар ва бошқалар [10].

Интернет тармоғи суд-техник экспертиздан ўтказилаётганда қуйидаги техник масалалар эксперт томонидан ўрганилиб чиқилади, яъни тармоқларни экспертизадан ўтказиш интернет провайдерлари ҳамда истеъмолчилар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий ва фуқаролик суд ишларидаги низоларни ҳал қилишда аҳамият касб этади. Интернет провайдерлари хизматларидан норози бўлган тараф провайдер хизматларини, ўз навбатида, интернет провайдери истеъмолчининг интернетга уланган компьютерни суд-техник экспертизасидан ўтказишни сўраши мумкин. Шунингдек, домен номлари, электрон эълонлар билан боғлиқ фуқаролик ва иқтисодий суд ишларида ҳам суд-техник экспертизаси тайинланиши мумкин.

Интернет, яъни тармоқларни экспертизадан ўтказишда қуйидаги вазифлар ҳал қилиниши лозим: техник воситанинг вақти ва жойининг аҳамияти, глобал тармоққа уланганлиги, жўнатилаган ҳамда қабул қилинган хабарлар ва унинг хусусиятлари, унинг бошланғич ҳолати, мустаҳкамлиги, дастурнинг дастлабки ҳолатига ўзгартириш киритилганлиги ва бошқа маълумотлар аниқланиши лозим.

Компьютер ахбороти фуқаролик ва иқтисодий суд ишларида тижорат сири, давлат сири ёки низонинг объекти сифатида аҳамиятлидир. Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларида компьютер ахбороти далил сифатида тақдим этилганда тарафлар томонидан суд-техник экспертизаси тайинланиши мумкин. Компьютер ахбороти бўлиб, матнлар, график чизмалар, электрон жадваллар, маълумотлар базаси, презентациялар, аудио ва видео ёзувлар бўлиши мумкин.

Суд-техник экспертизаси бира тўла дастурий таъминот компютери, компютер-аппарати, компютер ахбороти, тармоқлари устида амалга оширилиши мумкин. Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда электрон далиллар устида экспертиза ўтказишда уларнинг дастурий таъминоти ҳам, глобал тармоғи ҳам, техника воситаларидаги ахборотлар ҳам текширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасида суд экспертизаси бир ёки (комиссиявий суд экспертизаси) ёхуд турли хил (комплекс суд экспертизаси) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Электрон далилларга нисбатан суд-техник экспертизаси тайинланганда суд экспертизаси бир хил (комиссиявий суд экспертизаси) томонидан техниканинг ўзи, унинг дастурий таъминоти, интернет бўйича ўтказилиши мумкин. Комиссиявий суд экспертизаси ўтказилаётганда суд экспертларининг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказиши ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади.

Суд экспертлари умумий фикрга келгандан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди.

Ҳуқуқшунос олим И.Астанов экспертизани ўтказишда кетма – кетлигига кўра, бирламчи, қўшимча ва қайта экспертиза, комиссиявий экспертиза, тадқиқот иш ҳажмига кўра яқна шахс томонидан ўтказиладиган экспертиза, комиссиявий экспертиза, фойдаланиши лозим бўлган билимлар кўламига биноан бир турдаги экспертиза, комплекс экспертиза турларига ажратади [11, 86-бет].

Рус ҳуқуқшуноси Т.Саханова ҳам экспертизанинг муҳим долзарблигидан келиб чиқиб, биринчи (асосий), қайта, қўшимча, комплекс, комиссиявий турларга ажратган [12, 202-бет]. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексларида қайта, қўшимча, комплекс, комиссиявий экспертиза ўтказилиши белгиланган.

Электрон далилларга нисбатан ҳам турли хил (комплекс суд экспертизаси) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкин, яъни техниканинг ўзи текширилиши билан биргаликда унинг ахбороти давлат сири, тижорат сири, оилавий сир ёки фуқаролик ва иқтисодий суд иши учун далил бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги аниқланади. Комплекс суд экспертизасини ўтказишда суд экспертларининг ҳар

бири ўз ваколати доирасида текширишлар олиб боради. Комплекс суд экспертизасининг хулосасида суд экспертларининг ҳар бири қайси текширишларни ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Суд экспертларининг ҳар бири хулосанинг ушбу текширишлар баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган суд экспертлари қилади. Агар суд экспертлари комиссияси якуний фикрининг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида суд экспертларидан бирининг (алоҳида суд экспертларининг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақида хулосада кўрсатилиши керак.

Суд-техник экспертизанинг хулосасида:
суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой;
суд экспертизасини ўтказиш асоси;
суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)

тўғрисида маълумотлар;
суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар;

суд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги;

суд экспертнинг олдига қўйилган саволлар;
суд экспертга тақдим этилган текшириш объекти ва иш материаллари (диск, флешка, компьютер, видео ва аудио кассетлар);

суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги;

текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар;

иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Фуқаролик процессуал қонунчилигимизда эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий равишда бузилганда қайта экспертиза тайинланиши белгиланган. Электрон далиллар бўйича эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ҳам электрон далиллар бўйича қайта экспертиза ўтказилиши мумкин. Электрон далиллар бўйича қайта экспертиза ўтказилганда электрон далиллар бошқа экспертга ёки экспертлар комиссиясига топширилади.

Шунингдек, электрон далиллар бўйича ўтказилган экспертиза хулосасида бўшлиқлар мавжуд бўлса, суд қўшимча экспертиза тайинлаши мумкин.

Қўшимча ёки такрорий суд экспертизаси тайинланган тақдирда экспертиза муассасасига хулоса ёки олдинги ўтказилган суд экспертизаси хулосасини бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги далолатнома

барча иловалар (фото жадваллар, экспериментал материаллар ва шу кабилар) билан бирга тақдим этилади.

Қўшимча ёки такрорий суд экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да уни тайинлашнинг сабаблари ва асослари, албатта, кўрсатилади [13, 71-бет].

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни текшириш объектлари доирасини кенгайтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасида ашёвий далиллар, текшириш учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, шунингдек суд экспертизаси ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Текширишлар тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилиши белгиланган. Бироқ юқоридаги бобларда таъкидалаб ўтганимиздек, ашёвий далиллар, ҳужжатларнинг электрон далиллардан тубдан фарқи бор. Шу боис уларга электрон далиллар, яъни техника воситалари ҳамда уларда электрон шаклда сақланадиган ахборотларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни таклиф этамиз:

9-модда. Текшириш объектлари

Ашёвий далиллар, текшириш учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, ахборот-техника воситалари ҳамда уларда электрон шаклда сақланадиган маълумотлар, шунингдек суд экспертизаси ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Текширишлар тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади...

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексларида хусусий тусга эга бўлган аудио ёки видеоёзувни қайта намоёйиш қилиш, шунингдек уларни текшириш имконияти берилди. Суд томонидан хусусий тусга эга бўлган аудио ёки видеоёзувларга нисбатан суд-техник экспертизаси тайинланганда, эксперт аудио- ёки видеоёзувлар сақланаётган кассета, диск, флешка ёки компьютерни эмас, балки уларда сақланаётган аудио ёки видеоёзувларни текширади ҳамда уларга нисбатан эксперт хулосасини беради. Бундан кўринадики, аудио ёки видеоёзувлар ашёвий далиллар ҳам, ёзма ҳужжатлар ҳам эмас. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни электрон далилларга оид объектлар акс этиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б.545-546.
2. Отахўжаев С. Асосий Қонун ва суд экспертизаси принциплари.// Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2009. – №12. – Б.30 – 31.
3. Шорахметов Ш. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б.151.
4. Митрофанова М. Электронные доказательства и принцип непосредственности в арбитражном процессе. Диссер. канд. юрид. наук. – Саратов. 2013. – Ст. 135

5. Давтян А. Экспертиза в гражданском процессе. – Москва. Спарк.2010. – С.19.

6. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ишларини судда кўришда исботлаш ва далиллар. Монография. – Тошкент, 2015. – Б.71.

7. Абдурахмонова Г. Фуқаролик процесси: унда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби.//www.huquqburch.uz

8. Мишурина О. Оценка судом заключения эксперта.

<http://www.divorces.ru/faq/dokazatelstva/svideteli.htm>

9. <http://prosud24.ru/kompiuterno-tehnicheskaja-jekspertiza/>

10. <http://prosud24.ru/kompiuterno-tehnicheskaja-jekspertiza/>

11. Астанов И. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланиш шакли сифатида экспертиза тергов ҳаракатини ўтказиш: назария ва амалиёт. – Тошкент, 2012. – Б.86.

12. Саханова Т. Судебная экспертиза. – Москва, 2000. – С.202.

13. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ишларини судда кўришда исботлаш ва далиллар. Монография. – Тошкент, 2015. – Б.71.

Г.У.Ахмедова,
преподаватель ТГЮУ, к.ю.н.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОДЕРЖАНИЯ БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН В УЧРЕЖДЕНИЯХ ПО ИСПОЛНЕНИЮ НАКАЗАНИЯ (ПЕНИТЕНЦИАРНОЙ СИСТЕМЕ)

Аннотация: В статье рассматриваются некоторые вопросы и проблемы содержания в пенитенциарных учреждениях беременных женщин и женщин с малолетними детьми, перспективные направления совершенствования условий содержания осужденных данной категории, а также даются соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: женская преступность, осужденный, беременная, пенитенциарное учреждение, колонии, условия содержания.

Аннотация: Мақолада пенитенциар муассасаларда хомиладор маҳкум аёллар ва ёш болали маҳкум аёлларни сақлашнинг айрим масалалари ва муаммолари, шунингдек ушбу тоифадаги маҳкумларни сақлаш шароитларини яхшилашнинг истиқболли йўналишлари қуриб чиқиладиган, бундан ташқари тегишли хулосалар ва тақлифлар берилди.

Калит сўзлар: аёллар жиноятчилиги, маҳкум, хомиладор аёл, пенитенциар муассаса, колония, сақлаш шароитлари.

Annotation: Article considers the issues and problems about the penitentiary system for the pregnant women and the conditions, juvenile facilities, develops the recommendations in order to improve the existing penitentiary system.

Key words: crime of women, convicted, pregnant women, penitentiary system, juvenile facilities, condition of detention.

Сегодня во всем мире в качестве одной из наиболее важных мер повышения эффективности предупреждения женской преступности, указывается на необходимость совершенствования условий отбывания женщинами наказания в виде лишения свободы, усиление имплементации в национальное законодательство каждой страны международных стандартов касательно создания специальных условий отбывания наказания для осужденных женщин, разработки социально-психологической адаптации как основного пути профилактики и предупреждения совершения рецидивных преступлений осужденными женского пола после их освобождения, совершенствование нормативно-правовой базы в аспекте повышения профилактической функции пенитенциарной системы, а также проведение совместных исследований перспектив дальнейшего правового регулирования.

В Республике Узбекистан после обретения национальной независимости важное значение стало придаваться противодействию преступности в целом, женской преступности как ее неотъемлемой части, путем реформирования уголовного и уголовно-исполнительного законодательства, пенитенциарной системы. Особую динамику и развитие вопросы борьбы с женской преступностью приобрели в последние годы, в частности, улучшается нормативно-правовая база в части улучшения условий отбывания наказания,

социальной адаптации лиц женского пола.

Современное уголовно-исполнительное законодательство нашей страны предусматривает специальную регламентацию условий отбывания наказания в виде лишения свободы лишь в отношении некоторых категорий осужденных женщин. В целом, правовой статус женщины, осужденной к лишению свободы, очень незначительно отличается от статуса мужчины, осужденного к данному наказанию. Так, условия содержания в колонии по исполнению наказаний (которые согласно статье 61 УИК могут быть обычными, улучшенными и ухудшенными) для осужденных женщин регламентированы нормами действующего УИК, распространяющимися на всех осужденных безотносительно их половой принадлежности.

Как показывает анализ Уголовно-исполнительного кодекса РУз, существуют лишь отдельные незначительные нормы, улучшающие положение женщин, отбывающих лишение свободы. Так, минимальная норма жилой площади, приходящейся на одну осужденную, содержащуюся в женской колонии, согласно части 1 статьи 84 УИК составляет не два, как в мужском учреждении, а три квадратных метра.

Вместе с тем, особого внимания заслуживает проблема сохранения физического и психического здоровья женщин в условиях лишения свободы в тесной взаимосвязи с улучшением санитарно-гигиенических и бытовых условий. Так, Тюремные правила Англии и Уэльса конкретно и жестко регламентируют особенности обращения с заключенными женщинами с учетом их физиологических и психических особенностей [1, 47-с].

Важным элементом статуса осужденной женщины является ее материнство, которое фактически не создает никаких правовых преимуществ для женщины и ее детей, остающихся в полной изоляции от матери на время отбывания ею наказания (за исключением беременных и имеющих детей до трех лет). Таким образом, правовой статус осужденных женщин, отбывающих лишение свободы, нуждается в постоянном совершенствовании и более детальном регламентировании, учитывающем психофизические, социально-демографические и иные особенности женщин [2, 56-с].

Статьей 132 УИК РУз устанавливается, что для содержания при осужденных женщинах малолетних детей в возрасте до трех лет в учреждениях по исполнению наказания при необходимости организуются дома ребенка.

Законодатель обязывает создавать в таких учреждениях условия, необходимые для нормального проживания и развития детей, находящихся в домах ребенка. Осужденные матери могут общаться с детьми в свободное от работы время без ограничения, возможно и совместное проживание матери и ребенка. Как только ребенку исполнится три года, с согласия осужденной женщины он передается для дальнейшего воспитания родственникам, иным лицам либо направляется в соответствующее детское учреждение.

Следует подчеркнуть, что вид режима колонии по исполнению наказания, назначенный женщине судом, практически не играет никакой роли, т.к. в Узбекистане функционирует единственная женская колония, в которой содержатся осужденные женщины общего и строгого режимов, а также преступницы несовершеннолетнего возраста, беременные женщины и женщины, имеющие малолетних детей до трех лет. Для этого на территории женской колонии созданы отдельные

изолированные участки для содержания указанных категорий осужденных женщин.

Правовым основанием подобной организации отбывания наказания является часть 2 статьи 59 УИК, которая гласит: «В случаях, предусмотренных законодательством, в колониях одного вида допускается организация изолированного участка для содержания осужденных к лишению свободы с отбыванием наказания в колонии другого вида».

Следует отметить, что данное обстоятельство не в полной мере соответствует рекомендациям международных пенитенциарных стандартов. Так, согласно положениям, закрепленным в международно-правовых стандартах, решение о распределении (переводе, перемещении) осужденных между учреждениями по исполнению наказаний не должно создавать трудности для осужденных и их семей. В целях социальной реабилитации, осужденные должны содержаться в пенитенциарных учреждениях поблизости от своего проживания либо на возможно близком к нему расстоянии. В стандартах рекомендуется «по возможности проводить консультации с осужденными и выполнять их разумные требования». Подобные консультации необходимо проводить до перевода в места отбывания наказания, в период нахождения в следственных изоляторах [3, 109-с].

В этой связи, на наш взгляд, следует отказаться от сосредоточения всех осужденных женского пола в одной колонии (под предлогом их незначительного числа). Целесообразно создание на всей территории Республики Узбекистан нескольких современных компактных технических высоко оснащенных пенитенциарных учреждений, специально для отбывания осужденных женского пола. При этом их дислокация должна быть вполне доступной для всех жителей (к примеру, в Ферганской долине, Республике Каракалпакстан, Ташкентской, Навоийской и Кашкадарьинской областях, а также в городе Ташкенте).

Осужденные несовершеннолетние беременные женщины, а также имеющие детей в возрасте до трех лет, также направляются для отбывания наказания в учреждение, предназначенные для отбывания наказания осужденных женщин, при которых имеется дом ребенка.

Чаще всего несовершеннолетние беременные женщины находятся в возрасте 16-18 лет, то есть в любом случае через определенное время их должны будут перевести во «взрослую» колонию. Поэтому помещение таких женщин сразу в колонию по исполнению наказания, а не в воспитательную колонию, нарушает уголовно-исполнительное законодательство, в частности статью 58 УИК «Раздельное содержание осужденных» и статью 59 УИК «Случаи совместного содержания осужденных разных категорий».

Вместе с тем, учитывая потребности практики, а также незначительное число подобной категории осужденных несовершеннолетних женского пола и невозможность создания для них отдельных учреждений с родильным отделением и домом ребенка, целесообразно дополнить Уголовно-исполнительный кодекс нормой, разрешающей направлять для отбывания наказания несовершеннолетних беременных женщин либо несовершеннолетних женщин с детьми в женскую колонию, при котором имеется дом ребенка.

Раскрывая особенности отбывания наказания в виде лишения свободы беременных женщин, кормящих матерей, а также имеющих при себе детей до трех

лет, стоит отметить, что им предоставляются практически все права и льготы, которыми обладает обычная осужденная согласно национальному законодательству.

Беременным женщинам, при сроке беременности свыше 4 месяцев, и кормящим матерям на период освобождения от работы бесплатно предоставляются: одежда, белье, обувь, питание по повышенным нормам, создаются улучшенные жилищно-бытовые условия. На питание детей распространяются общие нормы [4].

Осужденные беременные женщины, а также имеющие при себе детей до трех лет могут без ограничений приобретать продукты питания и предметы первой необходимости за счет средств, находящихся на их лицевых счетах. Кроме того, женщине и ребенку может понадобиться специальная одежда, обувь, медицинская техника, оздоровительно-развивающие приборы, которыми учреждение обеспечить их не может.

Следует отметить также особенность, установленную частью 3 статьи 75 УИК. Если общая сумма денег, разрешенных к расходованию в течение месяца для осужденных не должна превышать: в колонии общего режима трех размеров установленной минимальной заработной платы; в колониях строгого режима – двух с половиной трех размеров установленной минимальной заработной платы, то согласно части 4 статьи 75 УИК для беременных женщин и женщин, имеющих детей в домах ребенка учреждений по исполнению наказания, - трех с половиной размеров установленной минимальной заработной платы.

При этом перечень продуктов и предметов первой необходимости, которые осужденным разрешается иметь при себе, получать в посылках, передачах, бандеролях и приобретать в магазинах учреждения по исполнению наказания, установлен в приложении к Правилам внутреннего распорядка учреждений по исполнению наказания [5].

Среди них наряду с такими предметами, как обувь спортивная, полотенца, нитки, шарфы и т.д., определяются разрешенные предметы для лиц женского пола, в том числе косынки, рейтузы, пояса, бюстгалтеры, марля, гигиенические пакеты, заколки, вазелин, вата, шампунь, косметические принадлежности (их, к слову, разрешили использовать не так давно).

Этот перечень еще раз говорит о том, что при исполнении лишения свободы учитываются физиологические особенности осужденных женского пола.

Это же подтверждает и приложение к приказу МВД Республики Узбекистан от 29 декабря 2012 г. № 174, в котором определяются нормы снабжения вещевым довольствием родильных отделений учреждений, исполняющих наказание, а также беременных женщин, находящихся в дородовом отпуске, кормилиц и кормящих матерей, отбывающих наказание в виде лишения свободы.

Кроме того, указаны такие необходимые предметы для беременных и кормящих женщин, а также для детей, как сорочки, распашонки, пеленки, детские простыни, одеяла байковые детские и т.д.

При этом подчеркнем, что обеспечение указанными необходимыми вещами, как женщин, так и их детей осуществляется за счет государства.

Вместе с тем, организация медицинской помощи в пенитенциарных учреждениях — это очень болезненный вопрос. Согласно ряду весьма обоснованных, на наш взгляд, мнений, необходимо перевести медицинский персонал пенитенциарных

учреждений в Минздрав, чтобы гарантировать невмешательство администрации пенитенциарных учреждений и сотрудников правоохранительных органов в деятельность медицинских работников мест лишения свободы, которые сейчас, в силу ведомственной подчиненности, несвободны в оказании медицинской помощи, фиксации причиненных заключенным телесных повреждений и т. д. [6]

Эксперты также обращают внимание на высокую смертность среди осужденных, а также на необходимость повышения эффективности лечения больных заключенных и минимизации распространения социально опасных заболеваний (туберкулез, ВИЧ и пр.). В связи с этим отмечается острая потребность в более комплексном подходе к оказанию медицинской помощи разных видов, в частности, путем создания внутри пенитенциарных учреждений сети специальных больниц — туберкулезных, психиатрических, хосписов, геронтологических отделений и т. н. палат последних дней жизни. Эксперты отмечают необходимость пересмотреть механизм медицинского страхования заключенных, поскольку среди прочего на сегодняшний момент ситуация такова, что практически никто не контролирует качество медицинских услуг в пенитенциарной системе [7].

В заключение хотелось бы отметить, что рассмотрение среди научных кругов и практических специалистов поднятых нами проблемных вопросов, а также внесение в уголовное-исполнительное законодательство соответствующих изменений, расширит права осужденных лиц такой специфической категории как беременные женщины и женщины с малолетними детьми, что не только в полной мере обеспечит здоровье женщин и их детей, но и одновременно, станет отличным стимулирующим фактором для правопослушного поведения женщин.

Список литературы:

1. Ю.И. Калинин Уголовно-исполнительное право. Учебник: В 2 т. Т. 2; Особенная часть, - Рязань, Логос; Академия права и Управление Федеральной Службы исполнения наказаний, 2006 г. – С.47.

2. Уголовное право. Учебник. Общая часть. Л.Л. Кругликова, Волтерс Клувер, 2005 г.

3. Кохман В.Н., Полищук Н.И. Правовая инфильтрация норм международного права в уголовное-исполнительное законодательство Российской Федерации. – Воронеж, 2008. – С. 109.

4. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 июля 2015 года № 184 «Об утверждении норм довольствия осужденных, отбывающих наказание в учреждениях по исполнению наказания, а также лиц, содержащихся под стражей в следственных изоляторах и изоляторах временного содержания Министерства внутренних дел Республики Узбекистан» // www.lex.uz

5. Приказ министра внутренних дел Республики Узбекистан от 29 декабря 2012 года №174 “Об утверждении Правил внутреннего распорядка учреждений по исполнению наказания в виде лишения свободы” // зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 29 июля 2013 года за № 2495 (Свод актов законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., №31, ст. 414).

6. Завитова С. В., Меджидов Р. Э. Развитие пенитенциарной медицины в условиях реформирования

уголовно-исполнительной системы. // Рекомендации СПЧ (по итогам выполнения рекомендаций Совета, направленных на обеспечение прав человека в учреждениях УИС). [http://www.president-sovet.ru/events/special/read/34/;](http://www.president-sovet.ru/events/special/read/34/)

7. Ассоциация независимых наблюдателей о ситуации с медицинским обеспечением в пенитенциарной системе России <http://antipytki.ru/2016/02/21/zayavlenie-assotsiatsii-nezavisimyh-nablyudatelej-po-situatsii-s-meditsinskim-obespecheniem-v-penitentsiarnoj-sisteme-rossii>

Н.Х.Рахмонкулова,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети “Халқаро хусусий ва фуқаролик ҳуқуқи”
кафедраси доценти, ю.ф.д.

ҲИМОЯВИЙ ИЗОҲЛАР – ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА (ОММАВИЙ ТАРТИБ ТЎҒРИСИДАГИ ИЗОҲ)

Аннотация: ушбу мақолада халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнида чет эл ҳуқуқ нормаларини қўллаш оқибатида миллий ҳуқуқ тартибот асослари ва конституциявий тизимга зид келиши мумкин бўлган қарорларнинг олдини олиш мақсадида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш воситаларидан бири бўлмиш оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ институтининг тушунчаси, моҳияти ва кўринишлари батафсил ёритилган ҳамда турли мамлакатлар миллий қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро шартномаларнинг қоидалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: халқаро хусусий ҳуқуқ, чет эл ҳуқуқ нормалари, миллий манфаат, миллий қонунчилик, халқаро шартномалар, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ.

